Ал-Ваъй

483

Қирқ биринчи йил чиқиши
Робиъус соний 1448ҳ-Сентябр 2026м

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ҒОЯВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

АЛ-ВАЪЙ МИНБАРИ

ЖАРЛИК ЁҚАСИДАГИ «ИСРОИЛ»: ҲУКУМАТ ХОМХАЁЛЛАРИ ВА ВАЙРОНКОР КЕЛАЖАК

ХИТОЙНИНГ СТРАТЕГИК ҚАРАШЛАРИ ВА ЯНГИ ДУНЁ ТАРТИБОТИ САРИ ЮЗЛАНИШИГА БИР НАЗАР

ИНФЛЯЦИЯ БЎҲРОНИ ВА ДОЛЛАР ГЕГЕМОНИЯСИ: ИСЛОМ ПУЛ ТИЗИМИ ҚУТҚАРУВЧИ МУҚОБИЛ

МАТЕРИАЛИСТИК ФАН ИНҚИРОЗИ: ЭМПИРИК РЕДУКЦИОНИЗМ ВА САБАБИЯТ ФАЛСАФАСИ (2)

МУБОРАК ҚУРЪОН СУҲБАТИДА: ҚАЗО ВА ҚАДАР ШАРҲИ

ХАЛИФА ВА ПОДШОҲЛИК: ИЛОҲИЙ АДОЛАТ ВА ЗОЛИМЛИК ЎРТАСИДАГИ ТУБ ФАРҚЛАР

ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШ ВА ИСЛОМ: КУЧ ИШЛАТИБ ҲОКИМИЯТНИ ЭГАЛЛАШ ШАРЪИЙ УСУЛМИ? (1)

Ҳар қамарий ойда чоп этилади
Ливан ахборот вазирлиги томонидан
15.11.1989 йил берилган лицензияси
асосида рўйхатга олинган

www.al-waie.org
subjekt@alwaie.org

ҮШБҮ СОНДА

ЖАРЛИК ЁҚАСИДАГИ «ИСРОИЛ»: ҲУКУМАТ ХОМХАЁЛЛАРИ ВА ВАЙРОНКОР КЕЛАЖАК 3
ХИТОЙНИНГ СТРАТЕГИК ҚАРАШЛАРИ ВА ЯНГИ ДУНЁ ТАРТИБОТИ САРИ ЮЗЛАНИШИГА БИР НАЗАР 15
ИНФЛЯЦИЯ БЎҲРОНИ ВА ДОЛЛАР ГЕГЕМОНИЯСИ: ИСЛОМ ПУЛ ТИЗИМИ ҚУТҚАРУВЧИ МУҚОБИЛ 32
МАТЕРИАЛИСТИК ФАН ИНҚИРОЗИ: ЭМПИРИК РЕДУКЦИОНИЗМ ВА САБАБИЯТ ФАЛСАФАСИ (2) 42
ДУШМАНЛИК ЎЧОҒИДАН ПАЙҒАМБАРЛИК ХОНАДОНИГА: ҲАЗРАТИ САФИЯ ОНАМИЗНИНГ ҲИДОЯТ ЙЎЛИ 56
ҚАЗО ВА ҚАДАР ШАРҲИ 64
ХАЛИФА ВА ПОДШОҲЛИК: 75
ҲУКМДОР ОДАМЛАРНИ ҚЎРҚУВГА СОЛИШДАН ОЛДИН ЎЗИ АЛЛОҲДАН ҚЎРҚҚАНДА – ИЛОҲИЙ АДОЛАТ ВА ЗОЛИМЛИК ЎРТАСИДАГИ ТУБ ФАРҚЛАР 75
ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШ ВА ИСЛОМ: КУЧ ИШЛАТИБ ҲОКИМИЯТНИ ЭГАЛЛАШ ШАРЪИЙ УСУЛМИ?(1) 81
ТРАМП ОҚ УЙНИНГ АСЛ МУСТАМЛАКАЧИЛИК БАШАРАСИНИ ОЧДИ 95
СЎНГИ СЎЗ: ФАЛАСТИНДА ИФФАТ УЧУН ҚАТАҒОН 97

ЖАРЛИК ЁҚАСИДАГИ «ИСРОИЛ»: ҲУКУМАТ ХОМХАЁЛЛАРИ ВА ВАЙРОНКОР КЕЛАЖАК

Набил Абдул Карим

Яҳудий вужуди бугунги кунда бошдан кечираётган инқироз кўлами фақат жанг майдонларидаги воқеалар ёки хавфсизлик тизимидаги тўқнашувлар натижаси билангина чекланиб қолмайди. Бу инқирознинг асл илдизи анча чуқурроқ бўлиб, у сионистик ҳукумат олдига қўйилган мақсадлар ҳамда уларни амалга ошириш имкониятлари ўртасидаги тобора кенгайиб бораётган жарлик билан белгиланмоқда.

«Ширин орзулар» ҳалокатли бўлиши мумкинми? Бугунги кунда яҳудий вужудида ҳукмрон элитанинг гегемонликка интилиши ва шахсий манфаатлар йўлида омон қолиш васвасаси кўр-кўрона эйфорияга айланиб, тузумни тубсизлик сари тез суръатлар билан улоқтирмоқда. Бенямин Нетаняху ва унинг шериклари янги диний-тарихий шон-шуҳрат яратаётганликларига ишонишса-да, аслида улар ўзлари даъво қилган барқарор институтлар, бақувват иқтисодиёт ва мустаҳкам хавфсизлик тизимига эга «давлат»нинг ўлими ҳақидаги гувоҳномага имзо чекмоқдалар.

«Мутлақ ҳарбий ғалаба» ҳақидаги пуч хаёллар, жамиятни ички бўлиниш ёқасига олиб келган суд тизимини издан чиқариш ҳаракатлари, хавфсизлик хизматларини заифлаштиришга қаратилган интилишлар ҳамда халқаро изоляция ва иқтисодий инқирозга замин яратувчи аннекция режалари — буларнинг барчаси тизимли инқирозни юзага келтирди. Мазкур бўҳрон ҳарбий ҳаракатлар чегарасидан аллақачон чиқиб кетган бўлиб, ушбу жиноятчи вужуднинг истиқболини тўлиқ сўроқ остида қолдирмоқда. Бу шунчаки оддий сиёсий хатолар эмас, балки ўз сиёсий омон қолиши ва бошига тушган инқирозу судловлардан қочиш илинжида давлат келажагини тикиб қимор ўйнаётган шахс бошчилигидаги ҳалокатли авантюрадир. Ушбу фожиали тарихий

саҳнада “давлат” авторитар амбициялар гаровига айланиб бўлди. Бунинг бадали эса барбод бўлаётган бугунги кун ва бой берилган келажак билан тўланмоқда. Мазкур жараён нафақат яҳудий вужуди учун фожиа, балки бутун минтақани ларзага келтириши мумкин бўлган ҳалокатли зилзила даракчисидир.

Узоқ давом этаётган уруш ва улкан мақсадлар

«Исроил» ҳукумати минтақани куч билан қайта шакллантириш ҳамда ўз сиёсий ва хавфсизлик манфаатларига мос келадиган янги тартибларни жорий этиш илинжида ҳаракат қилмоқда. Бироқ Яқин Шарқнинг сиёсий тарихи шуни кўрсатадики, ҳарбий куч вақтинчалик устунликни таъминлаши мумкин, аммо ҳеч қачон барқарорлик ва сиёсий тан олинишга олиб келмайди.

Асл муаммо шундаки, урушнинг чўзилиши тўғридан-тўғри ҳарбий талофатлардан анча юқори бўлган оммавий зарар ва улкан харажатларни юзага келтиради. Низонинг ҳар бир қўшимча куни — иқтисодий юкнинг ортиши, ҳарбий ресурснинг емирилиши, ижтимоий босимнинг кучайиши, иттифоқчиларнинг мажбуриятлари оғирлашиши ва халқаро ҳамжамият танқидининг кенгайиши демакдир.

Шу тариқа, яҳудий вужуди боши берк кўчага кириб қолди: қўйилган мақсадлар қанчалик улкан бўлса, уларга эришиш учун шунчалик узоқ муддатли уруш талаб этилади. Уруш қанчалик чўзилса, унинг сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик бадали ҳам шунчалик юқори бўлаверади.

Ҳарбий ҳаракатлар инфратузилмани вайрон қилиши, кучлар мувозанатини ўзгартириши ва муваққат назоратни ўрнатиши мумкин, бироқ улар можаронинг асл илдизларини, халқнинг озодликка бўлган интилишларини ҳеч қачон йўқ қила олмайди. Шу боис сионистик режим олдида энг асосий дилемма кўндаланг турибди: ҳарбий операциялардан кейин нима бўлади?

Агар мақсад янги геосиёсий борлиқни шакллантириш бўлса, бу воқелик сиёсий қонунийликни, минтақавий ва халқаро миқёсда тан олинишни ҳамда узоқ муддатли келишувларни талаб қилади. Аммо уруш ягона чора бўлиб қолаверса, ҳарбий ҳаракатларнинг тугаши

муаммони шунчаки аввалги ҳолатига қайтаради, фақат бу сафарги бадал жуда қимматга тушади.

«Исроил»нинг ички манзараси: ҳукумат назоратидан чиқиб кетаётган инқироз

Ички сиёсий майдонда яҳудий вужуди раҳбарияти ўта мураккаб геосиёсий ва ижтимоий ҳисоб-китоблар исканжасида қолди. Бугунги кунда уруш ҳаракатлари шунчаки ҳарбий амалиёт бўлмай, ҳукмрон коалициянинг сиёсий омон қолиши, жамиятдаги кескин қутблашув, асирлар тақдири, аскарлар етишмовчилиги, иқтисодий инқироз ва хавфсизлик муаммолари билан чамбарчас боғланиб кетган.

2026 йилнинг август ойига келиб, қатор таҳлилий марказлар ҳамда «исроил» ва хориж оммавий ахборот воситаларининг хулосалари ушбу босқинчи вужуднинг тизимли ва кўп қиррали инқироз гирдобига ботганини расман тасдиқлади. Мазкур бўҳрон оддий сиёсий келишмовчиликлардан анча чуқур бўлиб, давлат институтлари, жамият қатламлари, иқтисодиёт ва армия тузилмасини ич-ичидан емирмоқда.

Хусусан, президент Ицхак Герцог мамлакатда «фуқаролар уруши» хавфи борлигидан бир неча бор очиқ огоҳлантириб, миллий мулоқот ва муросага чақирди. Мухолифат етакчиси Яир Лапид эса амадаги ҳукумат сиёсатини кескин қоралаб, уни демократик тамойиллар ва ижтимоий бирдамликка раҳна солувчи асосий таҳдид сифатида баҳолади. «Исроил»нинг таниқли таҳлилчилари ва академик доиралари вазиятни мисли кўрилмаган «ички экзистенциал инқироз» деб баҳоламоқдалар.

Биринчи: Мисли кўрилмаган сиёсий ва институционал инқироз

- **Ҳукумат легитимлигининг инқирози:** Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси Кнессетдаги (парламент) сиёсий устунлигини сезиларли даражада бой бериб, заиф ва тарқоқ коалицияларга қарам бўлиб қолди. Ҳукмрон блок ичидаги ички келишмовчиликлар кучайгани сабабли, стратегик қарорлар қабул қилиш жараёни ўта мураккаблашган.

- **Парламентни тарқатиб юбориш ва сайлов пойгаси:** Сиёсий бўҳрон фонида муддатидан олдин парламент сайловларини ўтказиш масаласи кун тартибига кескин кўтарилди. Бироқ хавфсизлик соҳасидаги беқарорлик сайлов жараёнини мураккаблаштириши ёки орқага суриши мумкин. Бу эса ўз навбатида мамлакатни янги конституциявий ва сиёсий инқироз ёқасига олиб келиш хавфини туғдирмоқда.
- **Суд ҳокимияти билан қарама-қаршилик:** Олий суд ваколатларини чеклаш ҳамда сиёсий ва суд ҳокимияти ўртасидаги мувозанатни ўзгартиришга қаратилган уринишлар кенг кўламли баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Мухолиф кучлар бу ҳаракатларни «исроил» жамиятидаги бўлинишни янада чуқурлаштирган «суд тўнтариши» сифатида баҳоламоқда. Мазкур ислоҳотлар академик, иқтисодий ва сиёсий доираларнинг кескин эътирозларига учрамоқда.

Иккинчи: Ижтимоий тузилманинг парчаланиши ва миграция

- **«Миялар оқими» ва кадрлар заифлашуви:** Сўнгги йилларда мамлакатни тарк этаётган юқори малакали ва катта даромадли мутахассислар сони кескин ортди. Бу эса инсон капиталининг истиқболи ҳамда «исроил» иқтисодиётининг илм-фан ва юқори технологиялар соҳасидаги етакчи кадрларни сақлаб қолиш қобилиятини жиддий сўроқ остида қолдирмоқда.
- **Ички кескинлик ва нафрат риторикаси:** Маҳаллий оммавий ахборот воситалари ва сиёсий доиралар амалдаги ҳукуматни диний ва дунёвий қатлам, шунингдек, ўнг ва чап қанот сиёсий кучлар ўртасидаги бўлинишни авж олдиришда айбламоқда. Кузатувчилар жамият бирлигига таҳдид солаётган бундай вазиятни «совуқ фуқаролар уруши» ёки чуқур ички ижтимоий низо сифатида тавсифламоқдалар.
- **Таълим тизимидаги бўҳрон:** «исроил» маориф тизими кундан-кунга чуқурлашиб бораётган муаммолар исканжасида қолмоқда. Айниқса, «Хареди» (ултраортодоксал яҳудийлар) диний мактабларидаги ўқув дастурларининг замонавий талабларга жавоб бермаслиги жиддий баҳсларга сабаб бўлмоқда. Ушбу

қатламнинг замонавий меҳнат бозорига интеграциялаша олмаётгани мамлакат иқтисодиёти ва жамият тузилмасига узоқ муддатли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Учинчи: Иқтисодий ва молиявий инқироз

- **Кредит рейтингининг пасайиши:** Чўзилаётган уруш ва унинг оғир молиявий оқибатлари «исроил» иқтисодиётига бераётган босимини кучайтирмоқда. Бу вазият етакчи халқаро кредит рейтинг агентликларини давлат қарзининг ортиши, бюджет тақчиллигининг кенгайиши ҳамда ҳарбий ҳаракатларнинг давом этишидан келиб чиқадиган узоқ муддатли хавф-хатарлардан жиддий огоҳлантиришга мажбур қилди.
- **Урушнинг юқори бадали:** Ҳарбий операцияларнинг бевосита ва билвосита харажатлари ўта йирик рақамларни ташкил этмоқда. Маълумотларга кўра, уруш қиймати юзлаб миллиард шекелга баҳоланиб, давлат бюджетининг устувор йўналишларини бутунлай ўзгартириб юборди ҳамда соғлиқни сақлаш, таълим ва инфратузилма каби ижтимоий соҳаларга кучли зўриқиш олиб келди.
- **Инвесторлар ишончининг сўниши:** «исроил» иқтисодиётининг асосий локомотиви ҳисобланган юқори технологиялар (Hi-Tech) сектори сиёсий ва ҳарбий беқарорлик туфайли инқирозга юз тутмоқда. Беқарорлик оқибатида кўплаб хорижий инвестициялар тўхтади, қатор етакчи компаниялар, малакали ходимлар ва капитал оқими мамлакатни тарк этиб, чет элга кўчиб ўтмоқда.

Тўртинчи: Ҳарбий ва хавфсизлик тизимидаги зўриқиш

- **Армиянинг толиқиши ва ресурс тақчиллиги:** «исроил» армияси бир вақтнинг ўзида Ғазо, Ливан ва Иордан дарёсининг Ғарбий соҳили каби бир нечта фронтда, шунингдек, минтақавий кескинлик ҳамда Эрон билан тўғридан-тўғри қарама-қаршилик шароитида ҳаракат қилмоқда. Бундай шиддатли фронт чизиғи ҳам мунтазам қўшин, ҳам захирадаги кучларнинг руҳий ва жисмоний жиҳатдан қаттиқ толиқишига олиб келди.

- **Ҳарбий сафарбарлик инқирози:** «Хареди» мажбурий ҳарбий хизматдан озод қилиш имтиёзи мамлакатда чуқур сиёсий ва ижтимоий низони келтириб чиқарди. Армия қўмондонлиги жонли кучга бўлган эҳтиёж ортгани сабабли чақирув базасини кенгайтиришни талаб қилаётган бир пайтда, йирик диний қатламлар бунга кескин қаршилик кўрсатмоқда. Бу эса қуролли кучлар ва диний жамият ўртасидаги жарликни янада кенгайтирмоқда.
- **Ҳарбий тийиб туриш салоҳиятининг заифлашуви:** 2023 йилдан буён хавфсизлик соҳасида юз берган кескин ўзгаришлар яҳудий вужудининг аввалги ҳарбий қудрати ва тийиб туриш салоҳиятини қай даражада сақлаб қолганини жиддий сўроқ остида қолдирди. Хусусан, рақиб кучларнинг «исроил» мудофаа тизимини ёриб ўтиб, стратегик ичкарига зарба бера олиш қобилияти мазкур тизимнинг заифлигини кўрсатиб қўйди.
- **Халқаро майдондаги обрўсизланиш:** «исроил»нинг ташқи дунёда «можароларни чексиз бошқаришга қодир енгилмас куч» сифатидаги имижини сақлаб қолиши тобора қийинлашмоқда. Ҳарбий ҳаракатлар кўлами кенгайган сари, яҳуд ҳукумати дипломатик, ҳуқуқий ва ахборот майдонида мисли кўрилмаган босимларга дуч келмоқда, бу эса ўз навбатида унинг анъанавий иттифоқчилари билан муносабатларини ҳам чигаллаштирмоқда.

Бугунги кунда яҳудий вужуди кўп қиррали ташқи инқирозлар гирдобида қолган бўлиб, уларни қуйидаги асосий жиҳатлар билан умумлаштириш мумкин:

- **Халқаро изоляциянинг кучайиши:** Ғазо секторида давом этаётган уруш ҳамда унинг ортидан келиб чиққан кенг кўламли сиёсий, ҳуқуқий ва гуманитар инқироз фонида яҳудий вужудининг дунё мамлакатлари ва халқаро институтлардан узилиб қолиш жараёни тезлашмоқда. «Исроил» билан мазкур глобал тузилмалар орасидаги масофа тобора кенгайиб бораётгани ҳақидаги огоҳлантиришлар кучаймоқда. Глобал миқёсдаги кескин танқидлар ва норозиликлар вақт ўтиши билан яҳудий вужудига қарши янада жиддий сиёсий ва иқтисодий

санкцияларга айланиши хавфи мавжуд. Бу эса Тель-Авивнинг халқаро майдондаги дипломатик ҳаракатлар имкониятини бутунлай чеклаб қўяди.

- **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан қарама-қаршилик:** Ғазодаги ҳарбий ҳаракатлар, инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва гуманитар ёрдам кўрсатиш тизимидаги тўсиқлар туфайли яҳудий вужуди ва БМТнинг қатор ихтисослашган институтлари ўртасидаги муносабатлар энг қуйи нуқтага тушди. Халқаро ҳуқуқ меъёрлари устида кечаётган шиддатли баҳслар икки томон ўртасидаги кескинликни орттириб, дипломатик алоқаларнинг буткул издан чиқишига сабаб бўлмоқда.
- **Анъанавий иттифоқларнинг парчаланиши:** Европа Иттифоқи давлатларининг «исроил» сиёсатига нисбатан танқидий ёндашуви кескин кучайди. Бир қатор Европа мамлакатларида Тель-Авив билан сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий муносабатларни, хусусан, шериклик шартномалари ҳамда қурол-яроғ савдосини бутунлай қайта кўриб чиқишга бўлган чақириқлар тобора баландроқ янграмоқда. Бу тенденциянинг кенгайиши яҳудий вужудини янги геосиёсий муҳитга рўбарў қилди: унинг ташқи сиёсатдаги энг асосий устунларидан бири бўлган халқаро сиёсий дастак энди аввалгидек кафолатланмаган. Чўзилаётган уруш эса унинг глобал алоқаларини емирувчи бош омилга айланиб бўлди.
- **Бош стратегик иттифоқчи — АҚШ билан келишмовчиликлар:** Қўшма Штатлар яҳудий вужудининг энг муҳим ва алмаштириб бўлмас стратегик ҳамкори бўлиб қолмоқда. Бироқ бугунги кунда ушбу мустаҳкам кўринган иттифоқнинг табиати ҳам ички ва ташқи омиллар туфайли мисли кўрилмаган босим ва синовларга дуч келмоқда.
- **Икки партиявий консенсуснинг заифлашуви:** Америка жамияти ва сиёсий элитаси қатламларида юз бераётган ўзгаришлар шуни кўрсатмоқдаки, яҳудий вужудини қўллаб-қувватлаш масаласи АҚШда аввалгидек ягона ва қатъий позицияга эга эмас. Айниқса, Демократик партия ичида «исроил»га берилаётган ҳарбий ва сиёсий ёрдамларни қайта

кўриб чиқишни ҳамда уларни муайян шартларга боғлашни талаб қилаётган овозлар тобора баландроқ янграмоқда.

- **Жамоатчилик фикрининг ўзгариши:** АҚШда ўтказилаётган ижтимоий сўровномалар натижалари Америка халқининг ушбу жиноятчи вужудга бўлган хайрихоҳлиги аввалги йилларга қараганда сезиларли даражада пасайганини кўрсатмоқда. Ушбу тенденция, айниқса, ёш авлод ва талабалар ўртасида яққол кўзга ташланмоқда. Мазкур мафкуравий бурилиш узоқ муддатли истиқболда Вашингтоннинг ташқи сиёсатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.
- **Геосиёсий манфаатлар тўқнашуви:** Вашингтон маъмурияти эндиликда Яқин Шарқдаги барча жараёнларга фақат «исроил» мақсадлари призмаси орқали қарашни истамаяпти. Оқ уйнинг глобал стратегик ҳисоб-китоблари Тель-Авив ҳукуматининг агрессив режаларига зид келган ўринларда сезиларли келишмовчиликлар кузатилмоқда. Хусусан, Эрон муаммоси, Ғазонинг урушдан кейинги тақдири ва минтақавий сиёсий келишувлар борасида икки иттифоқчи ўртасидаги қарашлар тобора узоқлашмоқда.
- **Америка омилига мутлақ қарамлик:** яҳудий вужуди учун энг заиф ва хавфли жиҳат — унинг АҚШ молиявий ва ҳарбий кўмагига ўта қаттиқ боғланиб қолганидир. Вашингтоннинг стратегик устувор йўналишлари эса глобал инқирозлар, халқаро вазият ёки Американинг ички сиёсий конъюнктураси туфайли исталган вақтда ўзгариши мумкин. Бу эса «исроил» келажагини катта хавф остида қолдиради.

Хавфсизлик ва геосиёсий муаммолар

- **Очиқ жанг майдонлари ва кўп фронтли уруш:** яҳудий вужуди бир вақтнинг ўзида Ғазо сектори, Ливан, Иордан дарёсининг Ғарбий соҳили, шунингдек, Эрон ва Сурия билан кескинлик кучайган ўта мураккаб ва тарқоқ хавфсизлик муҳитида ҳаракат қилмоқда. Бундай кўп фронтли тўқнашувлар тизимли равишда унинг ҳарбий-техник салоҳиятини ва жонли кучларини емириб, заифлаштириб бормоқда.

- **Ёлғиз уруш олиб бориш имкониятларининг чеклангани:** Бенямин Нетаняхунинг «исроил» Эронга қарши якка ўзи жанг қила олиши ҳақидаги баландпарвоз баёнотларига қарамай, ҳар қандай кенг кўламли минтақавий уруш фақат ҳарбий салоҳият билангина ўлчанмайдиган ўта мураккаб ҳисоб-китобларни талаб қилади. Бундай тўқнашув АҚШ ва халқаро ҳамжамиятнинг бевосита сиёсий дастаги билан таъминланишни, оғир иқтисодий ва хавфсизлик оқибатларига бардош беришни ҳамда уруш кўламининг назоратсиз кенгайиб кетиш хавфини тўғри баҳолашни тақозо этади. Оқибатда эса бу босқинчи тизимнинг ёлғиз ўзи уруш олиб боришга ожизлигини кўрсатади.
- **Минтақавий таранглиқнинг янги ўчоқлари:** Минтақадаги йирик кучлар, хусусан, Туркия билан қарама-қаршилик кескин тус олмоқда. Шу билан бирга, Яқин Шарқдаги хавфсизлик ва сиёсий ўзгаришлар туфайли Иордания ва Миср билан ўрнатилган анъанавий муносабатларда ҳам жиддий совуқчилик ва таранглик сақланиб турибди. Ҳарбий ҳаракатлар қанчалик узоқ давом этса, ушбу сиёсий келишмовчиликларнинг чуқур стратегик инқирозларга айланиш хавфи шунчалик юқори бўлаверади.
- **Халқаро ҳуқуқий босимнинг кучайиши:** «исроил»нинг юқори лавозимли сиёсий ва ҳарбий раҳбарлари Халқаро жиноий суд томонидан қўзғатилаётган таъқиблар ва жиддий ҳуқуқий жараёнларга рўбарў келмоқда. Бу вазият қуролли можарони фақат ҳарбий ҳаракатлар доирасидан олиб чиқиб, халқаро ҳуқуқ ва глобал дипломатия майдонида яҳудий вужудига қарши янги ва ўта хавфли фронт очмоқда.
- **Иқтисодий санкциялар таҳдиди:** Бир қатор Европа ва Ғарб давлатларида ушбу жиноятчи вужудга нисбатан чекловлар жорий этиш, ҳамкорлик шартномаларини бекор қилиш ва қурол-яроғ савдосини тўхтатиш ҳақидаги чақириқлар тобора кучаймоқда. Ушбу жараённинг кенгайиши «исроил» учун кумулятив иқтисодий ва сиёсий босимга айланиши муқаррар.
- **Чексиз урушнинг ҳалокатли тузоғи:** Исталган тизим учун энг катта хавф — бу жанг майдонидаги тўғридан-тўғри ҳарбий

мағлубият эмас, балки узоқ муддатли ва мақсади мавҳум бўлган уруш гирдобига ботиб қолишдир. Айниқса, бу тизим ташқи молиявий ва ҳарбий ёрдамга буткул қарам бўлса, хавф бир неча баробар ортади.

- **Ички тизимнинг емирилиши:** Урушнинг сурункали тус олиши иқтисодиёт тармоқларини издан чиқаради, юз минглаб захирадаги аскарларни узоқ вақт ишлаб чиқаришдан узиб қўяди, ҳарбий харажатларни геометрик прогрессия билан оширади. Шу билан бирга, ички ижтимоий-сиёсий бўлинишни чуқурлаштириб, тинч аҳоли ҳаётини бутунлай фалаж қилади.
- **Стратегик тасаввурнинг йўқлиги:** Тель-Авив сиёсатидаги энг катта нуқсон — қўйилган мақсадларнинг баландпарвозлигидагина эмас, балки ушбу можарони тугатиш бўйича аниқ ва стратегик режанинг мавжуд эмаслигидадир.
- **Ҳарбий кучларнинг сиёсий мажбуриятлари:** Агар ҳарбий ҳаракатлар пировардида ишончли сиёсий ечим билан мустаҳкамланмаса, қуролли кучлар ўз ваколатига кирмайдиган муаммоларни бошқаришга мажбур бўлади. Оқибатда, вақтинчалик ҳарбий операциялар узоқ муддатли ва чиқиб бўлмайдиган мажбуриятга айланади.
- **Боши берк кўча цикли:** Қўйилган мақсадларга эришиш имконсиз бўлиб қолганда ва урушни давом эттириш ҳукумат учун уни тўхтатишдан кўра сиёсий жиҳатдан «арзонроқ» туюлганда, давлат хавфли циклга киради. Яъни, мақсадларга эриша олмагани учун уруш давом эттирилаверади ва урушнинг давом этишини оқлаш учун янги мақсадлар ўйлаб топилади. Бундай боши берк кўча эса сионистик лойиҳани ичкаридан бўғиб ўлдириши муқаррар.

Давлат ўз хомхаёлларининг асирига айланганда, ҳукумат ўзининг реал имкониятларидан анча юқори бўлган баландпарвоз мақсадларни қўйишга мажбур бўлади. Оқибатда, ўз мағлубиятини тан олмаслик учун уруш гирдобига тобора чуқурроқ ботади, урушнинг чўзилиши эса бу муваффақиятсизлик бадалини янада ошираверади.

Яқин Шарқ — шунчаки ҳарбий куч ишлатиш орқали қайта шакллантириш мумкин бўлган сиёсий бўшлиқ эмас. Бу заминдаги узоқ йиллик можаролар ҳеч қачон оддийгина ўқ-дори тугаши билан ниҳоясига етмаган, балки ушбу урушларни келтириб чиқарган асл сиёсий тенгламалар ўзгаргандагина барҳам топган.

Хўш, бу уруш яна қанча давом этиши мумкин ва у ниҳоясига етганидан кейин ушбу яҳудий вужудидан нима қолади?

Шундай қилиб, гегемонлик амбициялари оғир юкка, «мутлақ ғалаба» ҳақидаги пуч хаёллар эса мавҳумликка айланди. Минтақага янги тартибларни мажбуран жорий этишга бўлган интилиш пировардида яҳудий вужудининг ўз ички воқелигини вайрон қилувчи ҳалокатли омилга айланмоқда.

Энг катта хавф ташқи чегаралардан эмас, балки ҳукуматнинг баландпарвоз хоҳиш-истаклари билан давлатнинг реал имкониятлари ўртасидаги улкан жарликдан келиб чиқмоқда. Қачонки қуруқ амбициялар мавжуд салоҳиятдан ошиб кетса, улар келажак истиқболи бўлишдан тўхтаб, бугунги кунни бўғувчи ва эртанги кунни барбод қилувчи хавфли қуролга айланади.

Буларнинг барчаси ҳали Фаластин муаммосининг нафақат араб олами, балки бутун Ислом умматининг бош масаласи эканлигига тўхталмай туриб чиқарилган хулосалардир. Зеро, Фаластин — Ислом диёри, Шом заминининг ажралмас қисми бўлиб, мусулмонлар уни ўз қонлари ва жонлари эвазига фатҳ қилганлар. Унинг бир қарич тупроғидан ҳам воз кечиш — Аллоҳ таолога ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан хиёнатдир. Шу боис, Аллоҳ таоло мусулмонларга ушбу заминни озод қилиш, сионистик тузумни маҳв этиб, уни бутунлай йўқ қилиш, Америка гегемониясини рад этиш ҳамда минтақадаги қўғирчоқ ҳукмдорлар тизимига чек қўйиш йўлида жиҳод қилишни фарз қилгандир.

Мамлакатимиз бугунги кунда қонли можаролар майдонига айлантирилди. Дин душманлари заминимиз бойликларини талон-тарож қилиш, инфратузилмани вайрон этиш, беайб инсонларни қирғин қилиш ҳамда минтақа харитасини сионистларнинг амбицияларига мослаб қайта чизиш учун бирлашдилар. Уларнинг

асл мақсади — минтақанинг қайта уйғонишига ва Ислом қудратининг тикланишига йўл қўймасликдир.

Эй Ер юзининг барча бурчакларидаги мусулмонлар! Бу заминларни вақтида фатҳ этган сизлар эмасмидингиз? Турли ирқ, миллат ва элатларингизни бирлаштириб, сизларни ягона умматга айлантирган куч айнан Ислом эмасмиди? Мўғуллар ва салибчиларни тор-мор этган сиз эмасмидингиз? Наҳотки бугун АҚШ ва унинг малайлари сизнинг иродангизни синдира олса?

Ғарбнинг биздан устун келишига ягона сабаб — ички тарқоқлигимиз ва мустаҳкам диний ришталардан узоқлашганимиздир. Мусулмонлар бошига тушган бугунги хорликдан фақат Халифаликни тиклаш орқали қутулиш мумкин. Зеро, у дин душманларини маҳв этишга, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашга, бутун дунёга адолат ва яхшилик ёйишга ҳамда яҳудий вужудини йўқ қилиб, тортиб олинган ҳар бир қарич ерни қайтариб олишга қодир ягона давлат тизимидир.

Шундай экан, Исломий ҳаётни қайта тиклаш йўлида ҳаракат қилаётганлар билан бир сафда бўлинг! Аллоҳ таоло Муҳаммад сурасининг, 35-36 оятларида айтганидек:

﴿فَلَا تَهِنُواْ وَتَدۡعُوٓاْ إِلَى ٱلسَّلۡمِ وَأَنتُمُ ٱلۡأَعۡلَوۡنَ وَٱللَّهُ مَعَكُمۡ وَلَن يَتِرَكُمۡ أَعۡمَٰلَكُمۡ ٣٥ إِنَّمَا ٱلۡحَيَوٰةُ ٱلدُّنۡيَا لَعِبٞ وَلَهۡوٞۚ وَإِن تُؤۡمِنُواْ وَتَتَّقُواْ يُؤۡتِكُمۡ أُجُورَكُمۡ وَلَا يَسۡـَٔلۡكُمۡ أَمۡوَٰلَكُمۡ ٣٦﴾

«Шундай экан, жанг майдонида заифлашманг ва ўзингиз устун бўла туриб душманни сулҳга чақирманг. Аллоҳ сиз билан бирга ва У амалларингиз мукофотини асло камайтирмас. Бу дунё ҳаёти фақат ўйин ва кўнгилхушликдан иборатдир. Агар иймон келтирсангиз ва тақво қилсангиз, У зот ажрларингизни берур ва сизлардан мол-мулк сўрамас».

ХИТОЙНИНГ СТРАТЕГИК ҚАРАШЛАРИ ВА ЯНГИ ДУНЁ ТАРТИБОТИ САРИ ЮЗЛАНИШИГА БИР НАЗАР

Муножий Муҳаммад

Хитой халқаро майдонда глобал гегемонликка даъвогар йирик куч сифатида намоён бўлмоқда. Унинг иқтисодий, ҳарбий, технологик ва сиёсий қудрати ҳамда геосиёсий амбициялари шиддат билан ўсиб бораётганини тушуниш учун аввало бу жараённи юзага келтирган ички ва ташқи стратегик омилларни атрофлича ўрганиш лозим. Бугунги кунда Пекиннинг стратегик қадамлари жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар тизимини тубдан ўзгартириб юбормоқда.

Яқинда, 2026 йилнинг 17 июнь куни Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Ахборот идораси расмий «Оқ китоб»ни эълон қилди. «Янада адолатли ва тенг ҳуқуқли глобал бошқарув тизимини яратиш: Хитойнинг тамойиллари, таклифлари ва ҳаракатлари» деб номланган ушбу муҳим ҳужжат Пекиннинг замонавий стратегик қарашлари ва келажакка мўлжалланган глобал геосиёсий концепциясини тўлиқ очиб беради.

Хитойнинг халқаро майдонда қудратли кучга айланиши тасодифий ҳодиса эмас. Балки у геосиёсий шароитлар, халқаро муҳитдаги ўзгаришлар ҳамда Ғарб ва АҚШ бошчилигидаги глобал тизимнинг чуқур инқирозлари маҳсулидир. Бу куч муайян тарихий паллаларда, хусусан, Совуқ урушнинг тугаши, Совет Иттифоқининг парчаланиши ва АҚШ бир қутбли дунё етакчисига айланган даврда жимгина шаклланиб, тўпланиб борди.

СССР устидан қозонилган ғалаба эйфориясидан маст бўлган Вашингтоннинг стратегик мақсади ягона бир қутбли куч сифатида дунёни бошқариш ва империя барпо этиш эди. Бунинг учун у асосий хомашё, энергия ва табиий ресурслар манбаларини назорат қилишга интилди. Нефть ва газ денгизи устида жойлашган, улкан бойликларга эга бўлган ҳамда ўз стратегик ҳаётийлигини тиклашга уринаётган Ислом географияси АҚШнинг бош стратегик хавотирига айланди. Шу боис Американинг Форс кўрфази, Афғонистон ва Африка шохида олиб борган ҳарбий ҳаракатлари унинг империал гегемонлигини мустаҳкамлашга қаратилган

стратегик урушлар эди. Вашингтон бу ҳаракатларини «янги дунё тартиби» ниқоби остида реклама қилди.

Мана шу фавқулодда халқаро вазият Пекин учун тарихий имконият ва қулай стратегик паллани туҳфа этди. Америка ўз империал амбициялари билан банд бўлган бир пайтда, Хитой шов-шувсиз, тинч ва барқарор равишда ўз иқтисодиётини юксалтирди, инфратузилмаси ва ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантирди. Таълим тизимини такомиллаштириш ҳамда илмий-тадқиқот ва инновация марказларини мустаҳкамлаш орқали ўзининг технологик базасини яратди.

Гарчи бу давр Америка ҳукмронлиги палласи бўлиб кўринса-да, у Хитойга АҚШнинг тўғридан-тўғри чеклови ва санкцияларисиз соф стратегик манфаат кўриш учун қулай ташқи муҳит яратиб берди. Бу босқичда Пекинга замонавий Хитой ислоҳотларининг меъмори Дэн Сяопиннинг *«Имкониятларингни яшир ва қулай вақтни кут»* деган машҳур мақоли қўл келди ва ҳукумат ўта эҳтиёткор сиёсат юритди. Асосий мақсад — ҳукмрон куч бўлмиш Америка билан тўғридан-тўғри тўқнашувдан қочиш эди.

Коммунистик тизимнинг мағлубияти ва Шарқий Европа блокининг парчаланиши ортидан Америка ўта қўпол стратегик хатога йўл қўйди. Вашингтон Хитой Халқ Республикаси ҳам Шарқий Европа социалистик мамлакатлари тақдирини такрорлайди ва бу парчаланиш Хитойга ҳам таъсир қилади, деб ҳисоблаган эди. Бироқ улар Хитойнинг ўзига хос воқелигини — унинг гибрид тизими классик коммунистик давлат социализмидан кўра капиталистик давлат социализмига яқинроқ эканини ҳамда Шарқий Осиё ва Шарқий Европа ўртасидаги улкан маданий ва цивилизацион фарқларни бутунлай эътибордан четда қолдирдилар.

Совет Иттифоқининг қулаши ва коммунистик тўсиқларнинг бартараф этилиши ортидан иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий ҳаёт устидан капиталистик ҳукмронлик ҳамда гегемонияни ўрнатиш учун либерал шароитлар тўлиқ юзага келди. Ушбу «неолиберализм» сиёсатининг бош натижаларидан бири — Ғарб либерал моделининг глобаллашуви ҳамда трансмиллий капиталистик корпорациялар

йўлидаги барча чеклов ва тўсиқларнинг олиб ташланиши бўлди. Бу жараён 1995 йилда ГАТТ (Тарифлар ва савдо бўйича бош битим)нинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) айлантирилиши билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Мазкур иқтисодий глобаллашув тўлқини оқибатида халқаро савдо мисли кўрилмаган даражада кенгайди. Йирик саноат ишлаб чиқариш қувватлари ишчи кучи арзон ва чекловлар кам бўлган минтақаларга кўчирила бошланди. Хитой ушбу вазиятдан унумли фойдаланиб, мамлакатга улкан хорижий инвестицияларни жалб қилди ҳамда ўзининг саноат салоҳияти, техник кўникма ва компетенцияларини шиддат билан ривожлантирди.

Натижада Пекиннинг глобал иқтисодиётдаги роли шу қадар ўсдики, у халқаро майдонда «дунё фабрикаси» номини олди. Бу мавқе Хитойнинг 2001 йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда 2003–2008 йиллар оралиғида саноат экспортини икки баробарга ошириши билан янада мустаҳкамланди. Бу даврда «Хитой — дунё фабрикаси» ибораси етакчи халқаро институтлар ва нуфузли иқтисодий нашрларнинг ҳисоботларида кенг ўрин эгаллади. Шу тариқа Хитой Ғарб капиталистик ишлаб чиқариш занжирининг чеккасидаги оддий бир давлатдан глобал иқтисодий жараёнларни бошқарувчи ва етакчилик қилувчи асосий кучга айланди.

Хитойнинг мазкур юксалиши оқибатида жаҳон иқтисодиётининг қудрат маркази сезиларли даражада Осиё қитъасига қараб силжий бошлади. Бу жараён, биринчи навбатда, Осиё давлатларининг глобал ишлаб чиқариш ва халқаро савдодаги улуши кескин ортгани билан чамбарчас боғлиқдир.

Мазкур геоиқтисодий ўзгаришлардан энг катта манфаат кўрган куч шубҳасиз Хитой бўлди. Пекиннинг бундай муваффақиятга эришишида мамлакат сиёсий раҳбариятининг узоқни кўзлаган стратегияси, улкан ички бозор салоҳияти, кенг қамровли саноат базаси ҳамда инфратузилма, таълим ва юқори технологиялар соҳасига киритилган йирик ҳажмдаги мақсадли инвестициялар бош омил бўлиб хизмат қилди.

Учинчи минг йилликнинг бошланиши билан халқаро тизимда Ғарб, хусусан, Америка гегемониясининг заифлашуви ва инқирози белгилари яққол намоён бўла бошлади. Бу даврда Ғарб капиталистик модели чуқур тизимли бўҳронларга юз тутди. Хусусан, **2008 йилги глобал молиявий инқироз** Хитой ташқи сиёсий стратегиясида чуқур бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилди.

Пекиннинг Ғарб молиявий механизмлари ва институтларидан маълум маънода мустақил бўлгани уни 2008 йилги ҳалокатли инқироз оқибатларидан асраб қолди. Бундан ташқари, Хитойнинг улкан валюта захиралари, давлат томонидан қатъий назорат қилинадиган банк сектори, ички жамғармаларнинг юқори даражаси ва ички талабни рағбатлантириш борасидаги давлат имкониятлари ушбу барқарорликни таъминлади. Шу сабабли Пекин 2008 йилги инқирозни шунчаки иқтисодий синов эмас, балки Ғарб молиявий моделининг заифлиги ва чекловларини очиб берган тарихий лаҳза сифатида баҳолади. Бу ҳолат Хитой сиёсий элитасининг ўз моделига (молия, ишлаб чиқариш ва савдо устидан марказлаштирилган давлат назорати) бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Натижада Хитой глобал тизимга оддийгина интеграциялашиш сиёсатидан уни қайта шакллантиришда фаол иштирок этишдек баландпарвоз стратегияга ўтди.

2013 йилда Хитой «Бир камар, бир йўл» ташаббусини ишга туширди ва бу унинг оддий иқтисодий кучдан глобал геосиёсий ўйинчига айланганини расман намойиш этди. Мазкур жараён Қўшма Штатларнинг сиёсий ва стратегик инқирози кучайган даврга тўғри келди. Капиталистик тизимдаги ички бўлинишлар, Америка жамиятидаги кучли қутблашув ва АҚШ ҳарбий қудратининг дунё миқёсида чекиниши Вашингтоннинг якка гегемонияни сақлаб қолиш имкониятлари чекланганини кўрсатиб қўйди. Кейинчалик Дональд Трамп маъмурияти даврида АҚШнинг Ғарб дунёсидаги етакчилик жозибадорлиги путур егач, Пекин Америка тизимидаги ушбу инқироздан унумли фойдаланди. Хитой ўзининг саноат, технологик ва молиявий базасини кенгайтириб, иқтисодий устунлигини геосиёсий таъсирга айлантирди. Шу тариқа, у Ғарб халқаро тизимидан шунчаки манфаатдор бўлган кучдан глобал ўйин

қоидаларини қайта шакллантириш учун курашадиган асосий даъвогарга айланди.

Бу жараён рақамли ва технологик инқилоб натижасида янада мустаҳкамланди. Рақамли иқтисодиётнинг шиддатли юксалиши ортидан глобал қудрат мезони фақатгина оддий саноат ишлаб чиқариши билан эмас, балки сунъий интеллект, замонавий алоқа тизимлари, катта маълумотлар (Big Data) ва яримўтказгичлар технологияси билан ўлчанадиган бўлди. Хитой келажакдаги глобал рақобат айнан юқори технологиялар ва халқаро стандартлар устида кечишини эрта англаб етди. Шу сабабли у хорижий технологияларга, айниқса нозик ва стратегик соҳаларга қарамликни камайтириш ҳамда миллий маҳсулотларни ривожлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ишларига инвестиция киритишни кескин кучайтирди ва шу тариқа жаҳон бозорларини забт эта бошлади.

Хитойнинг бундай юксалиши нафақат ундаги ички салоҳият маҳсули, балки Иккинчи жаҳон уруши ва Совуқ уруш даври якунланганидан кейин АҚШ томонидан ўрнатилган ва бошқарилган халқаро тартибнинг аста-секин емирилиб бориши натижасидир. Мазкур тартиб Ғарбнинг иқтисодий устунлиги таянчларига — Америка иқтисодиёти, АҚШ раҳбариятидаги ҳарбий устунлик, мавжуд тизимга хизмат қилувчи халқаро институтлар ва иқтисодий глобаллашув жараёнларига асосланган эди. Ўнлаб йиллар давомида ушбу омиллар бир-бирини қўллаб-қувватлаб келди: ҳарбий куч АҚШ ва Ғарб учун хавфсизлик соябонини таъминлади; халқаро институтлар глобал иқтисодий муносабатларни тартибга солиб, Ғарб гегемониясини ўрнатиш ва мажбурлов чораларини қўллаш учун «юмшоқ куч» воситаси бўлиб хизмат қилди; глобаллашув эса дунё иқтисодиётининг Ғарб молиявий тизими билан узвий боғлиқлигини таъминлади.

Бироқ сўнгги ўн йилликларда Ғарб халқаро тизимининг пойдеворини заифлаштирган жиддий ўзгаришлар кузатилди. Осиё иқтисодиётининг шиддатли юксалиши оқибатида жаҳон иқтисодида Ғарбнинг нисбий улуши камайди, технология ва саноат соҳаларида рақобат кескинлашди ҳамда ўз қарорларида мустақил бўлган янги

минтақавий кучлар пайдо бўлди. Айрим халқаро институтлар эса вакиллик ва қонунийлик (легитимлик) борасида кескин танқидга учраб, кўп қутбли дунё тартиботи ҳақидаги баҳсларни янада авж олдирди.

Шу билан бирга, глобаллашув жараёни анча мураккаб босқичга қадам қўйди. Эндиликда у ривожланаётган давлатларни Ғарб иқтисодиётига қарам қилиш воситаси эмас, балки айнан Ғарбнинг ўзи билан рақобатлашиш майдонига айланди. Бу ҳолат глобал таъминот занжирлари, технологик хавфсизлик, стратегик ресурслар назорати ва ташқи дунёга қарамликни қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Глобаллашувнинг асл фалсафаси ва ўйин қоидалари шубҳа остига олиниб, унга муқобил сифатида протекционистик (ички бозорни ҳимоя қилиш) сиёсат(и), иқтисодий санкциялар ва тариф урушлари кун тартибига чиқди. Бу эса геосиёсий омилларни яна жаҳон иқтисодиётининг марказига қайтарди.

Ғарб халқаро тартиби пойдеворининг емирилиши билан глобал сиёсатда «қудрат» тушунчаси ҳам тубдан ўзгарди. Илгари халқаро таъсир кучи, асосан, ҳарбий ва молиявий салоҳият билан ўлчанган бўлса, бугунги кунга келиб юқори технологиялар, яримўтказгичлар, сунъий интеллект, техник стандартлар ва рақамли инфратузилма жаҳон миқёсидаги рақобатнинг марказий воситаларига айланди. Кибермакондаги урушлар эса давлатларнинг стратегик амалиётларида олдинги қаторга чиқди.

Мазкур геосиёсий эволюция натижасида XX асрнинг ўрталарида ишлаб чиқилган халқаро қоидалар замонавий муаммолар қаршисида ожиз бўлиб қолди. Бу эса жаҳон тартиботини янгилаш ёки буткул қайта тузиш атрофидаги баҳсларни кучайтирди. Оқибатда, Америка бошчилигидаги Ғарб тизимининг ҳозирги шаклини сақлаб қолиш ёки уни ўзгартириш борасида кескин сиёсий қутблашув юзага келди. Бунда Вашингтон мавжуд тизимни сақлаб қолган ҳолда, уни фақат ўз манфаатларига мос равишда ислоҳ қилиш ва янги воқеликка мослаштириш тарафдори бўлиб чиқмоқда.

Бошқа томондан, Хитой етакчилигидаги кучлар жаҳон иқтисодиётидаги янги мувозанатни акс эттирувчи глобал бошқарув

тизимини яратиш ҳамда халқаро институтларда таъсир доираларини қайта тақсимлаш талабини илгари сурмоқда. Пекин позициясидаги ушбу стратегик бурилиш Хитойни Ғарб халқаро тизимига оддийгина интеграциялашишга уринган давлатдан, ушбу тизимни тубдан қайта шакллантиришга интилаётган глобал кучга айлантирди.

Хитойнинг мазкур стратегик юришини шунчаки янги иқтисодий қудратнинг пайдо бўлиши деб эмас, балки Пекиннинг халқаро ландшафтдаги ўз ўрни ва роли ҳақидаги тасаввури босқичма-босқич ҳамда кумулятив тарзда сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилгани сифатида талқин қилиш лозим.

2008 йилги глобал молиявий инқироз Хитой стратегик тафаккурида кескин бурилиш нуқтаси бўлди. Пекин Оқ уй ва Ғарб модели Совуқ урушдан кейинги интеллектуал ва иқтисодий гегемония даврини бой бериб бўлди, деган қатъий хулосага келди.

Ўша даврдан бошлаб Хитой нафақат мавжуд халқаро тизим афзалликларидан унумли фойдаланди, балки мустақил таъсир воситаларини изчил шакллантиришга киришди. Бунинг яққол ифодаси сифатида қуйидаги йирик қадамлар ташланди:

- **«Бир камар, бир йўл» глобал ташаббусининг ишга туширилиши;**
- **Янги муқобил молиявий институтлар, хусусан, БРИКС банки (Янги тараққиёт банки) ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг (АИИБ) ташкил этилиши;**
- **Юқори технологиялар ва рақамли инфратузилма соҳасида глобал мавқенинг кескин кенгайтирилиши;**
- **Глобал Жануб (Африка, Лотин Америкаси ва Осиё мамлакатлари) ҳудудида Пекиннинг геостратегик таъсири тизимли равишда кучайтирилиши.**

Мазкур стратегик юришлар Хитойнинг дунё ҳамжамиятига оддийгина интеграциялашиш босқичидан глобал таъсир кўрсатиш босқичига ўтганини намойиш этди. Ушбу жараёнларнинг мантиқий давоми сифатида Пекин томонидан Ғарб халқаро тизими ва унинг

ўйин қоидаларини тубдан қайта шакллантиришга уриниш даври бошланди.

Жорий ўн йилликнинг бошланиши Хитойнинг стратегик эволюциясида янги ва муҳим босқични ташкил этди. Хусусан, 2020 йилдан бошлаб Пекин томонидан эълон қилинган қатор расмий «Оқ китоб»лар Хитойнинг глобал тизимга шунчаки интеграциялашиш сиёсатидан буткул воз кечиб, халқаро муносабатларни бошқариш ва ўйин қоидаларини қайта белгилашга йўналтирилган муқобил концепцияларни шакллантиришга ўтганини яққол намойиш этди.

Эндиликда Хитой мавжуд халқаро тизимдан шунчаки каттароқ улуш ёки мавқе талаб қилаётгани йўқ. У бугунги кунда Ғарб моделига тўғридан-тўғри рақобатчи ўлароқ, ўзининг стратегик қарашлари ва миллий маданияти хусусиятларини акс эттирувчи янги стандартлар, глобал қоидалар, институтлар ва сиёсий концепцияларни жаҳон ҳамжамиятига тақдим этмоқда.

Пекин ўзининг 2021 йилги «Хитой: муваффақиятли демократия» номли оқ китобида Ғарб либерал моделидан ташқаридаги демократия тушунчасини қайта таърифлаб, уни «умумқамровли халқ демократияси» деб атади. Бу тизим давлатнинг халқ манфаатларини таъминлаш, барқарор ривожланиш ва ички осойишталикка эришиш салоҳияти билан ўлчанади. Мазкур қадам АҚШ ва Ғарбнинг норматив-ҳуқуқий гегемониясига қарши очиқ исённинг бошланиши бўлди.

2023 йилда нашр этилган «Инсоният учун умумий келажакка эга ҳамжамият: Хитойнинг таклифлари ва ҳаракатлари» номли оқ китобида Пекин жаҳон тартиботига оид ўз қарашларини янада аниқ баён қилди. Унда мавжуд халқаро тизим кескин танқид остига олиниб, Совуқ урушдан кейин ушбу тизимга асос бўлган интеллектуал ва сиёсий пойдеворнинг легитимлиги шубҳа остига қўйилди.

Худди шу йили эълон қилинган «Бир камар, бир йўл» ташаббусига бағишланган оқ китобда Хитой ўз лойиҳасини дунёга шунчаки оддий инфратузилма режаси эмас, балки глобал савдо, молия ва коммуникация тармоқларини Пекиннинг геостратегик

манфаатларига мувофиқ қайта шакллантириш уриниши сифатида тақдим этди.

Ўз навбатида, 2025 йилги «Янги даврда миллий хавфсизлик» номли расмий ҳужжатда АҚШ раҳбарлигидаги халқаро тизим нотинч ва беқарор деб тавсифланди. Унда Хитойнинг хавфсизлиги халқаро тизимда юз бериши муқаррар бўлган таркибий ўзгаришлар билан боғланди. Шунингдек, Америка ва Ғарб билан боғлиқ муаммо шунчаки вақтинчалик келишмовчилик эмас, балки муносабатлар тузилиши ва тизим қоидаларидаги фундаментал зиддият экани таъкидланди.

2026 йилда эълон қилинган сўнгги оқ китоблар Хитойнинг халқаро тартибни қайта шакллантиришга бўлган интилишлари энг юқори нуқтага чиққанини кўрсатмоқда. Ушбу ҳужжатлар шунчаки ички ривожланиш ёки минтақавий хавфсизлик доирасидан аллақачон чиқиб кетган. Уларда бор эътибор янги глобал бошқарув тизими, глобал хавфсизлик, глобал ривожланиш ва глобал цивилизация концепцияларини жорий этиш орқали «инсоният учун умумий келажакка эга ҳамжамият» барпо этишга қаратилган.

Хитой ўзининг стратегик мақсадлари йўлида халқаро тизимни ўз қарашлари ва манфаатларига мувофиқлаштириш учун сиёсий тушунчаларни маданий жиҳатдан қайта ишлашга ҳамда глобал стандарт ва қоидаларни ўзгартиришга интилмоқда. Пекин ҳукумати қудрат ва хавфсизлик феноменини анъанавий қаттиқ ҳарбий куч доирасидан олиб чиқиб, уни юқори технологиялар, катта маълумотлар (Big Data), саноат ва рақамли стандартлар ҳамда кибермакон имкониятлари билан боғламоқда. Зеро, бугунги кунда айнан ушбу омиллар ҳақиқий таъсир ўтказиш ва тийиб туриш воситасига айланди. Шу тариқа Хитой глобал хавфсизлик ва иқтисодиётга таъсир этувчи мазкур соҳаларда жаҳоннинг бош қудрат марказига айланиш орқали янги халқаро тартиб қоидаларини белгиловчи етакчи геосиёсий ўйинчи сифатида ўз мақомини мустаҳкамламоқда.

Пекин халқаро муҳитнинг ўзгаришини глобал тизимнинг қайта шаклланишидаги ҳал қилувчи омил деб билади. Унинг назарида,

жаҳон саҳнасидаги янги кучлар мувозанати ўйин қоидалари ўзгаришининг табиий натижасидир. Бундай геосиёсий ёндашув Ғарб сиёсий назарияларидан фарқли ўлароқ, ўзининг илдизларини Хитойнинг қадимий маданий мероси ва фалсафасида топади. Давлат раҳбарияти ўз миллий қадриятларидан олинган тушунчаларни замонавий сиёсий тилга мослаб қайта талқин қилмоқда. Таниқли сиёсатшунос Генри Киссинжер ҳам ўз таҳлилларида ушбу жиҳатга эътибор қаратиб, Хитой халқаро тизимни буткул бошқача англашини ҳамда ўзининг стратегик қарашларини Осиё тарихидаги мувозанат тушунчасига асослашини таъкидлаган эди. Ушбу фалсафага кўра, жаҳон саҳнасида ҳеч бир куч ўз иродасини бошқаларга мутлақ даражада мажбурлаб ўтказмаслиги лозим.

Кетма-кет алмашган императорлик сулолалари ҳукмронлигига асосланган Хитой сиёсий тарихи ҳамда милоддан аввалги VI асрда яшаган Конфуций таълимотига таянган миллий сиёсий маданият икки минг йилдан ортиқ вақт давомида ушбу давлат, жамият ва маъмурий тизимнинг маданий пойдеворини ташкил этиб келди. Унинг кучли таъсири 1912 йилда монархия тузуми қулаб, Хитой Республикаси эълон қилинганидан ҳамда кейинчалик социалистик тизим қабул қилинганидан сўнг ҳам мамлакат маданияти, сиёсати ва бошқарув тизимида яққол сақланиб қолди. Шу боис, Хитойнинг замонавий стратегик тафаккури унинг кўп асрлик тарихи ва сиёсий маданияти билан узвий боғлиқдир. Бугунги кунда Хитой геосиёсатини таҳлил қилишдаги энг катта хатолардан бири — унинг мана шу ўзига хос маданий, цивилизацион ва тарихий хусусиятларини эътибордан четда қолдиришдир.

Замонавий Хитой стратегиясига энг кучли таъсир кўрсатган омиллардан бири, шубҳасиз, қадимий ҳарбий назариётчи Сунь Цзининг уруш фалсафасидир. Хитой ҳарбий-стратегик ва сиёсий тафаккурининг пойдевори ҳисобланган «Уруш санъати» асарида уруш оддий куч синашиш эмас, балки аввало ақл ва мантиқ баҳси сифатида талқин этилади. Муаллифнинг *«Уруш санъатининг олий шакли — душманни жанг қилмасдан бўйсундиришдир»* деган машҳур ҳикмати можаролардан қочишга эмас, балки стратегик муҳитни тўғридан-тўғри тўқнашувга ҳожат қолмайдиган даражада

қайта шакллантиришга чақиради. Айнан мазкур фалсафа бугунги кунда Пекин ташқи сиёсатининг бош негизини ташкил этмоқда.

Хитойнинг стратегик онги ўз миллий қадриятлари ва тарихий тажрибаси асосида бошқарилади. Пекин ўз миллий мақсадларига эришиш учун дунёдаги мавжуд воқелик элементларини шундай тартиблайдики, якунда у истаган натижа глобал жараёнларнинг табиий оқибати ўлароқ юзага чиқади. Шу сабабли, Хитой тезкор ва баландпарвоз ғалабаларни эълон қилишдан кўра, узоқ муддатли геосиёсий муҳит ва глобал тенденцияларни шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратади. У «Қўшма Штатларни қандай мағлуб этиш керак?» деган савол устида бош қотирмайди. Аксинча, жаҳон иқтисодиёти, халқаро савдо тармоқлари, юқори технологиялар ва молия тизимининг қудрат маркази Осиёга ҳамда Хитойга табиий равишда кўчиб ўтишини таъминлайдиган глобал шароитларни яратиш йўлидан боради.

Шу сабабли, Пекин томонидан яқинда эълон қилинган «Оқ китоб»ларни амалдаги ҳукмрон кучга (АҚШга) қарши стратегик уруш эълони деб эмас, балки халқаро тизим қоидаларини тубдан қайта белгилаш ва ўзгартиришга қаратилган концептуал ҳужжатлар сифатида талқин қилиш лозим. Ушбу дастурлар глобал бошқарув тизимини қайта қуриш, Глобал Жанубнинг халқаро майдондаги ролини кенгайтириш, ўзаро ҳисоб-китобларда миллий валюталардан фойдаланишни рағбатлантириш, кўп томонлама халқаро институтларни ривожлантириш ҳамда технология ва рақамли иқтисодиёт соҳасида янги стандартларни шакллантиришни мақсад қилган. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси ягона бош мақсадга — Ғарб бошчилигидаги мавжуд жаҳон тартиботини қўллаб-қувватловчи глобал муҳитни ўзгартиришга хизмат қилади.

Глобал муҳитни қайта шакллантириш йўлида Хитой муҳим бир омилга таянмоқда: Пекиннинг қатъий ишончига кўра, Ғарб дунёси эндиликда сайёрамиздаги демографик ва иқтисодий кўпчиликни ташкил этмайди. Шу боис Хитой Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларини келажакдаги янги жаҳон тартиботининг асосий шериклари сифатида кўрмоқда. Пекиннинг ушбу давлатлар билан олиб бораётган мулоқоти мафкуравий характерга эга эмас ва унда

ҳеч қандай мураккаб маданий-диний масалалар кўтарилмайди. Аксинча, Хитой ўзининг улкан иқтисодий салоҳияти, инвестициявий имкониятлари, молиявий ресурслари, инфратузилмавий лойиҳалари ва юқори технологияларидан унумли фойдаланмоқда. Натижада у Хитой таъсирини Глобал Жануб мамлакатлари иқтисодий тараққиётининг ажралмас қисмига айлантирувчи кенг қамровли манфаатлар блокини шакллантирмоқда. Кейинчалик мазкур кучли блокдан Хитойнинг узоқ муддатли глобал стратегияси йўлида халқаро муҳитни қайта шакллантиришда фойдаланилади.

Айнан мана шу нуқтаи назардан Хитойнинг глобал инфратузилма, таъминот занжирлари, саноат стандартлари, сунъий интеллект, замонавий алоқа тармоқлари ҳамда янги молиявий институтларга йирик ҳажмда сармоя киритаётганини англаш мумкин. Булар шунчаки оддий иқтисодий ривожланиш воситалари эмас, балки Пекин уларни халқаро сиёсий кучлар фаолият юритадиган глобал муҳитни ўзгартириш қуроли сифатида кўради. Хитой ўз стратегик концепциясини «ҳукмрон кучни (АҚШни) ағдариш — халқаро тизимни ўзгартиришнинг бош шарти» деган содда тамойилга асосламайди. Аксинча, у анча мураккаб ва чуқур мантиққа таянади: агар тизим фаолият юритадиган глобал стандартлар ва ўйин қоидалари ўзгарса, у ҳолда жаҳон сиёсати марказининг Осиёга кўчиши табиий оқибат ўлароқ юз беради. Яъни, амалда қоидаларни ўзгартириш — халқаро институтларни ўзгартиришдан олдин содир бўлиши лозим.

Хитой томонидан Ғарбнинг мавжуд стандартлари ва монополиясини парчалаш йўлида қуйидаги тизимли чоралар кўрилмоқда:

- **АҚШ доллари гегемониясига зарба бериш** мақсадида халқаро савдода миллий валюталардан фойдаланишни кескин кенгайтириш;
- **SWIFT тизимининг мутлақ устунлигини синдириш** учун муқобил параллель тўлов ва банкларараро ҳисоб-китоб тармоқларини барпо этиш;

- **Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси ҳукмронлигини заифлаштириш** йўлида янги халқаро тараққиёт банкларини ташкил этиш;
- **Ғарбнинг технологик ва ҳуқуқий монополиясини тугатиш** учун халқаро майдонда янги техник ва саноат стандартларини белгилаш;
- **Америкaнинг рақамли монополиясини парчалаш** мақсадида мустақил рақамли тармоқлар ва кибермаконда миллий платформаларни ривожлантириш.

Мақсадли инвестициялар ва молиялаштириш дастурлари орқали Хитой анъанавий халқаро институтларни унга мослашишга мажбур қиладиган параллель тизимни шакллантириш устида изчил ишламоқда. Бу стратегия янги қоидаларни ҳаётий заруратга айлантириб, дунёнинг бошқа ўйинчиларини ҳам Пекин яратган янги тизимда фаолият юритишга мажбур қилади. Ўйин қоидаларини қайта шакллантиришга хизмат қилувчи ушбу геоиқтисодий муҳит Хитойнинг таъминот занжирлари, инфратузилма лойиҳалари, илғор технологиялари, саноат ва кибер стандартлари ҳамда молиявий рағбатлантириш воситалари эвазига барпо этилмоқда.

Пекиннинг назарида, жаҳон савдо ва саноат марказининг Осиёга кўчиши, глобал иқтисодий ўсиш локомотивининг айнан шу қитъага айланиши ҳамда технологик инновацияларнинг асосий қисми Осиёдан чиқаётгани — глобал қудрат маркази силжишининг бошланганидан даракдир. Шу тариқа, Хитой халқаро муҳитни шундай тайёрламоқдаки, у таклиф қилаётган глобал ўзгаришлар мавжуд дунё тартиботини вайрон қилиш эмас, балки уни тинч йўл билан «ислоҳ қилиш» ниқоби остида қабул қилинади.

Хитойнинг стратегик мантиғи ва узоқ муддатли режалаштириши ягона геосиёсий тенгламани ечишга қаратилган: глобал тизим қоидаларини шундай қайта шакллантириш ва лойиҳалаш керакки, якунда Хитойнинг дунё етакчисига айланиши ушбу янги қоидаларнинг мантиқий ва табиий натижаси бўлсин. Пекин ўз стратегик фаолиятини шунчаки «қаттиқ куч» (ҳарбий қудрат) намойиши деб баҳоламайди. Аксинча, у бу жараённи жаҳон сиёсати

ва иқтисодиётининг қудрат марказини Осиёга йўналтириш учун халқаро стандартлар, қоидалар ва институтларни қайта қуриш санъати деб билади.

Бу мақсадга халқаро муҳитни геостратегик жиҳатдан қайта лойиҳалаш орқали эришилмоқда. Шу билан бир пайтда, дунёнинг бошқа ўйинчилари ҳам Пекин яратган янги қоидалар, стандартлар ва институтлар доирасида — Хитойнинг миллий манфаатлари ва қарашларига тўлиқ мос равишда фаолият юритишга тизимли равишда жалб қилинмоқда.

Хитой ҳукумати томонидан эълон қилинаётган «Оқ китоб»лар, ўз табиатига кўра, Пекин мустаҳкамлаётган мутлақо янги халқаро тартиботнинг стратегик пойдеворидир. Хитой ушбу янги глобал тизимнинг шунчаки қутбларидан бири эмас, балки унинг бош меъмори бўлишга интилмоқда. Бу эса узоқ муддатли истиқболда глобал майдонда Хитой гегемониясини ўрнатиш учун мустаҳкам замин яратади.

Мазкур стратегия Хитойнинг ўзига хос концепцияси бўлиб қолмоқда, бироқ унинг чекловлари ва камчиликлари ҳамон жиддий муҳокамалар мавзусидир. Бу ерда эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган энг муҳим жиҳат шундаки, Пекиннинг барча стратегик саъй-ҳаракатлари аслида амалдаги глобал тизимнинг мақсад ва вазифаларига эришиш йўлидаги интеллектуал изланишлардан иборатдир. Стратегия, ўз аҳамиятига қарамай, шунчаки ушбу тизимнинг мақсадларига эришишнинг амалий воситаси бўлиб, унинг негизида барибир Ғарбнинг либерал-капиталистик мафкураси ётади.

Концептуал даражада Хитой мутлақо янги мафкуравий тизим яратаётгани йўқ. Унинг Конфуцийликка асосланган маданий таъсири фақатгина стратегик режалаштириш ва муайян амалий услублар билан чекланган. Яъни, Пекин глобал тизим марказида турган капиталистик мафкурага қадриятларни шакллантириш, дунёқарашни белгилаш, тизимларни қуриш ва цивилизацион мақсадларни аниқлаш даражасида дахл қила олмайди. Стратегия

доимо умумий ғояга боғлиқ бўлиб қолади ва унинг ижро воситаси сифатида фақат ўша ғоянинг мақсадларига хизмат қилади.

Хитой дунёга ўзининг мустақил маданий-мафкуравий қарашларини тарғиб қилаётгани йўқ. У ўтган асрнинг бошидан — 1912 йилда республика тизими ўрнатилиб, бошқарувда социализм қабул қилинганидан ҳамда кейинчалик у капиталистик иқтисодий тизим билан интеграциялашганидан буён Ғарб маданий ва сиёсий қарашлари доирасида ҳаракат қилиб келмоқда. Шу боис, Хитой халқаро майдонда ўзининг алоҳида маданий ва цивилизацион лойиҳасини илгари сурмаяпти ва уни тарғиб қилишга қодир эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда инсоният рўбарў келаётган инқироз кўлами оддий стратегия ёки стратегик тафаккур чегарасидан аллақачон чиқиб кетган. Бу бўҳрон бевосита инсониятнинг экзистенциал ва фундаментал муаммоларига, унинг ҳаётий ва ижтимоий бахт-саодатини белгиловчи мафкуравий тизимларга дахл қилмоқда. Бугунги кунда дунё ҳамжамияти олдида турган бош масала — дунёвий, капиталистик ва Ғарб маданий тизимига ҳамда унинг ҳалокатли оқибатлари, цивилизацион фожиаларига ҳақиқий муқобил (альтернатива) топишдан иборат эмас. Аксинча, ҳозирги жараёнлар айнан ўша заҳарли ва ҳалокатли либерал-капиталистик мақсадларга бошқача йўллар билан эришиш учун янги стратегиялар ишлаб чиқишдан нарига ўтмаяпти.

Асл муаммо — Ғарбнинг дунёвий-капиталистик мафкуравий тизимининг чуқур инқирозида, унинг яшаш фалсафасида, ҳаётий тизимларида ҳамда ғайриинсоний мақсад ва вазифаларидадир. Бу тизим ўзининг мавжудлик мантиғини йўқотди, барча маънавий мақсадларини тугатди ва пировардида мутлақ ниҳилизм, тизимли ваҳшийлик ҳамда капиталистик тўдаларнинг босқинчилиги билан якун топди. Бу ахлоқсиз тўда ўз машъум амбицияларини амалга ошириш йўлида бутун Ер юзини ва ундаги борлиқни ёқиб юборишга ҳам тайёр.

Шу боис, муаммо европалик ва америкалик капиталистик элитани хитойлик капиталистик гуруҳ (Хитой Коммунистик партияси ва унинг давлат машинаси) билан алмаштиришда эмас. Заҳарли

капиталистик ғоя Европа, Америка ёки Хитой томонидан бошқарилишидан қатъи назар, барибир бир хилдир. Унинг ҳалокатли натижалари ўзининг табиати ва тизимига кўра ўзгаришсиз қолаверади. Капиталистик тузум ва унинг дунёқарашидаги шафқатсизлик ҳамда бу цивилизациянинг ваҳшийлиги инсоният учун фожиа манбаига ва вайронагарчилик лойиҳасига айланиб бўлди.

Маданий ва мафкуравий даражада Хитой инсоният учун мутлақо янги ҳеч нарса тақдим эта олмаяпти, ўзининг муқобил тизими ёки цивилизацион лойиҳасини илгари сурмаяпти. Пекин олиб бораётган сиёсат — инқирозга ботган капиталистик тизимнинг шунчаки бошқа бир кўринишидир. Хитойнинг бу борада қўйган энг узоқ қадами — Америка ва Ғарб қўлидан капиталистик гегемония ва глобал бошқарув воситаларини тортиб олиб, ўз қўлига ўтказиш бўлди. Бу жараён жаҳон сиёсатининг қудрат марказини Америка ва Европа Ғарбидан Хитой Шарқига кўчиришга қаратилган ўйин қоидаларини ўзгартириш стратегияси орқали амалга оширилмоқда.

Модомики капиталистик тузум инсоният бошига келаётган бугунги бало ва офатларнинг бош сабабчиси бўлиб қолар экан, дунёнинг фожиаси ва боши берк кўчага кириб қолгани давом этаверади. Муаммонинг асл ечими — ушбу заҳарли тизим доирасида етакчи куч бўлган Американинг парчаланиши ёки сиёсий саҳнадан йўқолиши билан, ёхуд глобал гегемониянинг Хитойга ўтиши билан ҳал бўлиб қолмайди. Аксинча, асл нажот — дунёни Ғарб (Европа ва Америка) олиб келган бу сўқир жоҳилият зулматидан, бахтсизлик ва ўзини ўзи вайрон қилиш гирдобидан қутқаришга қодир бўлган туб маданий, цивилизацион ва сиёсий муқобил (альтернатива) тизимни барпо этишдадир.

Бу муқобил куч, шубҳасиз, Хитой бўла олмайди. Чунки у Ғарб дунёсининг хитойча версиясидаги рамзий золимлик ва жоҳилликнинг давомидир, холос. Ҳатто у Ғарбникидан кўра маккорроқ ва аччиқроқ бўлиши мумкин. Инсоният учун ҳақиқий нажот ва адолат фақатгина барча мавжудотлар Парвардигорининг юборган ҳақ динида — Исломнинг ноёб цивилизация(ҳазорий) лойиҳасида ҳамда унинг адолатли Ислом давлати (Халифалик)

тизимида ётади. Шундай экан, мусулмон фарзандлари ботилни барча шакллари ва кўринишлари билан бирга рад этишга ҳамда Исломнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этишга шошилмоқлари лозим. Бу пойдевор пайғамбарлик минҳожига асосланган Халифалик бўлиб, у Аллоҳ таолонинг ер юзидаги бандалари учун нур, ҳидоят, адолат ва раҳм-шафқат манбаидир.

﴿الٓرۚ كِتَٰبٌ أَنزَلۡنَٰهُ إِلَيۡكَ لِتُخۡرِجَ ٱلنَّاسَ مِنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِ بِإِذۡنِ رَبِّهِمۡ إِلَىٰ صِرَٰطِ ٱلۡعَزِيزِ ٱلۡحَمِيدِ ١﴾

«Алиф, Лом, Ро. Эй Муҳаммад, ушбу Қуръон, одамларни Парвардигорларининг изни билан зулматлардан нурга — Қудратли ва Мақталган зотнинг йўлига (Исломга) олиб чиқишингиз учун Сизга нозил қилган Китобимиздир» (Иброҳим:1).

﴿ٱلَّذِينَ إِن مَّكَّنَّٰهُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ أَقَامُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَوُاْ ٱلزَّكَوٰةَ وَأَمَرُواْ بِٱلۡمَعۡرُوفِ وَنَهَوۡاْ عَنِ ٱلۡمُنكَرِۗ وَلِلَّهِ عَٰقِبَةُ ٱلۡأُمُورِ ٤١﴾

«Улар шундай зотларки, агар Биз уларни Ер юзида ҳокимият(иқтидор)га эриштирсак, намозни тўкис адо этадилар, закот берадилар, маъруфга буюрадилар ва мункардан қайтарадилар. Барча ишларнинг оқибати Аллоҳга хосдир» (Ҳаж 41-оят).

﴿وَٱللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰٓ أَمۡرِهِۦ وَلَٰكِنَّ أَكۡثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعۡلَمُونَ ٢١﴾

«Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир (У Ўз амрини албатта ижро этгувчидир), лекин одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар» (Юсуф:21)

ИНФЛЯЦИЯ БЎҲРОНИ ВА ДОЛЛАР ГЕГЕМОНИЯСИ: ИСЛОМ ПУЛ ТИЗИМИ ҚУТҚАРУВЧИ МУҚОБИЛ

Холид Ал-Хайр

Иқтисодий инфляция бугунги кунда сиёсатчилар ва жамиятлар учун энг долзарб ҳамда хавфли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳодиса шунчаки оммавий ахборот воситалари ёки статистик ҳисоботларда акс этадиган қуруқ рақамлар эмас, балки бойликларни қайта тақсимлайдиган, аҳолининг харид қобилиятини кескин пасайтирадиган ва ижтимоий барқарорликка бевосита раҳна соладиган яширин кучдир. Мазкур тадқиқот инфляциянинг асл моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва уни бошқарадиган халқаро механизмларни чуқур таҳлил қилишга қаратилган. Шунингдек, унда ҳозирги молиявий-пул тизимининг салбий оқибатлари ҳамда Ислом иқтисодиёти томонидан таклиф этилаётган таркибий муқобил ечимлар атрофлича ўрганилади.

Биринчи: Инфляция тушунчаси ва унинг таркибий сабаблари

1. Иқтисодий таъриф: Инфляция — бу миллий валюта харид қобилиятининг вақт ўтиши билан барқарор ва сезиларли даражада пасайиши бўлиб, у бозордаги товарлар ва хизматлар нархининг умумий ҳамда узлуксиз ўсишида намоён бўлади. Инфляция муҳитида маҳсулотлар ўз қийматини йўқотмайди, аксинча, муомаладаги пуллар ўз харид қувватини ва нисбий танқислигини йўқотади.

2. Инфляциянинг асосий сабаблари: Иқтисодий илмда инфляция юзага келиш омилларига кўра учта асосий турга бўлинади:

- **Талаб инфляцияси:** Бунда аҳолининг харид қобилияти ва бозордаги ялпи талаб ҳажми мавжуд товарлар ҳамда хизматлар таклифидан сезиларли даражада ошиб кетади. Бу ҳолат иқтисодиётда «оз сонли маҳсулот орқасидан кўп миқдордаги пулнинг қувиши» сифатида тавсифланади.
- **Харажатлар инфляцияси:** Бу энергия ташувчилар (нефть ва газ), хом ашё ёки иш ҳақи каби ишлаб чиқариш харажатларининг

кескин ортиши натижасида юзага келади. Бундай шароитда ишлаб чиқарувчилар ўз фойда чегарасини сақлаб қолиш мақсадида маҳсулотнинг якуний бозор нархини оширишга мажбур бўладилар.

- **Кутиш (ички) инфляцияси:** Бу жамиятдаги келажакка нисбатан иқтисодий кутилмалар билан боғлиқдир. Бунда ишчи-ходимлар инфляция босимига дош бериш учун иш ҳақини оширишни талаб қиладилар, иш берувчилар эса харажатларни қоплаш учун маҳсулот нархларини янада кўтарадилар. Натижада иқтисодиёт хавфли «иш ҳақи ва нархлар спирали» гирдобига тортилади.

Иккинчи: Инфляция даражасини ўлчаш ва унинг турлари

1. Ўлчов воситалари

- **Истеъмол нархлари индекси (ИНИ):** Оддий уй хўжаликлари томонидан доимий истеъмол қилинадиган асосий товарлар ва хизматлар (озиқ-овқат, уй-жой, транспорт, тиббиёт ва ҳ.к.)дан иборат шартли «саватча» нархининг ўзгаришини белгилайди.

- **Ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси (ИЧНИ):** Ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичларида хом ашё ва оралиқ маҳсулотлар нархларининг ўзгаришини кузатиб боради. Бу индекс инфляция бозорга, яъни истеъмолчига етиб боришидан олдинги дастлабки сигнал ҳисобланади.

2. Инфляция даражаси ва суръатлари

Инфляция ўз суръатига кўра қуйидаги мезонларга бўлинади:

- **Мўътадил ёки ўрмаловчи инфляция:** Йиллик кўрсаткич 1%-3% атрофида бўлади.

- **Тезлашувчи инфляция:** Нархларнинг икки хонали сонларга сакраб чиқиши ва иқтисодий барқарорликнинг бузилиши билан тавсифланади.

- **Гиперинфляция:** Нархларнинг ойига 50 фоиздан кўпроққа ошиши бўлиб, бунда миллий валюта қадрсизланади, пул тизими бутунлай қулайди ва пул ўз айирбошлаш воситаси вазифасини йўқотади.

Учинчи: Геосиёсат ва пул-кредит сиёсати (доллар — инфляцияни юзага келтириш ва экспорт қилиш воситаси сифатида)

Замонавий инфляция жараёнларини глобал савдода (айниқса, нефть ва стратегик маҳсулотлар бозорида) асосий захира валютаси ҳисобланган АҚШ доллари ҳукмронлик қиладиган трансмиллий пул тизимидан ажратган ҳолда тушуниб бўлмайди.

1. Доллар чоп этиш ва уни «экспорт қилиш» дилеммаси АҚШ Федерал резерв тизими (ФРТ) инқирозли даврларда ликвидликни ошириш дастурлари ёки иқтисодий рағбатлантириш пакетлари орқали жуда катта миқдорда доллар чоп этганда, глобал пул массаси реал ишлаб чиқариш ҳажмига номутаносиб равишда ортиб кетади. Дунё давлатлари халқаро савдони амалга ошириш ва ўз олтин-валюта захираларини шакллантириш учун долларга қарам бўлганликлари сабабли, доллар харид қобилиятининг пасайиши бутун дунё бўйлаб ушбу валютада қийматланган товарлар нархининг кескин ошишига олиб келади.

Иқтисодий илмда бу ҳодиса «инфляцияни экспорт қилиш» деб аталади. Бунда ривожланаётган мамлакатлар ва чекка минтақалардаги аҳоли Американинг пул-кредит сиёсати оқибатида юзага келган иқтисодий зарарнинг асосий қурбонига айланади.

2. Капиталистик давлатларнинг таъсири ва «импорт қилинадиган инфляция»

Капиталистик давлатлар ва йирик халқаро молия институтлари бошқа мамлакатлардаги инфляция даражасини «фоиз ставкалари ва валюта манипуляцияси» механизми орқали назорат қилади. Бу жараён бугунги глобал бозорлар ҳаракатида яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, йирик спекулянтлар АҚШ Федерал резерв тизимининг ички инфляцияга қарши қанчалик агрессив курашишига қараб, долларнинг мустаҳкамланишига миллиардлаб доллар тикишмоқда.

Доллар курсининг бундай сунъий равишда ҳаддан ташқари кўтарилиши бошқа мамлакатларнинг миллий валюталарига оғир зарба бермоқда. Масалан, фоиз ставкалари ўртасидаги йирик фарқ туфайли Япония иенаси охирги қирқ йил ичидаги энг паст даражага

тушиб кетди. Американинг савдо ҳамкорлари бўлган давлатлар валюталарининг бундай кескин қадрсизланиши уларнинг ички бозорида дарҳол «импорт инфляцияси»ни юзага келтиради. Чунки четдан маҳсулот сотиб олиш нархи ва долларга бўлган талаб ушбу мамлакатлар иқтисодиёти учун жуда қимматга туша бошлайди.

3. Нефть экспорт қилувчи давлатлар инфляциядан ҳимояланганми?

Йўқ, ҳимояланмаган. Нефть қазиб олувчи мамлакатлар хом ашё нархининг юқорилиги сабабли катта молиявий даромад кўраётган бўлса-да, барибир иккита асосий канал орқали инфляция босимига дучор бўлмоқдалар:

- **Импорт инфляцияси:** Капиталистик давлатлардан озиқ-овқат, юқори технология ва турли хизматларни сотиб олишга қаттиқ боғланиб қолганликлари сабабли, хориждаги тайёр инфляция юки ушбу мамлакатларга импорт маҳсулотлари билан бирга кириб келади.

- **«Голланд касаллиги»:** Нефть секторидан оқиб келаётган улкан молиявий маблағлар ички бозордаги кўчмас мулк ва хизмат кўрсатиш каби халқаро миқёсда сотилмайдиган соҳаларга бўлган талабни сунъий равишда ошириб юборади. Бу эса маҳаллий бозорда нарх-навонинг кескин кўтарилишига олиб келади.

Тўртинчи: Никсон шоки (олтин стандартининг бекор қилиниши)

1971 йил замонавий молия тарихидаги энг машъум ва бурилиш ясаган пул ислоҳотига гувоҳ бўлди. Ўшанда АҚШ президенти Ричард Никсон долларнинг олтинга чақилишини бир томонлама тартибда тўхтатганини эълон қилди. (Бу тизим 1944 йилдаги Бреттон-Вудс келишувига асосан, бир унция олтин 35 долларга тенг қилиб белгиланган эди). Мазкур тарихий воқеа иқтисодий адабиётларда «Никсон шоки» номи билан муҳрланди.

1. Нима учун олтиндан воз кечилди?

Қўшма Штатлар Вьетнам урушини ҳамда мамлакат ичидаги йирик ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида ҳаддан ташқари

кўп миқдорда доллар чоп этди. Бунинг оқибатида муомаладаги қоғоз долларлар ҳажми АҚШ захираларидаги реал олтин миқдоридан бир неча баробар ошиб кетди. Айрим давлатлар (хусусан, Франция) ўз ихтиёридаги долларларни Бреттон-Вудс тизими меъёрларига кўра реал олтин қуймаларига айирбошлашни талаб қилгач, Вашингтон ўз олтин захирасидан бутунлай маҳрум бўлиш хавфини англади ва мажбуриятларни бажаришдан бош тортиб, олтин билан боғлиқликни узди.

2. Инфляцияга кўрсатган таъсири

Шу тариқа дунё таъминотсиз, яъни реал моддий активларга эмас, балки фақатгина ҳукуматлар ва сиёсий қарорларга бўлган ишончга таянувчи «фиат» (қоғоз) пул тизимига ўтди. Бу ҳолат марказий банкларнинг қўл-оёғини чекловлардан бутунлай озод қилиб юборди. Давлатлар ҳеч қандай олтин ёки бошқа моддий кафолатсиз чексиз пул чоп этиш имкониятига эга бўлдилар. Оқибатда инфляция замонавий глобал иқтисодиётнинг сурункали ва ажралмас хусусиятига айланди. Ваҳоланки, олтин стандарти амал қилган даврларда инфляция фақат уруш ёки табиий офатлар каби истисноий ҳолатлардагина вақтинча юзага келар ва вазият барқарорлашгач, яна ўз-ўзидан йўқолар эди.

Бешинчи: Позитив иқтисодий фикр ва Ислом иқтисодиётидаги соғломлаштириш механизмлари

1. Позитив ёндашув: Қаттиқ пул-кредит сиёсати ва унинг чекланган жиҳатлари

Инфляция авж олганда, марказий банклар бозордаги «ортиқча ликвидликни йўқотиш» ва иқтисодий фаолликни сусайтириш мақсадида қуйидаги воситалар орқали қаттиқ пул-кредит сиёсатига мурожаат қиладилар:

- **Фоиз ставкаларини ошириш:** Бу чора аҳоли ва корхоналарни маблағларни жамғаришга ундайди ҳамда истеъмол ва инвестиция мақсадлари учун қарз (кредит) олиш ҳажмини камайтиради. Натижада ялпи талаб қисқариб, нарх-наво вақтинча барқарорлашади.

- **Мажбурий захира талабларини ошириш:** Бу тижорат банкларининг пул маблағларини эркин кредитга йўналтириш имкониятларини чеклайди.

Капиталистик терапиянинг инқирози

Замонавий бозор ҳисоботлари шуни кўрсатадики, бундай қаттиқ чеклаш сиёсати ўта оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда. Марказий банклар инфляцияни жиловлаш учун фоиз ставкаларини ҳаддан ташқари кўтариши билан, ишлаб чиқариш пасайиб, бандлик ва меҳнат бозори кескин сусаяди. Бу эса иқтисодиётни чуқур рецессия (турғунлик) ёқасига олиб келади. Натижада молиявий бозорлар яна фоиз ставкаларини пасайтиришни ёки пул-кредит сиёсатини юмшатишни талаб қила бошлайди. Бу эса инфляциянинг янги тўлқинини кучайтиради. Мазкур беқарорлик анъанавий капиталистик пул воситалари касалликнинг асл таркибий илдизларини эмас, балки фақатгина унинг вақтинчалик симптомларини хаспўшлашини тасдиқлайди.

2. Ислом иқтисодий тизимида соғломлаштириш ва олдини олиш чоралари

Ислом иқтисодиёти инфляцияни келтириб чиқарувчи таркибий бузилишларнинг олдини олувчи, умумий адолат тамойилларига ҳамда реал иқтисодиётни ривожлантиришга асосланган профилактик ва тузатувчи мукаммал ҳуқуқий тизимга эга:

- **Реал активларга асосланган пул тизими:** Ислом иқтисодиётининг бош тамойили — пул бирлигини ички қийматга эга бўлган иккита реал активга, яъни олтин ва кумушга (динор ва дирҳамга) қатъий боғлашдир.
- **Судхўрликни тақиқлаш ва пулни сохта молиявий пуфакчалардан ажратиш:** Судхўрлик, қарзларни қарз эвазига сотиш ва хаёлий спекуляцияларнинг тақиқланиши бозордаги ҳар бир пул ҳаракатининг ортида реал товар ёки хизматнинг мавжуд бўлишини таъминлайди. Бу эса сунъий нарх пуфакчалари пайдо бўлишининг олдини олади.
- **Монополия (эҳтикор)га қарши кураш:** Ислом бозорда товарларнинг табиий оқимини таъминлаш мақсадида

монополиянинг барча шаклларини қатъиян ман этади. Бу чора айрим савдогарлар томонидан маҳсулотларни атайлаб яшириб, сунъий равишда «харажатлар инфляцияси»ни юзага келтиришларига йўл қўймайди.

- **Пулни босиб ётиш (канз)ни тақиқлаш ва закот тизими:** Маблағларни муомаладан тўсиб, шунчаки уйиб қўйишнинг тақиқланиши ҳамда пул активларидан йиллик 2,5 фоиз миқдорида закот ундирилиши бойлик эгаларини ўз маблағларини реал ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳалол савдога йўналтиришга мажбур қилади. Бу эса бозорда товар ва хизматлар таклифини ошириб, нарх-навонинг табиий равишда пасайишини таъминлайди.

Давлат маблағларини адолатли тақсимлаш ва қашшоқликка қарши курашиш

Ислом иқтисодиётининг давлат маблағларини бошқаришдаги (Байтулмол) таркибий даҳоси айнан мана шу жиҳатда яққол намоён бўлади. Замонавий капиталистик тизим қашшоқлик муаммосини тубдан ҳал қила олмайди. Чунки у бойликни фақат озчилик элита қўлида жамлайдиган, оқибатда инфляция ва ижтимоий тенгсизликни кучайтирадиган «иқтисодий оқимнинг юқоридан пастга томчилаши» (trickle-down economics) механизмига таянади.

Бунинг акси ўлароқ, Ислом тизими Қуръони каримда аниқ белгилаб қўйилган мажбурий ва кескин қайта тақсимот режасини амалга оширади:

﴿۞إِنَّمَا ٱلصَّدَقَٰتُ لِلۡفُقَرَآءِ وَٱلۡمَسَٰكِينِ وَٱلۡعَٰمِلِينَ عَلَيۡهَا وَٱلۡمُؤَلَّفَةِ قُلُوبُهُمۡ وَفِي ٱلرِّقَابِ وَٱلۡغَٰرِمِينَ وَفِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱبۡنِ ٱلسَّبِيلِۖ فَرِيضَةٗ مِّنَ ٱللَّهِۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٞ ٦٠﴾

«Албатта, садақалар (яъни закотлар) Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, закот йиғувчиларга, қалблари Исломга улфат қилинадиганларга, қулларни озод қилишга, қарздорларга, Аллоҳ йўлидагиларга (яъни жиҳодга ёки илм йўлидагиларга) ва мусофирларгадир. Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир» (Тавба сураси, 60-оят).

Шунингдек, Аллоҳ таоло бойликнинг жамиятдаги айланиши ҳақида Ҳашр сурасининг 7-оятида шундай марҳамат қилади:

﴿مَّآ أَفَآءَ ٱللَّهُ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ مِنۡ أَهۡلِ ٱلۡقُرَىٰ فَلِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ وَلِذِي ٱلۡقُرۡبَىٰ وَٱلۡيَتَٰمَىٰ وَٱلۡمَسَٰكِينِ وَٱبۡنِ ٱلسَّبِيلِ كَيۡ لَا يَكُونَ دُولَةَۢ بَيۡنَ ٱلۡأَغۡنِيَآءِ مِنكُمۡۚ﴾

«Аллоҳ кофир шаҳарлари аҳолисидан Ўз Расулига ўлжа қилиб берган нарсалар Аллоҳники, Расулиники, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва йўловчиларникидир. Токи у (бойлик) ораларингиздаги бойлар ўртасидагина айланиб юрадиган нарса бўлиб қолмасин».

Маблағларнинг ушбу белгиланган саккиз тоифага махсус йўналтирилиши ҳамда бойликнинг фақат бир тўда бойлар қўлида айланиб юришини тақиқловчи мазкур тизим қашшоқлик ва инфляция муаммосини қуйидаги иқтисодий омиллар орқали ҳал этади:

- **Пул массасининг фаол айланиши (муомалани рағбатлантириш):** Бойлик фақат саноқли бойлар қўлида тўпланиб қолганда пул турғунлиги юзага келиб, инфляция ва қашшоқлик янада кучаяди. Закот тизими ва давлат маблағларининг муҳтожларга тарқатилиши эса пулни жамғарувчилар тоифасидан ўз бирламчи эҳтиёжлари учун уни дарҳол бозорга киритадиганлар тоифасига ўтказади. Маблағларнинг бундай тезкор ҳаракати ички бозорни жонлантириб, реал талабни оширади. Натижада саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ушбу талабни қондириш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга мажбур бўлади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши эса инфляцияга қарши энг самарали ва реал даводир.

﴿مَّآ أَفَآءَ ٱللَّهُ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ مِنۡ أَهۡلِ ٱلۡقُرَىٰ فَلِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ وَلِذِي ٱلۡقُرۡبَىٰ وَٱلۡيَتَٰمَىٰ وَٱلۡمَسَٰكِينِ وَٱبۡنِ ٱلسَّبِيلِ كَيۡ لَا يَكُونَ دُولَةَۢ بَيۡنَ ٱلۡأَغۡنِيَآءِ مِنكُمۡۚ وَمَآ ءَاتَىٰكُمُ ٱلرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَىٰكُمۡ عَنۡهُ فَٱنتَهُواْۚ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَۖ إِنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلۡعِقَابِ٧﴾

«Аллоҳ кофирлар шаҳарлари аҳолисидан Ўз Расулига ўлжа қилиб берган нарсалар Аллоҳники, Расулиники, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва йўловчиларникидир. Токи бойлик ораларингиздаги бойлар ўртасидагина айланиб юрадиган нарса бўлиб қолмасин. Расул сизларга ниманики келтирган бўлса, уни қабул қилинглар, у сизларни нимадан қайтарган бўлса, ундан

тийилинглар. Аллоҳдан қўрқинглар, албатта, Аллоҳнинг азоби қаттиқдир» (Ҳашр сураси, 7-оят).

- **Шунчаки кун кўриш эмас, балки тўлиқ таъминлаш (камбағалларни ишлаб чиқарувчиларга айлантириш):** Исломдаги қайта тақсимот фиқҳига кўра, муҳтож қатламга шунчаки бир кунлик тирикчилик учун эмас, балки уларнинг ўзини ўзи тўлиқ таъминлаб кетишига етадиган даражада кўмак берилади. Агар шахс маълум бир ҳунарга эга бўлса, унга давлат хазинасидан (Байтулмолдан) зарур асбоб-ускуналар олиб берилади. Агар у деҳқон бўлса, унумдор ер ва уруғлик, савдогар бўлса, бошланғич капитал билан таъминланади. Бундай ёндашув шу пайтгача фақат истеъмолчи бўлган ишсиз қатламни бозорда товар ва хизматлар таклифини оширувчи фаол ишлаб чиқарувчи кучга айлантиради ва қашшоқликни илдизи билан қуритади. Натижада бозорда умумий нарх-наво даражаси барқарорлашиб, табиий равишда пасаяди.

- **Қарздорлар муаммосини ҳал этиш (молиявий инқирозларнинг олдини олиш):** Ислом тизими давлат хазинасидан (Байтулмолдан) алоҳида бир улушни мажбуриятларини бажара олмай, молиявий боши берк кўчага кириб қолган қарздорлар(ғоримийн)га ажратади. Уларнинг қарзлари давлат томонидан қопланиши туфайли бу қатлам банкротлик ва иқтисодий ҳалокатдан ҳимояланади ҳамда яна фаол молиявий айланишга қайтарилади. Шу билан бирга, бу чора ҳақдорларни (тадбиркорларни) ўз капиталларини йўқотишдан асрайди. Натижада ички бозорда савдо-сотиқнинг узлуксизлиги ҳамда маҳсулотлар таъминотининг барқарорлиги таъминланади.

- **Жамият учун иқтисодий хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя (мусофирлар, қулликдан озод бўлувчилар ва Аллоҳ йўлидагилар):** Йўлда маблағсиз қолиб кетган мусофирларга (ибнуссабил) кўмак бериш, қуллик тузоғига тушганларни сотиб олиб озод қилиш ҳамда давлат чегаралари ва инфратузилмасини ҳимоя қилиш — буларнинг барчаси жамиятда барқарор ва хавфсиз муҳитни юзага келтиради. Бундай осойишталик эса сунъий молиявий спекуляцияларнинг олдини олиб, капиталнинг фақатгина

реал иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш тармоқларига оқиб кириши учун қулай замин яратади.

Хулоса

Замонавий дунёда кузатилаётган сурункали инфляция ва оммавий қашшоқлик шунчаки тасодифий ҳодиса эмас. Балки улар ҳеч қандай моддий таъминотга эга бўлмаган қоғоз (фиат) валюталарга асосланган глобал молия тизимининг ҳамда бойликнинг озчилик қўлида тўпланиши ва виртуал қарзлар кенгайишининг табиий оқибатидир.

Қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатадики, пул бирлигини реал моддий активларга (олтин ва кумушга) қайта боғлаш ҳамда давлат маблағларини жамият қатламлари ўртасида адолатли тақсимлаш механизмини ишга солиш мукаммал бир иқтисодий моделни ташкил этади. Ушбу муқобил тизим камбағаллар қатлами ва меҳнат бозорига зарар етказувчи қаттиқ чоралар (масалан, иқтисодиётни рецессияга улоқтирувчи капиталистик фоиз ставкаларини ошириш сиёсати) билан эмас, балки ишсизларни фаол ишлаб чиқарувчиларга айлантириш орқали таркибий номутаносибликни тубдан бартараф этади. Бу эса муомаладаги пул массаси ва бозордаги товар ҳамда хизматлар таклифи ўртасида ҳақиқий барқарорликни ўрнатиб, жамиятни сунъий қадрсизланишдан ва меҳнат маҳсулининг барбод бўлишидан ишончли ҳимоя қилади.

МАТЕРИАЛИСТИК ФАН ИНҚИРОЗИ: ЭМПИРИК РЕДУКЦИОНИЗМ ВА САБАБИЯТ ФАЛСАФАСИ (2)

Юсуф ал-Сарисий — Фаластин

Тўғри билим назарияси

Шу нуқтаи назардан қараганда, баҳс мавзуимиздаги ақлий (рационал) тариқатни соғлом тафаккурнинг қонун-қоидалари ва асосий шартларига қурилган манҳаж(методология) сифатида баҳолаш мумкин. Бу тизим тўрт асосий устунга таянади: сезги аъзолари, ташқи воқелик, маълумотларни боғлаш қобилиятига эга соғлом мия ҳамда олдиндан мавжуд бўлган билимлар (маълумотлар). Инсон мана шу асосларга таяниб воқеликни талқин қилади ва у ҳақида хулоса чиқаради. Ушбу интеграция туфайли инсон онги нарсаларнинг мавжудлиги ва уларнинг муайян хусусиятлари ҳақида тўғридан-тўғри, лаборатория тажрибаларига эҳтиёж сезмасдан, соф дедуктив ва қатъий йўл билан ҳукм чиқаришга қодир. Бу жараён сезги аъзолари орқали тўғридан-тўғри қабул қилинган идрокка ёки ўша нарсалардан қолган аниқ белги-асарларга асосланади.

Тафкирнинг бу манҳажи мавжуд воқеликни инкор этмайди, аксинча, ундан бошланади. У ўз-ўзидан равшан бўлган аксиомаларга, фундаментал мантиқий тамойилларга, сабаб-оқибат қонуниятига ҳамда зиддиятларни истисно қилиш принципига таянади, зеро уларсиз соғлом тафаккурнинг мавжуд бўлиши имконсиздир. Мазкур тамойиллар қатъий ақлий хулосалар орқали рад этиб бўлмас далилларни келтириш, мукаммал билим ва соғлом мулоҳазаларни шакллантириш учун ягона ҳуқуқий ва ҳақиқий асос бўлиб хизмат қилади.

Сабаб-оқибат тизимига асосланган мулоҳаза

Сабабият ва сабаб-оқибат тизимининг асл моҳиятини англаш орқали биз сабаб ва натижа ўртасидаги боғлиқлик шунчаки онгимиз кузатишга ўрганиб қолган вақтинчалик такрорланиш эмаслигини тушунамиз. Бу боғлиқлик — нарсаларнинг табиати ва ички хусусиятларидан келиб чиқадиган, объектив воқеликнинг ўзида

мавжуд бўлган ҳақиқий алоқадир. Сабаб — шунчаки вақт ўлчовида бошқа бир ҳодисадан олдин содир бўлган воқеа эмас, балки тегишли шароитлар бажарилганда ва тўсиқлар бўлмаганда муайян бир натижани келтириб чиқаришга қодир бўлган ҳақиқий ички потенциалга (сабабият энергиясига) эга таъсирчан элементдир.

Масалан, олов ўтинни шунчаки оловдан кейин ёниш ҳодисасини кўришга одатланганимиз учунгина куйдирмайди. Балки олов иссиқлик тарқатишдек фаол таъсирчан хусусиятга эга бўлгани, ўтин эса ёнувчанлик хусусиятига эга бўлгани учун ёнади. Ўзаро таъсир шартлари тўлиқ бажарилганда, тегишли сабаб ва омиллар мавжуд бўлиб, ҳеч қандай ички ёки ташқи тўсиқлар қолмаганда, кутилаётган натижа мунтазам, муқаррар ва қонуний равишда юз беради.

Сабаб-оқибат тизими тушунчасини янада аниқроқ ифодалаш учун табиий сабабиятнинг икки турини ўзаро фарқлаб олиш лозим. Чунки уларни чалкаштириб юбориш сабаб ва натижа ўртасидаги муносабатлар моҳиятини нотўғри англашга олиб келади. Ушбу икки тур қуйидагилардан иборат:

а) Оддий сабаб-оқибат (чизиқли сабабият)

Нарсалар ўз табиатига кўра доимо барқарор ҳолатда қолишга (барқарорлик тамойилига) интилади ва ўз ҳолатининг ўзгаришига олиб келувчи ҳар қандай жараёнга қаршилик кўрсатади. Моддий борлиқнинг мавжуд ҳолати ва шаклини ўзгартира оладиган асосий куч — бу сабабдир. У муайян вақтда ўзгаришга мойил, яъни мос хусусиятларга эга бўлган объектларни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказиш учун зарур бўлган энергияни (кучни) юзага келтиради.

Сабаб ўз вазифасини тўлиқ бажариши учун унинг таъсирини юзага чиқаришга ёрдам берувчи бошқа ташқи омиллар билан ҳамкорлик қилиши шарт, булар иқтисодий ва илмий тилда «шароитлар» (шартлар) деб аталади. Бундай сабабият жараёни муқаррар равишда кутилган натижанинг пайдо бўлишига олиб келади. Сабаб таъсирининг негизи айнан сабабият энергиясининг мавжудлиги билан белгиланади. Ушбу энергия тугаши билан сабабнинг таъсири ҳам ниҳоясига етади.

б) Сабаб-оқибат тизими

Сабаб-оқибат тизими сабаб ва натижа ўртасидаги оддий чизиқли боғлиқликдан анча кенг ва мураккаб тушунчадир. Бундай тизим кўплаб таркибий қисмлардан ҳамда ушбу қисмларни муайян мақсадга эришиш ёки аниқ бир вазифани бажаришга йўналтирувчи дастур (тартиб ва ташкилий тузилма) асосида бирлаштирувчи алоқалардан иборат.

Нарсалар ўз табиатига кўра ўз-ўзидан мукаммал тартибга келиш хусусиятига эга эмас. Аксинча, улар парчаланиш, бетартиблик (энтропия) ва чекловлардан халос бўлишга мойилдир. Натижада, уларнинг ўзаро мутаносиб алоқаларни шакллантириш ва тизимли ҳамкорлик қилиш учун ички ёки ўз-ўзидан пайдо бўладиган мотивацияси мавжуд бўлмайди. Шу сабабли, ҳар қандай тизимнинг мавжуд бўлиши, энг аввало, унинг қисмларини бир жойга тўплайдиган, уларни муайян тартибга соладиган ва лойиҳачи томонидан мўлжалланган функцияни бажаришга мажбур қиладиган фаол бошланғич сабабни талаб этади.

Мунтазам тартибли тузилма ва сабаб-оқибат тизимининг асосий фарқи шундаки, сабаб-оқибат тизими шунчаки тартиб билан териб қўйилган объект бўлмай, балки бошқа элементларга фаол таъсир кўрсатиш, ўзгаришлар ясаш ва маълум бир вазифани бажариш қобилиятига эга механизмдир. Масалан, қурилган бино, оддий стол ёки сув канали шунчаки тартибли тизимдир. Сабаб-оқибат тизимларига эса автомобиль, музлатгич, шунингдек, инсон танаси ва мия каби тирик биологик тизимларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Хусусан, автомобиль шунчаки алоҳида деталлар тўплами эмас. У ҳаракат функциясини амалга ошириш учун ўзаро мувофиқлаштирилган тарзда ишлайдиган мураккаб сабаб-оқибат тизимидир.

Сабабият ва сабаб-оқибат тизимининг бундай тиниқ ва қатъий ифодаланиши орқали фикрлашнинг соф ақлий (рационал) тариқати намоён бўлади. Бу эса эмпирик (тажриба) мактаби талаб қилганидек, сабаб билан натижа ўртасидаги боғлиқликни исботлаш учун ҳар сафар тўғридан-тўғри лаборатория тажрибасини ўтказиш шарт

эмаслигини кўрсатади. Мазкур тизимга таяниб, соғлом ақлий хулосалар чиқариш тўлақонли имконлидир.

Сабаб-оқибат мулоҳазаси — бу сабабият воқелигини шунчаки оддий ақлий кўникма эмас, балки реал ва фаол таъсирга эга муносабат сифатида белгиловчи йўлдир. У, биринчи навбатда, сабабият ҳақидаги юзаки эмпирик тушунчаларни тўғрилаб, ақлий мулоҳазага асосланган ҳақиқий концепцияни тақдим этади. Бу ёндашув ҳодисаларнинг шунчаки кетма-кет такрорланишини кузатишга эмас, балки сабаблар ва оқибатлар ўртасидаги муносабатларнинг асл табиатини англашга таянади.

Иккинчидан, инсон онги натижани кузатиш орқали уни келтириб чиқарган тегишли сабабни аниқлашга ҳамда тизимнинг ишлаш механизмини тушуниш орқали уни лойиҳалаштирган ва тартибга солган Муаллиф (Яратувчи)нинг мавжудлигини англашга қодирдир. Чунки таркибий қисмларнинг бундай мукаммал тартиби, ўзаро боғлиқлиги ва аниқ вазифани бажаришини шунчаки тасодиф ёки оддий такрорланиш билан асло тушунтириб бўлмайди.

Сабаб-оқибат тизимининг бундай мукаммал концепцияси моддий борликдаги куч ва имкониятлар фалсафасига тўла мос келади. Ушбу фалсафага кўра, мавжудотлар тегишли шароитлар юзага келганда муайян натижаларни беришга қодир бўлган ҳақиқий ички хусусият ва кучларга эгадир. Мазкур концепция замонавий тизимлар фалсафасининг хулосалари билан ҳам ҳамоҳангдир. Унга кўра, мураккаб ҳодисаларни шунчаки алоҳида қисмларни бўлаклаб таҳлил қилиш орқали эмас, балки яхлит тизим ичидаги қисмларни боғловчи муносабатлар, умумий тузилиш ва ички ташкилий дастурни англаш орқали тушуниш мумкин.

Дунёвий воқелик шунчаки тарқоқ элементлар тўплами эмас. Балки у — кучлар ва таъсирлар маълум бир функцияларни бажарадиган уюшган тузилмалар ичида ўзаро ҳаракат қилувчи, чамбарчас боғланган сабабият тизимлари мажмуидир. Шу боис, бирор-бир ҳодисани илмий асослаш учун битта элементни алоҳида ўрганиш кифоя қилмайди, балки муносабатлар, босқичлар, тескари алоқалар,

шартлар ва чекловлар мужассам бўлган яхлит сабаб-оқибат тизимини англаш талаб этилади.

Сабаб-оқибат тизимлари концепцияси эмпирик (тажриба) ва рационал (ақлий) тариқатлар ўртасидаги анъанавий айриликдан устун турувчи мутлақо янги тафаккур йўналишини бошлаб беради. Бунда амалий тажриба ва лаборатория изланишлари инкор этилмайди; аксинча, улар дунёвий воқеликнинг муайян жиҳатларини ҳамда воқеа-ҳодисалар ўртасидаги қисман муносабатларни англаш учун муҳим восита деб баҳоланади. Бироқ барча илмий билимларни фақатгина тўғридан-тўғри сезги аъзолари орқали кузатиш чегарасига боғлаб қўйиш ҳамда тажрибани билимнинг ягона ва мутлақ манбаига айлантириш қатъиян рад этилади.

Мазкур тизимли манҳаж(методология)га кўра, инсон онгининг роли шунчаки лабораториядаги экспериментал такрорланишларни қайд этиб бориш билан чекланмайди. Аксинча, аниқ босқичларга асосланган махсус ақлий тариқат орқали — яъни тизимларнинг ички тузилишини чуқур таҳлил қилиш ва мантиққа тўғри келмайдиган пуч муқобилларни изчил бартараф этиш орқали — инсон онги тўғридан-тўғри лаборатория тажрибаларига эҳтиёж сезмасдан ҳам қатъий сабабият аниқлигига эриша олади. Бундай илмий аниқлик шунчаки оддий ақлий кўникмага эмас, балки сабабият алоқасининг ҳақиқий зарурлигини чуқур англашга асосланади. Бу эса муайян ички хусусиятларга эга бўлган аниқ бир сабабнинг мавжудлигини тан олмасдан туриб, юз берган натижани бошқача йўл билан тушунтиришни мутлақо имконсиз қилиб қўяди.

Ушбу дедуктив (умумийликдан хусусийликка йўналган) тафкирий тариқат коинотдаги қисман сабабларни ва борлиқ қонуниятларини илмий асослаб бериш орқали янада чуқурроқ экзистенциал саволни ўртага ташлайди: Хўш, бу мураккаб тизимларнинг мавжудлиги ва келиб чиқишини нима тушунтиради? Бутун борлиқни бундай аниқ тартиб, изчил қонуниятлар ва ўзаро чамбарчас боғланган сабаб-оқибат муносабатлари асосига қурган куч нима?

Агар коинот ичидаги ҳар бир сабабият тизими муайян ташкилий тузилмага, қонунларга ва аниқ чегараларга муҳтож экан, у ҳолда илмий савол энди шунчаки «нарсалар қандай ишлайди?» деган изланиш билан чекланиб қолмайди. Балки у туб мантиққа кўчиб, қуйидагича янграйди: Бу буюк сабаб-оқибат тизимининг ибтидосини ким яратган? Бутун коинот пойдеворини ташкил этувчи бу қонунлар, улкан имкониятлар ва мукаммал ташкилий муносабатлар қандай қилиб пайдо бўлган?

Шундай қилиб, сабаб-оқибат тизимларига асосланган хулоса чиқариш ёндашуви илм-фан ва тажрибанинг аҳамиятини асло инкор этмаган ҳолда, юзаки эмпирик чекланганликдан устун турувчи мукаммал ақлий (рационал) билим назариясини шакллантиради. Бу ёндашув инсон онгининг асл мақомини тиклайдиган ҳамда атрофмизни ўраб турган воқелик ўзаро чамбарчас боғланган сабаблар, қонунлар ва тизимлардан иборат уюшган яхлит тузилма эканлигини очиб берувчи соғлом йўлдир. Мазкур қонуниятлар эса инсон тафаккурини ушбу мукаммал тизимни муайян тартиб билан лойиҳалаштирган ва ҳаётга келтирган Биринчи Асос (Яратувчи)ни излашга табиий равишда етаклайди.

Сабаб-оқибат тизими воситасида фикрлаш босқичлари

Сабаб-оқибат тизимига асосланган мулоҳаза юритиш санъати борлиқни тарқоқ ҳодисалар эмас, балки ўзаро мутаносиб тизимлар мажмуи сифатида англашга таянади. Шу сабабли, атрофдаги жараёнлар алоҳида ажралган ҳодисалар ёки оддий механик тўқнашувлар сифатида эмас, балки ички мукаммал тузилишга ва изчил ташкилий алоқаларга эга тизимлар ичидаги фаол элементлар сифатида идрок этилади.

Мана шу тушунчага таяниб, инсон онги ҳодисаларнинг юзаки тавсифидан (ташқи кўринишидан) чекиниб, уларнинг ички моҳиятини ҳамда юзага келишига хизмат қилган асл омилларни таҳлил қилишга ўтади. Бу таҳлил тўғридан-тўғри сабабий алоқаларни ҳам, яхлит тизим ичидаги таркибий муносабатларни ҳам қамраб олади. Мазкур жараён тизим элементларининг ўзаро боғлиқлигини ҳамда муайян натижанинг юзага чиқиши ва давом

этиши учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг табиатини чуқур ўрганишни тақозо этади. Натижада инсон тафаккури шунчаки «Нима содир бўлди?» деган оддий саволдан «Бу қандай содир бўлди?» деган изланишга, ундан кейин эса «Бу воқеа айнан қайси сабабият тузилмасига асосан юз берди?» деган юқори илмий босқичга кўтарилади.

Шундай қилиб, сабаб-оқибат тизимига асосланган фикрлаш — тизимнинг умумий тузилишидан узилган ҳолда, фақат алоҳида қисмларни ўрганиш билан чекланувчи юзаки (редукцион) талқинга қараганда, воқеликни янада кенгроқ ва чуқурроқ англаш имконини берувчи оқилона ақлий манҳаждир.

Мазкур мулоҳаза юритиш босқичларини қуйидагича изчил тизимга солиш мумкин:

- **Ҳодисани қайд этиш:** Воқеликда намоён бўлган аниқ натижа, таъсир ёки ҳодисани синчиклаб кузатиш.
- **Ибтидони излаш:** Мазкур натижа билан боғлиқ бўлган асл сабаб ёки уни юзага келтирган омилнинг моҳиятини аниқлаш.
- **Мезонни белгилаш:** Оддий (чизиқли) сабаб-оқибат ҳамда мураккаб тузилишга эга сабаб-оқибат тизими ўртасидаги фарқни тўғри ажратиш.
- **Таркибни ўрганиш:** Тизим қисмлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, ички мутаносиблиги ва бажарадиган вазифаларини атрофлича таҳлил қилиш.
- **Гипотезаларни чеклаш:** Мазкур ҳодисанинг асл сабабини асослаб бера оладиган барча мумкин бўлган илмий тахмин ва гипотезалар доирасини аниқ белгилаб олиш.
- **Етарлиликни баҳолаш:** Илмий тахминларнинг ушбу тизим ва унинг барча элементларини ҳеч қандай зиддиятларсиз ёки мантиқий узилишларсиз, тўлиқ тушунтириб бера олиш салоҳиятини текшириш.
- **Ботилни чиқариб ташлаш:** Ҳодисанинг асл табиатига, мантиқига ва тизим қонуниятларига мос келмайдиган ёхуд унга зид бўлган барча пуч талқинларни изчил бартараф этиш.

- **Хулоса чиқариш:** Мазкур мураккаб тизимни ва ундаги қонуний таъсирларни ҳаётга келтиришга қодир бўлган асл Сабаб ёки Яратувчидаги зарур мутлақ фазилат ва хусусиятларни қатъий аниқлаш.

Шундай қилиб, сабаб-оқибат тизими орқали фикрлаш — сабаблар ва оқибатлар ўртасидаги муносабатларни чуқур англаш, турли ҳодисалар ва тизимларни мукаммал таҳлил қилиш ҳамда оддий юзаки кузатувдан воқеликни нарсаларнинг асл табиати, ички хусусиятлари ва уларни бошқарувчи қонуниятларга мос равишда талқин қилишга ўтиш имконини берувчи тизимли ақлий усул сифатида шаклланади. Мазкур ёндашув туфайли дунёвий воқелик шунчаки тарқоқ фактлар ёки тасодифий такрорланишлар тўплами эмас, балки ўзаро чамбарчас боғланган сабаб-оқибат тизимларининг ягона глобал тармоғи сифатида идрок этилади.

Ушбу метод инсон онги яхлит тизимни ва унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ички муносабатларни таҳлил қилиш орқали сабабий таъсирларнинг асл моҳиятини англашга, мантиққа тўғри келмайдиган чала талқинларни бартараф этишга ҳамда юз берган натижа ёки мавжуд тизимнинг табиатига тўла мос келувчи фаол Сабабнинг хусусиятларини қатъий чиқариб олишга қодир, деган фундаментал пойдеворга асосланади. Шу тариқа, сабабиятга таянган тафаккур шунчаки оддий экспериментал такрорланишларни қайд этиб бориш чегарасидан чиқиб, тизимларнинг ҳақиқий ички тузилишини ва уларни бошқарувчи сабаб-оқибат қонуниятларини англаш босқичига ўтади. Бу эса ҳодисаларни асослаб бериш жараёнини борлиқнинг асл табиати ва тизимли мутаносиблигига тўлиқ мувофиқлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, сабабий фикрлаш — фақатгина муайян табиий ҳодисаларни ёки оддий муносабатларни тушунтириш билан чекланган тор доирадаги метод эмас. Аксинча, у биологик тизимларда, инсон мияси, тафаккури ва тил қонуниятларида, шунингдек, мураккаб ижтимоий ҳодисаларда, криминалистик тергов жараёнларида, далилларни илмий таҳлил қилишда ва тарихий воқеаларни баҳолашда кенг қўлланиладиган умумий интеллектуал асос (платформа)дир. Бу метод коинотдаги барча

жараёнларнинг мунтазамлиги ҳамда уларнинг элементлари муайян тузилиш ва аниқ функцияга эга бўлган яхлит тизимлар ичида ўзаро боғланганини кўрсатади. Бу эса ушбу ҳодисаларни фақатгина мураккаблик даражасига кўра фарқловчи, аммо ўз мантиқига кўра бир хил бўлган ягона ақлий фикрлаш қоидалари асосида мукаммал тушуниш ва изоҳлаш имконини беради.

Шу боис, сабаб-оқибат тизимларини таҳлил қилиш воқеликни чуқурроқ англашнинг универсал ёндашувига айланиб, унинг имкониятларини илмий асослаш талаб этиладиган барча турдош ҳодисалар ва саволларга кенг татбиқ этишга йўл очади. Бинобарин, мазкур методологиядан асосий экзистенциал (борлиққа оид) саволларни ўрганишда ҳам фойдаланиш мумкин. Коинотнинг умумий тузилиши ва ундаги мукаммал тартиботни таҳлил қилишдан бошланувчи бу изланиш бошқа барча тизимларни англашни бошқарадиган ягона ва изчил мантиқий хулоса қоидаларига тўла мувофиқ келади.

Фан фалсафасида эмпирик редукционизмга қарши ички инқилоб

Редукционистик (ҳодисаларни фақат майда бўлакларга ажратиб ўрганувчи) илмий методнинг чекланган жиҳатларини танқид қилиш фақатгина ташқи эътирозлар билан чекланиб қолмайди. Сўнгги ўн йилликларда фан фалсафасининг ичида ҳам кенг қамровли танқидий оқим юзага келди. Физика, биология ва когнитив (билиш) фанларидаги мураккаб тизимлар устида олиб борилган изланишлар воқеликнинг умумий манзарасини тушунтириш учун «алоҳида қисмларни ўрганиш кифоя» деган редукционистик тахминни буткул қайта кўриб чиқишга мажбур қилди.

Шу тариқа, фанда бир нечта янги фикр мактаблари ва интеллектуал йўналишлар пайдо бўлди. Улар ҳар қандай тизимни шунчаки унинг таркибий элементларини бўлаклаш орқали эмас, балки ушбу элементларни яхлит механизм ичида бирлаштириб турган ўзаро муносабатлар, умумий тузилиш ва ички ташкилий дастурни ўрганиш орқали англаш лозимлигини қатъий таъкидламоқдалар.

Биринчи: Стэнфорд мактаби ва кучлар (салоҳиятлар) фалсафаси

Мазкур илмий йўналиш бир қатор замонавий фан файласуфлари, хусусан, Нэнси Картрайт ва Жон Дюпре томонидан асослаб берилган. Картрайт ўзининг *«Физика қонунлари қандай ёлғон гапиради»* ва *«Тарқоқ дунё»* номли китобларида илмий қонунлар гўёки воқеликнинг универсал ва кенг қамровли тавсифидир, деган анъанавий қарашни кескин танқид остига олади. Унинг таъкидлашича, сунъий равишда ажратилган лаборатория шароитларида кашф этилган қонунлар фақат муайян ва чекланган вазиятлардагина ишлайди. Реал табиий воқелик эса ўз контекстидан узиб олинган оддий муносабатлар тўпламига айлантириш (қисқартириш) учун ўта мураккаблик қилади.

Худди шу руҳда, Жон Дюпре ҳам ўзининг *«Нарсалар бетартиблиги»* китобида бўлакларни тушуниш бутунликни англаш учун кифоя қилади, деб ҳисобловчи редукционистик тенденцияни қоралайди. У тирик ва табиий тизимлар ўз ичида шундай ташкилий хусусиятларни мужассам этганки, уларни оддийгина таркибий қисмларга ажратиш орқали асло тушунтириб бўлмаслигини исботлади. Яъни, яхлит тизим шунчаки уни ташкил этувчи элементларнинг оддий йиғиндиси эмас. Балки у элементларни алоҳида ўрганганда ҳеч қачон намоён бўлмайдиган янги сифат ва хусусиятларни юзага келтирувчи мураккаб муносабатлар тармоғидир.

Ушбу фикр мактаби жуда муҳим бир илмий хулосани ўртага ташлайди: тизимни тўғри талқин қилиш ҳар доим ҳам қисмдан бутунликка қараб бориш орқали амалга ошмайди. Аксинча, у алоҳида қисмларга ўз маъносини ва тизим ичидаги асл функциясини бахш этувчи умумий тузилмани ҳамда уюшган ички муносабатларни ўрганишни талаб қилади.

Иккинчи: Физикада «пайдо бўлиш» (эмержентлик) ва яхлит ташкилий тузилма мактаби

Мазкур илмий тенденция Нобель мукофоти совриндори, физик Роберт Лафлиннинг асарларида, хусусан, унинг *«Бошқа олам:*

Физикани юқоридан пастга қараб қайта кашф этиш» китобида яққол намоён бўлди. Олим ўз тадқиқотларини муҳим бир кузатувдан бошлади: кўплаб фундаментал физик ҳодисаларни фақатгина элементар заррачаларни ўрганиш орқали адекват тушунтириб бўлмайди. Чунки ушбу заррачалар янада мураккаб умумий тузилмалар ичида бирлашганда, уларда мутлақо янги хусусиятлар (эмержентлик) пайдо бўлади.

Шу тариқа, «пайдо бўлиш» (эмержентлик) концепцияси замонавий физиканинг фундаментал тушунчаларидан бирига айланди. Унга кўра, тизимнинг муайян хусусиятлари фақатгина алоҳида бўлакларнинг сифатига боғлиқ бўлмай, балки умумий тузилиш ва қисмлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан юзага келади. Ушбу ёндашув воқеликни англаш учун нафақат энг қуйи (микро) даражани ўрганишни, балки материя ташкил топишининг турли тизимли босқичларини яхлит кўриб чиқишни тақозо этади.

Учинчи: Умумий тизимлар назарияси

Биология ва тизимли таҳлил соҳаларида Людвиг фон Берталанфи «умумий тизимлар назарияси» деб номланган илмий йўналишнинг назарий пойдеворини яратди ва уни ўзининг *«Умумий тизимлар назарияси: Асослари, ривожланиши ва қўлланилиши»* китобида мунтазам равишда баён қилди. Берталанфи тирик организмларни ўрганиш жараёнига таяниб, мураккаб тизимлар оддий чизиқли сабаб-оқибат модели асосида эмас, балки ўзаро боғлиқлик тармоқлари, тескари алоқа ҳалқалари ва таркибий қисмларнинг узлуксиз таъсирлашуви доирасида фаолият юритишини исботлаб берди. Шу сабабли, ҳар қандай тизимни тўғри тушуниш уни шунчаки бўлакларга ажратиб таҳлил қилишни эмас, балки унга ўзига хослик, аниқ функция ва барқарорлик бахш этувчи умумий тузилишни англашни талаб этади.

Бу назария бутунлик шунчаки бўлакларнинг оддий математик йиғиндиси эмаслигини, балки у турли элементларни бирлаштирувчи муносабатлардан келиб чиқадиган муайян ташкилий ва функционал хусусиятларга эга яхлит тизим эканлигини яққол кўрсатиб беради.

Қўшимча қадам: Тизим тавсифидан ташкилотчини излаш сари

Бу учта илмий мактаб, гарчи турли хил бошланғич нуқталарга эга бўлса-да, жуда муҳим бир умумий хулосани ўртага ташлайди: бизни ўраб турган воқелик мустақил элементларнинг шунчаки тасодифий тўплами эмас. Балки у ички ташкилий тузилишга, ўзига хос функцияларга ва фақатгина таркибий қисмларининг хусусиятлари билан тушунтириб бўлмайдиган умумий қонуниятларга эга ўзаро боғлиқ мураккаб тизимлар мажмуидир. Ушбу мактаблар, шунингдек, тизимнинг асосий тузилишини ҳисобга олмай, фақатгина майда бўлакларни таҳлил қилиш билан чекланувчи редукционистик талқинларнинг ожизлигини яққол очиб берди.

Бироқ, бу илмий тенденциялар қанчалик муҳим бўлмасин, улар асосан мураккаб тизимларнинг табиатини ва уларнинг қандай ишлашини тавсифлаш (тасвирлаш) билангина чекланиб қолди. Улар тизимли ташкилотни илмий изоҳлайди ва умумий тузилманинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беради, аммо мазкур мукаммал ташкилотнинг асл келиб чиқиши ҳамда бу тизимларнинг дастлаб қандай шароитда пайдо бўлгани масаласига бевосита мурожаат қилмайди.

Шу ўринда биз қўллайдиган навбатдаги мантиқий ва методологик қадам кун тартибига чиқади. Агар замонавий фан фалсафаси коинот шунчаки тарқоқ элементлар йиғиндиси эмас, балки кенг қамровли муносабатлар ва аниқ функцияларга асосланган ўзаро боғлиқ, уюшган мукаммал тизимдир деган қатъий хулосага келган бўлса, унда қуйидаги фундаментал савол туғилади: Бу буюк тизимнинг ўзи келиб чиқишини нима тушунтиради? Унинг изчил мавжудлигини, мунтазамлигини ва инсон ақли томонидан англанилишини (ақл орқали тушунарлилигини) асослаб беришга қодир бўлган асл манба нима?

Шундай қилиб, мазкур илмий мактаблар талқин ва тадқиқот йўлининг хотимаси эмас, балки фундаментал изланишлар учун бошланғич нуқтадир. Улар борлиқда яхлит ва мукаммал тизим мавжудлигини очиб беради ҳамда унинг ташкилий хусусиятларини

яққол кўрсатади. Бу тадқиқот эса ушбу тизимнинг асл келиб чиқишини асослашга, унинг мавжудлик имконияти, мунтазамлиги ва инсон онги томонидан англанилишини изчил, яхлит сабаб-оқибат тизими сифатида изоҳлашга қодир бўлган фундаментал Сабабни (Яратувчини) излашга интилиб, навбатдаги қадамни қўяди.

Хулоса

Замонавий материалистик тафаккурнинг инқирози унинг эмпирик илмий ютуқларида эмас, балки унинг материалистик мафкурасидадир. Бу мафкура илмий тажрибани муайян ҳодисаларни тушунишнинг қисман воситасидан бутун борлиқни лаборатория тажрибаси ва ҳиссий ўлчовлар чегарасига қисқартиришга уринган кенг қамровли эпистемологик (билишга оид) асосга айлантиришга уринди. Кўпгина табиий ҳодисаларни тушунишда сезиларли муваффақиятларга эришганига қарамай, замонавий редукционистик экспериментал усул фаннинг ривожланиши билан мураккаб тизимлар, уюшган тузилмалар ва ҳақиқий сабаб-оқибатни тўлиқ тушунтиришда ўзининг ожизлигини исботлади.

Бу ўзгариш тартиб, тузилиш, сабаб-оқибат ва функция тушунчаларини қайта тиклаган ҳамда мураккаб тизимлар билан ишлашда редукционистик талқинларнинг чекловларини кўрсатган замонавий фалсафий ва илмий йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бироқ, редукционизмнинг камчиликларини очиб беришдаги муваффақиятларига қарамай, бу йўналишлар кўпинча тизимнинг келиб чиқиши ва унинг мавжудлик шартлари ҳақидаги асосий саволга жавоб бермасдан, уни шунчаки тавсифлаш ва хусусиятларини таҳлил қилиш билангина тўхтаб қолди.

Шу нуқтаи назардан, сабабий фикрлаш методологияси тизимлар ва ҳодисаларни таҳлил қилиш учун рационал ва меъёрий асос сифатида намоён бўлади. У инсон онги ва атрофдаги воқелик ўртасидаги муносабатни борлиқ табиатига тўла мос келувчи пойдевор устига қайта қуришга қаратилган. Бу метод фан ёки амалий тажрибани асло рад этмайди. Аксинча, уларни барча билим даражаларини фақат экспериментал усул чегараларига

туширмасдан, тизим ичидаги ҳодисаларни тушуниш учун муҳим восита сифатида ўз табиий доирасига жойлаштиради. Мазкур методология сабаб-оқибат тизимларини таҳлил қилиш орқали имкониятларни торайтириш ва етарли бўлмаган пуч талқинларни бартараф этишда ақлнинг бошқарувчи ҳамда мустақил ваколатини мустаҳкамлайди. Бу эса шунчаки қисман эмпирик тавсифдан ташқарига чиқиб, воқеликнинг чуқурроқ ички тузилишини англашга интилувчи тўлиқ ва мукаммал илмий аниқликка эришиш имконини беради.

Бу методология фақатгина коинотни жисмоний ўрганиш билан чекланиб қолмайди. Уни ҳаёт, тил қонуниятлари, тафаккур тизими, инсон жамиятлари, криминалистик тергов жараёнлари ва бошқа кўплаб мураккаб соҳаларда муваффақиятли қўллаш мумкин. Бироқ, унинг энг олий ва муҳим қўлланилиш майдони — коинотни бошқа барча кичик тизимларни ўз ичига қамраб олувчи умумий, улкан сабаб-оқибат тизими сифатида ўрганишдир. Борлиқнинг тузилиши, ундаги мутлақ тартиб ва тушунарлиликни таҳлил қилиш инсон тафаккурини ушбу коинотнинг келиб чиқиши, мавжудлик эҳтимоли, изчиллиги ва узлуксизлигини асослаб берувчи бош фундаментал пойдеворни излашга олиб келади.

Мана шу нуқтадан бошлаб ушбу мавзунинг энг асосий ва қатъий исботи бошланади. Бу исбот олдиндан ўйлаб топилган мавҳум метафизик тахминларга эмас, балки мавжуд воқеликни тартибли сабабият тизими сифатида холис таҳлил қилишга таянади. Сўнгра кавний низом, унинг тартиб-интизоми ҳамда уни фаҳмлаб баён қилинса бўладиган имкониятга эга эканлиги унга тақаладиган Асл Сабабиятга (Яратувчига) етгунга қадар соғлом ақлий тавсир талаблари тизими изчил амалга ошади.



ДУШМАНЛИК ЎЧОҒИДАН ПАЙҒАМБАРЛИК ХОНАДОНИГА: ҲАЗРАТИ САФИЯ ОНАМИЗНИНГ ҲИДОЯТ ЙЎЛИ

Абдуссалом Ал-Бадри

Исломда насаб, ирқ ва аждодларнинг кимлиги ҳал қилувчи мезон эмас. Аксинча, иймон, тақво ва ҳақиқатга бўлган садоқат энг олий қадрият ҳисобланади. Қуйида ҳаёти ибратли ва тарихий воқеаларга бой бўлган улуғ бир аёлнинг қисмати ҳақида сўз юритилади. У Бану Назир қабиласининг энг нуфузли раҳбарларидан бири бўлган Ҳуяй ибн Ахтабнинг қизи эди. Кейинчалик у Аллоҳнинг Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рафиқаларига айланиб, мўминларнинг онаси мақомига эришди. Бу зот — Ислом ва мусулмонларга нисбатан ашаддий адоват оловини ёққан хонадон вакиласи Сафия бинти Ҳуяй (Аллоҳ ундан рози бўлсин) эди.

Унинг отаси Ҳуяй ибн Ахтаб Бану Назир қабиласининг бошлиғи бўлиб, Мадинадаги мусулмонларга қарши уруш ва фитналарнинг энг йирик ташаббускорларидан бири эди. У араб қабилаларини Мадинага қарши бирлаштириш (Аҳзоб урушини ташкил этиш) ва Бану Қурайза қабиласини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан тузилган тинчлик шартномасини бузишга мажбурлашда бош ролни ўйнаган. Бироқ Ислом адолати ҳеч бир инсонни отаси ёки яқинларининг қилган гуноҳлари учун жавобгар деб ҳисобламайди. Аллоҳ таоло Анъом сураси, 164-оятида айтганидек:

﴿وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ﴾

«Ҳеч бир гуноҳкор бошқа бир гуноҳкорнинг юкини кўтармас».

Сафия онамиз отасининг қатъий танлови ёки ўз қавмининг тутган сиёсий позицияси учун айбдор эмас эди. У ўз ҳаёти ва иймони учун

масъул бўлган улкан синов қаршисида турарди: ҳақиқат унга аён бўлган лаҳзада у қандай йўл тутади? Мана шу нуқтадан унинг илоҳий ҳидоятга йўғрилган ажойиб ҳаёт саҳифаси бошланади.

Сафия онамизнинг Исломга келиши

Хайбар қалъаси мусулмонлар томонидан фатҳ этилгандан сўнг, Сафия онамиз асирлар қаторига тушди. У оддий аёл эмас, балки Бану Назир қабиласи бошлиғининг қизи бўлгани боис юқори ижтимоий мартабага эга эди. Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг бу мавқеини эътиборга олиб, унга юксак ахлоқ ва эҳтиром билан муомала қилдилар. Сўнгра унга икки йўлдан бирини танлаш ихтиёрини бердилар: у ўз динида (яҳудийликда) қолиб, озод этилиши ёки Исломни қабул қилиб, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга турмушга чиқиши мумкин бўлди.

Сафия онамиз ҳеч бир иккиланишсиз Исломни ва Аллоҳнинг Расулини (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) танлади. Шундан сўнг Расулуллоҳ алайҳиссалом уни қулликдан озод қилиб, ўз никоҳларига олдилар ва унинг озод этилишини унинг маҳри деб белгиладилар. Бу саҳиҳ тарихий воқеа Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» тўпламида баён этилган.

Мана шу ўринда биз алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим: Сафия онамиз отасининг қилган хатолари ва жиноятлари учун товон тўлашга мажбур эмас эди. У ўз хоҳиши билан ўзи учун буткул янги йўлни — иймон ва ҳақиқат йўлини танлади. Ислом бизга инсон ҳақиқат ва иймондан узоқ бўлган муҳитда туғилиши мумкинлигини, бироқ унга ҳақиқат аён бўлгач, уни эркин танлаш ҳуқуқига эга эканлигини ўргатади.

Асирликдан юксак қадр-қиммат сари

Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам Сафия онамизнинг ўтмиши ёки Ислом душманлари бўлган қариндошларига мансублиги уни камситиш ёки хўрлашга сабаб бўлишига асло йўл қўймадилар. Аксинча, у зот Сафияни ўз никоҳларига олиб, уни мўминларнинг улуғвор оналаридан бирига айлантирдилар. Бу — Пайғамбаримиз алайҳиссалом сийратларидаги энг буюк ахлоқ ва ибрат сабоқларидан биридир.

Ислом ҳеч бир инсон учун ҳидоят эшикларини ёпмайди. Инсон Исломга ашаддий душман бўлган хонадондан чиқиб, кейинчалик ўзи мусулмон бўлиши ва юксак эҳтиромга сазовор бўлиши мумкин. Ота залолат йўлида, фарзанд эса ҳақ йўлида бўлиши — тарихда кўп кузатилган ҳақиқатдир. Зеро, Исломда ягона устунлик мезони — фақат тақво ва иймондир. Аллоҳ таоло Ҳужурот сураси, 13-оятида марҳамат қилганидек: ***«Албатта, Аллоҳ наздида энг мукаррамингиз — тақводорроғингиздир»***.

Пайғамбар хонадонидаги Сафия онамиз

Сафия (Аллоҳ ундан рози бўлсин) пайғамбарлик уйига қадам қўйиб, мўминларнинг онаси мақомини олди. Табиийки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари (мўминларнинг оналари) ўртасидаги ўзаро рашк туйғулари инсоний табиатдан келиб чиқиб учраб турарди. Бироқ Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай нозик вазиятларни ҳамиша юксак донолик ва чексиз раҳм-шафқат билан бошқарардилар.

Бу борада сийрат китобларида ўта таъсирли бир воқеа нақл қилинади. Кунларнинг бирида Сафия онамизга унинг яҳудий аждодлари ҳақида айтилган гаплар унга оғир ботиб, қаттиқ хафа бўлади ва йиғлайди. Бундан хабар топган Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг кўнглини кўтариб, унга ўз асл қадр-қиммати ва улуғ насабини эслатадилар: **«Сен пайғамбарнинг (яъни Ҳорун алайҳиссаломнинг) наслисан, амакинг ҳам пайғамбар (яъни Мусо алайҳиссалом) бўлган ва сен бугун пайғамбарнинг никоҳидасан. Хўш, улар сендан қайси жиҳатдан устун бўла оладилар?»** — деб унинг қалбидаги маҳзунликни тарқатиб юборадилар.

Шундай қилиб, Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуфтларининг қадр-қимматини муносиб ҳимоя қилдилар ҳамда аёллар ўртасидаги табиий рашк туйғусининг адолатсизлик ёки камситишга айланишига асло йўл қўймадилар.

Сафия онамизга бўлган юксак эҳтиром

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Сафия онамизга (Аллоҳ ундан рози бўлсин) доимо чексиз меҳр ва юксак одоб билан муомала

қилардилар. Бунга ҳазрати Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ушбу воқеа яққол мисол бўла олади: Сафар жараёнида Пайғамбаримиз алайҳиссалом Сафия онамиз устига қулай ўтириши учун туянинг орқасига ўз чопонларини солиб берганлар. Бу у зотнинг аёлларига бўлган чуқур ғамхўрлиги ва юксак маданияти белгиси эди. Бундан ташқари, Сафия ва Зайнаб (Аллоҳ улардан рози бўлсин) оналаримиз туядан йиқилиб тушиб, қаттиқ ҳаяжонга тушганларида, Пайғамбаримиз алайҳиссалом уларни тинчлантириш ва кўнгилларини кўтариш мақсадида оилавий шарафларини эслатиб, хотиржамлик бахш этганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ахлоқининг буюклигини очиб берувчи тарихий вазият

Имом ал-Бухорий ва Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» тўпламларида бу борада энг гўзал ва ибратли ривоятлардан бири келтирилади. Кунларнинг бирида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Масжидда эътикоф ўтирганларида, Сафия онамиз у зотни зиёрат қилгани келади. Тун қоронғиси тушгач, Пайғамбаримиз алайҳиссалом аёлларини кузатиб қўйиш учун масжиддан ташқарига чиқадилар. Шу пайт йўлдан ансорлардан бўлган икки саҳоба ўтиб қолади ва Пайғамбаримиз алайҳиссаломни аёл киши билан кўриб, ноқулай вазиятга тушмаслик учун қадамларини тезлаштирадилар.

Шунда Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни тўхтатиб: **«Шошманглар, хотиржам бўлинглар, бу менинг аёлим Сафия бинти Ҳуяйдир»**, дейдилар. Саҳобалар ҳайратланиб: «Субҳоналлоҳ, эй Аллоҳнинг Расули, наҳотки сиз ҳақингизда бирор шубҳага борсак!» деб хитоб қилишади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга бу исломий одобнинг асл моҳиятини тушунтириб: **«Албатта, шайтон инсон вужудида қон каби айланиб юради. Мен у сизларнинг қалбингизга бирор ёмон фикр ёки шубҳа солиб қўйишидан хавотир олдим»**, деб марҳамат қиладилар.

Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам шубҳаларга мутлақо ўрин қолдирмадилар. У зот: «Мен Аллоҳнинг элчисиман, одамлар мен ҳақимда фақат яхши гумонда бўлишлари шарт», деб

жим турмадилар. Аксинча, у зот ўз умматига инсоний шаън ва номусни ҳимоя қилишни, турли миш-мишлар ҳамда гумонларга олиб борувчи йўлларни вақтида тўсишни ва ҳар қандай шубҳани илдизи билан йўқ қилишни амалда ўргатдилар.

Сафия (Аллоҳ ундан рози бўлсин) **онамиз ҳаётидан олинадиган бош сабоқлар**

- **Биринчи: Аждодлар ўтмиши келажагингизни белгилашига йўл қўйманг.** Инсон солиҳ ва яхши одамнинг фарзанди бўла туриб, тўғри йўлдан адашиши мумкин. Ёки аксинча, ҳақиқат ва иймондан буткул узоқ кимсанинг зурриёти бўлиб, ҳақ йўлни — илоҳий ҳидоятни топиши мумкин. Ҳеч бир инсоннинг: «Отам шундай эди, демак мен ҳам шундай бўламан», дейишга мантиқий ҳаққи йўқ. Шунингдек, бирор кишига унинг отаси ёки қавми қилган ишлар туфайли баҳо бериш адолатдан эмас. Аллоҳ таоло Муддассир сураси, 38-оятида айтганидек: ***«Ҳар бир жон ўз қилмишининг гаровидир»***.
- **Иккинчи: Ҳақиқат намоён бўлганда, энг тўғри жавоб — унга қатъий эргашишдир.** Сафия (Аллоҳ ундан рози бўлсин) онамиз ўзи мансуб бўлган оилавий ва қабилавий ришталарнинг ҳақ динни қабул қилишига тўсиқ бўлишига асло йўл қўймадилар. Бу — бутун инсоният учун улкан сабоқдир. Агар Аллоҳнинг Китоби ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатидан аниқ далил ва ҳужжатлар келса, унда ҳеч қандай эски урф-одатларни, миллатчилик туйғуларини, ҳизбни, бирор манфаатни ёки фикрий меросни ҳақдан устун қўймаслик лозим.
- **Учинчи: Ислом инсонларни фақатгина иймон асосида бирлаштиради.** Сафия (Аллоҳ ундан рози бўлсин) онамиз мусулмонларга буткул бегона ва адоватли муҳитдан чиққан бўлсаларда, Исломни қабул қилгач, мўминларнинг муҳтарам онасига айландилар. Бу ҳолат Ислом ришталари ҳар қандай қон-қариндошлик, ирқчилик ва қабилачилик алоқаларидан чандон кучлироқ эканини яққол исботлайди. Аллоҳ таоло Ҳужурот сураси, 10-оятида марҳамат қилганидек: ***«Албатта, мўминлар бир-бирлари билан биродардирлар»***.

• **Тўртинчи: Бирор-бир шахснинг келиб чиқиши ёки кимларга мансублиги туфайли унга зулм қилиш жоиз эмас.** Инсоният тарихидаги энг катта хатолардан бири — инсонга унинг оиласи, қабиласи ёки миллатига қараб баҳо беришдир. Сафия (Аллоҳ ундан рози бўлсин) онамизнинг қисмати бу иллатга қарши ёрқин намунадир. Унинг отаси мусулмонларнинг ашаддий душмани бўлгани ҳолда, аёлнинг ўзи мўминларнинг энг суюкли оналаридан бирига айланди. Халқаро ва илоҳий адолат мезонига кўра, ҳеч бир беайб инсон бошқа бировнинг жинояти учун жазоланмаслиги шарт.

Сафия онамиз шунчаки тарихий шахс эмас

Сафия (Аллоҳ ундан рози бўлсин) онамизнинг қиссаси шунчаки Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйланган оддий бир аёлнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикоя эмас. Бу — илоҳий ҳидоятнинг ҳақиқий намунаси, ҳар қандай оғир ва бегона муҳитдан чиқиб, ҳақиқатни қабул қила олган инсон иродасининг баёнидир. Бу — Ислом инсонларга ўтмишдаги адоват кўзи билан эмас, балки уларнинг қалбидаги иймонга қараб муомала қилишини кўрсатувчи олий мезондир. Шунингдек, бу қисса пайғамбарлик хонадони чин маънода чексиз раҳмат, юксак қадр-қиммат, гўзал таълим ва маънавий покланиш маскани бўлганини исботлайди.

Шу боис, биз Муқаддас Қуръондаги ***«Бас, уларнинг ҳидоятларига эргашинг!»*** деган илоҳий амрни ўқиганимизда, бу жараёнга шунчаки ўтмишда қолиб кетган тарихий воқеа деб эмас, балки пайғамбарлар ва уларга чин дилдан эргашган зотларнинг қолдирган ибратли йўлларини ҳаётимизга татбиқ этишга бўлган бугунги куннинг чақириғи деб қарашимиз лозим.

Хўш, Сафия онамизнинг ҳаёт мактаби бугунги замон кишисига яна нималарни сўзламоқда?

Ушбу ҳаёт мактаби бизга қуйидаги ҳақиқатларни сўзламоқда:

Сиз Ҳақга ота-боболарингиз ўша йўлни тутгани учунгина кўр-кўрона эргашманг. Шунингдек, мутлақ ҳақиқатни, у рақибларингиз ағзидан янграгани учунгина рад этманг. Турли ижтимоий хурофот ва ботил ақидалар сиз билан чин ҳидоят ўртасида тўсиқ бўлишига асло йўл қўйманг. Агар ҳақиқат аниқ намоён бўлган бўлса, унга

эргашишда юксак ирода ва жасорат кўрсатинг. Агар сиз Аллоҳ таолони таниган бўлсангиз, бутун вужудингиз билан У зотга садоқат бағишланг. Агар сиз Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ҳақ Пайғамбар эканликларини англаган бўлсангиз, унда у зотнинг қолдирган йўл-йўриқларига сўзсиз эргашинг. Агар оилангизда ёки аждодларингизда кимдир хато қилган бўлса, бунинг юкини ўз зиммангизга олманг. Борди-ю, атрофдаги кимсалар сизга ёмонлик қилса, уларнинг бу нотўғри хатти-ҳаракатлари сизни ҳақ йўлдан чалғитишига ёки ундан воз кечишингизга сабаб бўлмасин.

Сафия онамиз Исломнинг энг ашаддий душмани бўлган Ҳуяй ибн Ахтабнинг хонадонидан чиқди, бироқ отасининг сиёсий мавқеи ва тутган залолат йўли унинг тақдирини белгилашига йўл қўймади. Аксинча, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суюкли рафиқаси ҳамда бутун мусулмон умматининг улуғвор онаси сифатида шарафли ҳаёт кечирди. Шундай экан, эй чин ҳидоят соғинчида юрганлар, қаердан келганингизга қараб тушкунликка тушманг, балки қайси мақсад сари кетаётганингиз ҳақида бош қотиринг!

Эй Ислом ташвиши ва ғами билан яшаётган даъватчилар! Инсонларни ҳидоятга бошлаш ва уларнинг қалбини ислоҳ қилишда асло умидсизликка тушманг. Зеро, сиз бугун ҳақиқат ва иймондан буткул узоқ деб ҳисоблаган кимса, эртага Аллоҳ таолога энг яқин ва суюкли бандалардан бири бўлиб етишиши мумкин.

Эй ҳаётида чин маънода гўзал намуна излаётган зотлар! Сизлар пайғамбарларнинг қолдирган соф меросига, Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олийжаноб ахлоқига ҳамда у зот олиб келган ҳидоят, раҳмат ва илоҳий адолат мезонларига қатъий эргашинглар.

Аллоҳ таоло Аҳзоб сураси, 21-оятида марҳамат қилади:

﴿لَّقَدۡ كَانَ لَكُمۡ فِي رَسُولِ ٱللَّهِ أُسۡوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرۡجُواْ ٱللَّهَ وَٱلۡيَوۡمَ ٱلۡأٓخِرَ وَذَكَرَ ٱللَّهَ كَثِيرٗا٢١﴾

«(Эй мўминлар), сизлар учун — Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп зикр қилган кишилар учун Аллоҳнинг Расулида гўзал ўрнак бордир».

Аллоҳ таоло мўминларнинг муҳтарам онаси Сафия бинти Ҳуяйдан рози бўлсин, уни Ўз раҳматига олсин ва барчамизни неъмат боғлари бўлмиш жаннатларда улуғлар билан бирга қайта жамласин!

ҚАЗО ВА ҚАДАР ШАРҲИ

Халифа Муҳаммад — Иордания

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан.

Аллоҳ таоло Ҳадид сураси, 22-23 оятларида шундай марҳамат қилади:

﴿مَآ أَصَابَ مِن مُّصِيبَةٍ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَلَا فِيٓ أَنفُسِكُمۡ إِلَّا فِي كِتَٰبٖ مِّن قَبۡلِ أَن نَّبۡرَأَهَآۚ إِنَّ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرٞ ٢٢ لِّكَيۡلَا تَأۡسَوۡاْ عَلَىٰ مَا فَاتَكُمۡ وَلَا تَفۡرَحُواْ بِمَآ ءَاتَىٰكُمۡۗ وَٱللَّهُ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخۡتَالٖ فَخُورٍ ٢٣﴾

«Ер юзига ҳам, ўзларингизга ҳам бирон мусибат етмас, магар етса Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Лавҳул Маҳфузда ёзилган бўлур. Албатта, бу Аллоҳга осондир. Токи сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмагайсиз ва (Аллоҳ) сизларга берган нарса билан ҳаволаниб кетмагайсиз. Аллоҳ барча такаббур ва мақтанчоқларни суймас».

Муборак оят инкор («ма») ва истисно («илла») воситалари ёрдамида чеклаш (ҳаср) услубида бошланган. Бу эса содир бўладиган барча мусибатлар фақат ва фақат азалдан Махсус Китобда битиб қўйилганини ифодалайди.

Мусибат — инсонга хуш келмайдиган ёки унга моддий-маънавий зарар етказадиган ҳар қандай ҳодисадир. Бунга инсоннинг ўз жисми ёки ҳаётига тегишли бўлган бевосита офатлар (масалан, касаллик, ҳолсизлик, қўрқув, очлик, яқинларини йўқотиш), шунингдек, у яшаётган заминда юз берадиган билвосита офатлар (масалан, қурғоқчилик, сув тошқинлари, вайронкор зилзилалар ва бошқа табиий офатлар) киради. Бошқача айтганда, инсон дуч келадиган ва ундан озорланадиган ҳар бир синов мусибатдир. Оятда «мусибат» сўзининг ноаниқ (накра) шаклда ва инкор контекстида ишлатилиши

унинг умумийлик касб этишини, яъни катта-кичик ҳар қандай кўнгилсизликни ўз ичига олишини англатади.

Грамматик жиҳатдан «асоба» (етди) феълининг фоили (бажарувчиси) «мусибат» сўзи бўлиб, ундан олдин қўшимча таъкид учун «мин» предлоги келган. Демак, «мусибат» сўзи лафзан мажрур (зандали), маҳаллан эса марфуъ (эга) ҳисобланади. Феълнинг мафъулун биҳ (тўлдирувчиси) эса матнда тушириб қолдирилган бўлиб, умумийликни ифодалаш учун «асобакум» (сизларга етган) ёки «асоба аҳадан» (бирортасига етган) маъносини англатади.

«Ер юзида» ибораси «мусибат» сўзидан кейин келиб, грамматик жиҳатдан унинг сифати (аниқловчиси) бўлиб хизмат қилади. Маъноси — ер юзида содир бўладиган, юқорида таъкидлаганимиздек, умумий характерга эга бўлган барча глобал офатлардир.

«Ўзларингизга ҳам эмас» жумласи ер юзидаги умумий бало-қазолар билан бир қаторда, ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётида учрайдиган индивидуал синовларнинг хилма-хиллиги ва кенг қамровлилигини кўрсатиш учун ёнма-ён зикр этилган. Бу ерда инкор («ла») юкламасининг такрорланиши инсон бошига тушадиган шахсий мусибатлар унинг қалбига чуқур таъсир қилишини ва уларнинг руҳий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш учундир.

«Магар етса Биз уларни пайдо қилишимиздан илгари Китобда... бўлур» жумласи аввалги инкордан кейин келган истисно бўлиб, мусибатларнинг Лавҳул Маҳфузга қатъий боғланганини (ҳасрни) ифодалайди. Яъни: Ер юзида ёки инсоннинг ўз нафсида содир бўладиган бирор-бир мусибат йўққи, у аввалдан махсус Китобда битиб қўйилган бўлмаса.

Оятдаги «набра-аҳа» (уни пайдо қилишимиздан) феълидаги «ҳа» (уни) замири нимага тегишли экани борасида муфассирлар турли фикрларни билдиришган. У Ер юзига, инсонларнинг руҳларига ёки мусибатнинг ўзига ишора қилиши мумкин. Қандай бўлмасин, исломий нусуслар бу тақдир битиги осмонлар ва Ер яратилишидан илгари содир бўлганини қатъий тасдиқлайди.

Имом Абу Довуд, Имом Термизий ва Имом Аҳмадлар Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда у зот ўз ўғлига шундай деганлар: *«Эй ўғлим! Сенга етган мусибат сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини ҳамда сени четлаб ўтган нарса сенга етиши мумкин эмаслигини (яъни ҳамма нарса тақдир билан бўлишини) то аниқ билмагунингча иймон ҳақиқатининг асл таъмини топа олмайсан. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман:* ***«Албатта, Аллоҳ таоло энг аввал яратган нарса Қаламдир. Унга: «Ёз!» деди. Қалам: «Эй Раббим, нимани ёзай?» деди. У зот: «Қиёмат қоим бўлгунга қадар содир бўладиган барча нарсаларнинг тақдирини (ўлчовини) ёз!» деб марҳамат қилди****. Эй ўғлим, агар мана шу эътиқоддан бошқача ҳолда вафот этсанг, мендан (менинг йўлимдан) эмассан».*

Тақдирни Китобга битиб қўйиш — Аллоҳ таолонинг азалий ва чексиз илмини ифодалайди, бироқ бу ҳолат барча воқеа-ҳодисалар аниқ муҳрланган асл Китобнинг мавжудлигини асло инкор этмайди. Диний матнлар барча ўлчовлар битилган махсус Китоб — Лавҳул Маҳфузнинг борлигини якдил тасдиқлайди. Аллоҳ таоло Ҳаж сураси, 70-оятида айтганидек:

﴿أَلَمۡ تَعۡلَمۡ أَنَّ ٱللَّهَ يَعۡلَمُ مَا فِي ٱلسَّمَآءِ وَٱلۡأَرۡضِۗ إِنَّ ذَٰلِكَ فِي كِتَٰبٍۚ إِنَّ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرٞ ٧٠﴾

«Аллоҳ осмон ва ердаги бор нарсаларни билишини билмадингизми? Албатта, бу Китобда (Лавҳул Маҳфузда битилган)дир. Албатта, бу Аллоҳга осондир»*.* Ушбу муборак оят Аллоҳ таолонинг чексиз илми билан бирга, бутун борлиқнинг тақдири махсус Китобда муҳрланганини баён этади ва бу иш Буюк Зот учун ўта енгил эканини кўрсатади.

Худди шунингдек, биз ўрганаётган оят ҳам коинот яратилишидан илгари мусибат ва синовлар Китобга битиб қўйилганини тасвирлайди ва: ***«Албатта, бу Аллоҳга осондир»****,* — деб таъкидлайди.

Ҳақиқий мўмин бошига тушган синов ва мусибатларни гўзал сабр ҳамда Аллоҳдан ажр-мукофот умид қилиш билан қарши олади. У сабр косасини тўлдириб, чидамлилик кўрсатади ва: «Албатта, биз

Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтгувчимиз», — деб таслимият изҳор этади. Шу тариқа, у илоҳий раҳматга сазовор бўлади. Аллоҳ таоло Бақара сураси, 155-157 оятларида марҳамат қилади:

﴿وَلَنَبۡلُوَنَّكُم بِشَيۡءٖ مِّنَ ٱلۡخَوۡفِ وَٱلۡجُوعِ وَنَقۡصٖ مِّنَ ٱلۡأَمۡوَٰلِ وَٱلۡأَنفُسِ وَٱلثَّمَرَٰتِۗ وَبَشِّرِ ٱلصَّٰبِرِينَ١٥٥ ٱلَّذِينَ إِذَآ أَصَٰبَتۡهُم مُّصِيبَةٞ قَالُوٓاْ إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّآ إِلَيۡهِ رَٰجِعُونَ١٥٦﴾

«Ва, албатта, сизларни хавф-хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда:«Албатта, биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У зотга қайтгувчилармиз», дейдиган собирларга хушхабар беринг (эй Муҳаммад). ».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар: «**Мўминнинг иши ажойиб, чунки унинг ҳар бир иши фақат яхшиликдан иборат. Бундай мақом мўминдан бошқа ҳеч кимга берилмаган. Агар унга бирор хурсандчилик келса, Аллоҳга ҳамд айтиб, шукр қилади ва бу унинг учун хайрли бўлади. Агар бошига бирор оғирлик (мусибат) тушса, сабр қилади ва бу ҳам унинг учун хайрли бўлади**» (Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривояти).

Ер юзида ёки инсон ҳаётида юз берадиган бу каби мусибатлар тўғридан-тўғри қазо ва қадар доирасига киради. Чунки инсоннинг бу дунёдаги ҳаёти ва ундаги ҳодисалар икки асосий доирага бўлинади:

Биринчи доира — инсоннинг ўз ихтиёри ва хоҳиши амал қиладиган майдон. Бу ерда инсон ўз хатти-ҳаракатларини тўлиқ назорат қилади ва барча ишларни ўз иродаси билан бажаради. У ўз хоҳиши билан таомланади, ухлайди, ишлайди, яхшилик ёки ёмонлик йўлини танлайди. Мана шу доира бандanинг Қиёматда ҳисоб-китоб қилинадиган жойидир. Агар унинг амаллари Аллоҳ таолонинг буйруқ ва қайтариқларига мувофиқ бўлса, ажр-мукофот олади, агар илоҳий шариатга зид бўлса, жазо(азоб)га мустаҳиқ бўлади. Аллоҳ таоло Залзала сураси, 7-8 оятларида айтганидек: ***«Бас, ким (дунёда) зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса,***

(Қиёматда) уни кўрар. Ким зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса, уни ҳам кўрар».

Иккинчи доира — инсоннинг хоҳиш-иродасидан ташқарида бўлган майдон. Бу ерда ҳодисалар инсоннинг хоҳишига зид ўлароқ, унинг ихтиёрисиз содир бўлади ва инсон уларнинг олдини олишга мутлақо ожизлик қилади. Бу доира ҳам иккига бўлинади:

- **Борлиқнинг умумий қонуниятлари талаб қилган ҳодисалар:** Инсоннинг қайси оилада, қандай шаклда, бўй-бастда, ранг ва чекланган жисмоний қобилиятлар билан туғилиши айнан шу доирага киради. Шунингдек, Аллоҳ таоло осмонлар ва ердаги мавжудотлар ичига жойлаб қўйган табиат қонунлари — тортишиш кучи, кеча ва кундузнинг алмашиши, ёмғир ва шамолларнинг эсиши ҳам шу қисмдандир.
- **Борлиқ қонуниятлари билан боғлиқ бўлмаган тўсатдан юз берувчи ҳодисалар:** Масалан, йўлда кетаётган инсонни тўсатдан машина уриб юбориши, у ўтирган самолётнинг қулаб тушиши, бахтсиз ҳодиса туфайли томдан ёки тоғ чўққисидан йиқилиши, оғир дардга чалиниши ва шу кабилар.

Инсон мана шу иккинчи доирада юз берган ҳеч бир ҳодиса учун Қиёматда жавобгар ҳисобланмайди. Чунки бу ишлар унинг ихтиёридан ташқарида юз берган бўлиб, банда уларни бошқаришга ёки содир бўлишини тўхтатиб қолишга асло қодир эмасдир.

لِّكَيْلَا تَأْسَوْا عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ وَلَا تَفْرَحُوا بِمَا آتَاكُمْ ۗ

«Токи сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмагайсиз ва Аллоҳ сизларга берган нарса билан шодланиб(ҳаволаниб) кетмагайсиз».

Оятдаги таълилни ифода этувчи (لكيلا) калимаси бошимизга тушадиган синов ва мусибатларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг иродаси билан эканини ҳамда У зот коинотни яратишдан аввал буларни билгани, Лавҳул Маҳфузга битиб қўйгани ва тақдир қилганини бандаларига билдиришнинг асл ҳикматини очиб беради. Бундан кўзланган бош мақсад — мўмин бандаларнинг қалбига таскин ва тасалли беришдир. Токи улар ўзларига етган мусибат

азалдан ҳукм этилганини ва уларни четлаб ўтган кўнгилсизлик асло бошларига тушиши мумкин эмаслигини қатъий англасинлар.

Шундай эътиқоддаги мўмин ҳаётда қўлдан бой берган ёки эриша олмаган дунёвий манфаатлари учун куйиб-ёнмайди, бошига тушган оғир синовлардан тушкунликка тушмайди. Балки чиройли сабр қилиб, ажрини фақат Аллоҳдан умид қилади. Худди шунингдек, у Аллоҳ таоло унга инъом этган бойлик ва неъматлар туфайли ҳаддидан ошиб, мағрурланиб кетмайди.

Оятда қораланган «шодланиш» (ҳаволаниш) — Қоруннинг қувончи каби инсонни такаббурлик, манманлик ва ношукурликка бошлайдиган ҳаддан ташқари ҳаволаниб кетишдир. Бу ҳақда Қуръони Карим Қасас сураси, 76-оятида шундай дейилган: ***«Ўшанда қавми Қорунга: «Шодланиб кетма (ҳаволанма)! Албатта, Аллоҳ шодланиб кеккайганларни суймас», деган эди»***. Бундай қувонч одамни мағрурлик ва мақтанчоқлик ботқоғига улоқтиради. Бу мантиқни оятнинг давомидаги ***«Аллоҳ барча такаббур ва мақтанчоқларни суймас»*** деган ҳукм ҳам қатъий тасдиқлайди.

Инсоннинг ўз ҳаётидаги хайрли ва гўзал воқеалардан шодланишига келсак, бундай табиий қувонч Исломда асло қораланмайди. Масалан, Аллоҳ йўлида жон фидо қилган шаҳидларнинг Раббилари ҳузуридаги олий мақом ва улуғ мукофотларни кўриб шодланишлари бунга ёрқин мисолдир. Аллоҳ таоло Оли Имрон сураси, 170-оятида айтганидек:

﴿فَرِحِينَ بِمَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضۡلِهِۦ ...﴾

«Улар Аллоҳ Ўз фазлидан берган неъматлардан шоддирлар» Шунингдек, рўзадор инсоннинг ифторлик вақтидаги ҳамда Қиёмат куни ўз Раббиси билан учрашгандаги қувончи ҳам ҳалол ва мақталган шодликдир.

«Аллоҳ барча такаббур ва мақтанчоқларни суймас». Усулул-фиқҳ қоидаларига кўра, Аллоҳ таоло «севмайди» ёки «суймас» деб сифатлаган ҳар бир амал шариатда қатъиян тақиқланган (ҳаром) ҳисобланади. «Аллоҳ суймас» ибораси тарк

этиш талаби – қатъий талаблигини, яъни ундан кейинги нарса ҳаром эканлигини ифодаловчи қарина(ишора)лардан биридир.

Бу ўринда «мухтал» (такаббур) — Аллоҳ берган неъматлар билан ҳаволаниб, одамларни менсимаслик ва мағрурланиш бўлса, «фахур» (мақтанчоқ) — ўзидаги бойлик ёки мартаба билан тизимли равишда мақтаниш, кеккайиш ва ўзини ўзгалардан устун қўйишдир. Оятда ишлатилган «фахур» сўзи муболаға шаклида бўлиб, «ҳаддан ташқари кўп мақтанувчи, ўта кетган мақтанчоқ» маъносини англатади. Ушбу икки иллат ҳам Исломда қатъиян ман этилган бўлиб, уларни ўзида мужассам қилган кимса улкан гуноҳга ботади.



Сионистик тажовуз ва уммат тарқоқлиги: ғазо фожиаси ортидаги қўғирчоқ режимлар

Исломий қаршилик ҳаракати “Ҳамас” чоршанба куни тушдан кейин Ғазо шаҳридаги фуқаролик полицияси бош қароргоҳига «исроил» армияси томонидан берилган ҳаво зарбаларини кескин қоралади. Ҳаракат бу ҳужумни навбатдаги уруш жинояти ҳамда босқинчи кучларнинг ўзаро эришилган сулҳ битимини барбод қилишга қаратилган машъум уриниши деб баҳолади. Ҳамас баёнотида таъкидланишича, мазкур қирғин Бенямин Нетаняху ҳукуматининг халқаро мажбуриятлардан очиқчасига воз кечиши ҳамда сулҳ келишувининг қолган босқичларини якунлашдан бош тортаётганининг яққол исботидир. Ҳаракат ушбу ҳужум халқаро воситачилар, кафил давлатлар ҳамда АҚШнинг минтақадаги элчиси Жаред Кушнер билан ўтказилган бир қанча музокаралар ортидан содир бўлганига алоҳида эътибор қаратди.

Ал-Ваъй: Мустамлакачи кофир Ғарбдан ёки унинг Яқин Шарқдаги қуроли бўлмиш ғарқад босқинчи яҳудий вужудидан ҳеч қачон яхшилик кутиб бўлмайди. Америка воситачилиги ва дастаги остида на мусулмонлар ва на бошқа бирор-бир мазлум халқ учун ҳақиқий, адолатли ечимга эришиш мутлақо имконсиздир. Бугунги куннинг асл ва тарихий саволи қуйидагича кўндаланг турибди: Хўш, бу можарони тубдан ким ҳал қилади? Америка гегемониясини синдириб, уни бутун мусулмон оламидан ким қувиб чиқаради? Муборак Фаластин заминида ўрнатилган ушбу ҳарбий базани батамом йўқ қилиб, Исломий ҳаётни қайта жонлантиришга ким қодир?

Иорданияда АҚШ ҳарбий босқини: қиролликнинг оммавий ахборот воситаларидаги сохта жасорат ниқоби

Иордания Ташқи ишлар вазирлиги расмий баёнот бериб, унда «Эрон томонидан Баҳрайн ва Қувайтнинг электр энергияси тармоқлари ҳамда сувни чучуклаштириш иншоотларига нисбатан қайта амалга оширилган шафқатсиз ҳужумларини» кескин қоралади. Аммон ҳукумати бу ҳаракатларни «мустақил давлатлар суверенитетининг қўпол бузилиши, уларнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва ҳудудий яхлитлигига тўғридан-тўғри таҳдид, хавфли геосиёсий эскалация ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва БМТ Низомининг очиқчасига топталиши» деб баҳолади.

Расмий вазирлик баёнотида Иордания Қироллигининг Баҳрайн ва Қувайт каби қардош давлатлар билан мутлақ бирдам экани ҳамда уларнинг ўз суверенитети, ички хавфсизлиги ва тинч аҳоли осойишталигини ҳимоя қилиш йўлида кўраётган барча чора-тадбирларини тўлиқ қўллаб-қувватлаши алоҳида таъкидланди.

Дамашқнинг янги хоинлари: «исроил» тажовузи ортидаги махфий келишувлар ва «нормаллаштириш» ниқоби

«Франс Пресс» (AFP) ахборот агентлигининг икки ишончли манбага таяниб хабар беришича, Сурия ташқи ишлар вазири Асад аш-Шайбаний ва «Моссад» разведка хизмати раҳбари Роман Гофман ўртасида Иорданияда махфий учрашув бўлиб ўтган. Нуфузли «Axios» веб-сайти ошкор қилган маълумотларга кўра, ушбу музокараларда Сурия ва «исроил» ёхуд «исроил» ва Туркия қуролли кучлари ўртасидаги ҳар қандай эҳтимолий ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олиш мақсадида, Иордания ҳудудида АҚШ назорати остида фаолият юритувчи «Махсус тезкор хавфсизлик амалиётлари маркази»ни ташкил этиш каби стратегик масалалар муҳокама қилинган.

Кейинчалик, Сурия Араб ахборот агентлиги (САНА) Ташқи ишлар вазирлигидаги дипломатик манбага таяниб, ушбу учрашувнинг баъзи тафсилотларини очиқлади. Маълум қилинишича, Оқ уй воситачилиги ва Иордания қироллиги мезбонлиги остида ўтган мазкур йиғилишда Сурия томонидан ташқи ишлар вазири бошчилигидаги юқори даражадаги делегация, генераллар ва ҳарбий разведка раҳбарлари, «исроил» томонидан эса юқори мартабали ҳарбий-сиёсий доиралар вакиллари иштирок этган. Манбанинг даъво қилишича, учрашув «исроил» томонидан Сурия ҳудуди яқинда ваҳшийларча бомбардимон қилиниши ва Сурия жанубида ҳарбий кескинлик кучайгани ортидан вазиятни юмшатиш ҳамда минтақавий барқарорликни сақлаш важи билан ташкил этилган.

Дипломатик манба сўзида давом этиб: «Музокаралар «исроил»нинг Сурияга уюштираётган ҳаво ҳужумлари, ҳибсга олишлари ва нишонга олишларини тўхтатишнинг амалий механизмларини ишлаб чиқишга ҳамда келгусидаги янада кенг қамровли сиёсий битим учун асос бўладиган хавфсизлик шартномасига эришишга қаратилди», — деб баёнот берган.

Шунингдек, хабарда айтилишича, учрашувда Анқара ва Тель-Авив ўртасидаги сиёсий тафовутларни бартараф этиш ва икки давлат ўртасидаги мавжуд кескинликнинг Сурия ички ҳудудларига салбий таъсир кўрсатмаслигини таъминлаш чоралари кўриб чиқилган. Дамашқ расмийлари ҳар қандай хавфсизлик келишувлари Сурия суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва суверен ҳуқуқларини ҳурмат қилиши кераклигини таъкидлаган ҳолда, музокаралар столига қайтишга тайёр эканликларини билдиришган.

Мазкур хоинларча тил бириктириш «исроил» ҳарбий-ҳаво кучлари томонидан Суриянинг шимоли-ғарбий қисмидаги «Абу ад-Дуҳур» аэропортидаги авиабазага ҳалокатли зарба берилганидан тахминан бир ҳафта ўтиб ҳамда «исроил» армияси Жўлон тепаликлари яқинидаги Сурия ҳарбий позицияларини нишонга олганидан бир кун ўтиб юз берди. Башар Асад режими ағдарилганидан буён «исроил» Сурия ҳудудига юзлаб ҳаво

ҳужумларини уюштирди ва янги ҳокимиятнинг собиқ армия арсенали ҳамда стратегик қуролларини қўлга киритишига тўсқинлик қилишга уринмоқда. Бундан ташқари, «исроил» кучлари 1967 йилдан бери босиб олинган Жўлон тепаликларига туташган қуролсизлантирилган буфер зонаси чегараларини ҳам ёриб ўтиб, Сурия жанубида янги назорат ҳудудларини ташкил этиш ниятини эълон қилди. «исроил» расмийлари ўз қўшинларини бу Сурия тупроқларидан қайтариб чиқиш ниятида эмасликларини очиқчасига таъкидламоқдалар.

ХАЛИФА ВА ПОДШОҲЛИК:
ҲУКМДОР ОДАМЛАРНИ ҚЎРҚУВГА СОЛИШДАН ОЛДИН ЎЗИ АЛЛОҲДАН ҚЎРҚҚАНДА – ИЛОҲИЙ АДОЛАТ ВА ЗОЛИМЛИК ЎРТАСИДАГИ ТУБ ФАРҚЛАР

Баҳо Ал-Ҳусайний

Асл масала ҳокимият тахтида ўтирган ҳукмдорнинг қандай номланишида эмас. Ҳатто унинг исми олдига қўйиладиган баландпарвоз унвонлар ҳам бошқарувнинг асл моҳиятини очиб бера олмайди. Энг муҳими — у қўллайдиган бошқарув усули, у интиладиган сиёсий мақсад ҳамда Аллоҳнинг шариати ва халқ ҳуқуқлари қаршисида ўз ваколатлари чегарасини қандай белгилашидир.

Бу борада биз мўминлар амири Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ҳаётидан ўта ибратли бир воқеага дуч келамиз. Имом Ибн Саъд ўз асарларида Зозон орқали ҳазрати Салмондан ривоят қилишича, кунларнинг бирида Умар ибн Хаттоб Салмон розияллоҳу анҳуга: «Мен подшоҳманми ёки халифами?» деб савол берган. Шунда Салмон: «Агар сиз мусулмонларнинг хазинасидан бир дирҳам ёки ундан кам ёхуд кўп маблағни ноҳақ йўл билан ундириб, кейин уни ноҳақ жойга сарфласангиз, унда сиз халифа эмас, балки оддий подшоҳсиз», деб жавоб берган. Бу сўзларни эшитган ҳазрати Умар қаттиқ йиғлаган.

Имом Ибн Саъднинг «Табақот ал-Кубро» асарида қайд этилган яна бир ривоят ҳам худди шу юксак маънони тасдиқлайди. Ҳазрати Умар: «Аллоҳга қасамки, мен халифаманми ёки подшоҳманми — шундан хавотирдаман», деганида, у зотга шундай дейишган: «Эй мўминлар амири, уларнинг ўртасида улкан фарқ бор. Халифа давлат маблағларини фақат шариат рухсат берган ҳалол йўл билан тўплайди ва уни фақат ҳақ йўлда (халқ манфаати учун) сарфлайди. Сиз, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, айнан шундайсиз. Подшоҳ эса одамларга зулм қилади, биридан ноҳақ тортиб олиб, бошқасига беради».

Бу чуқур тушунча ҳақида бир мушоҳада қилиб кўринг!

Бутун араб олами бўйсунган, ажам халқлари ва улкан ҳудудлар — Форс ўлкасидан тортиб Шом ва Мисргача бўлган империялар тиз чўккан Умар ибн Хаттоб олий ҳокимиятни шахсий имтиёз, тож-тахт ёки ўзи хоҳлаганича тасарруф этадиган ўлжа сифатида кўрмади. Аксинча, у ўзини мусулмонлар хазинасининг ҳар бир чақаси ва ҳар бир инсоннинг ҳаёти, ҳақ-ҳуқуқи учун Аллоҳ таолонинг ҳузурида бевосита жавобгар деб билди. Масаланинг асл негизи айнан мана шундадир. Зеро, муаммо бошга кийиладиган тожда эмас, балки ҳокимиятнинг манбаи ва бошқарув манҳажидадир.

Ислом ҳукмдорни халқ устидан илоҳ қилиб қўймайди, унга мутлақ дахлсизлик ҳуқуқини бермайди ва Умматни унинг шахсий мулкига айлантирмайди. Қуръони карим Нисо сураси, 55-оятда шундай марҳамат қилиади: ***«Албатта, Аллоҳ сизларга омонатларни ўз эгаларига топширишни ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишни буюради»***.

Ислом эътиқодига кўра, салтанат(олий ҳокимият) — бу юксак омонат, давлат бошқаруви — улкан масъулиятдир. Умум хазинаси ҳукмдорнинг шахсий ҳамёни эмас, мамлакат унинг хусусий томорқаси эмас ва раъият бирор-бир шахс, оила ёки сиёсий ҳизбнинг қуллари эмасдир.

Бу ўринда бир муҳим жиҳатни аниқлаштириб олиш лозим: ҳар бир подшоҳ шунчаки подшоҳлик унвонига эга бўлгани учун қораланавермайди. Масалан, Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссалом ҳақида Бақара сураси, 251-оятда: ***«Ва Аллоҳ унга подшоҳлик ва ҳикмат берди»,*** деб марҳамат қилган. Сулаймон алайҳиссалом тилидан эса Сод сураси, 35-оятида: ***«Менга ўзимдан кейин бирор кишига муяссар бўлмайдиган бир подшоҳлик (мулк) ато этгин»,*** деб дуо қилгани маълум. Бу ерда гап илоҳий адолатга таянган солиҳ подшоҳлик ҳақида эмас, балки ҳокимият тизими зулм, зўравонлик, яккаҳокимлик ва монополияга айланиб кетадиган сиёсий тузум ҳақида бормоқда. Бу ҳадиси шарифларда «золим ва тажовузкор подшоҳлик» (мулкан ъазузан) деб сифатланган тизимдир.

Биз ҳазрати Умар намунасидан қаёнларда қолдик?

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу мусулмонлар хазинасининг ҳар бир дирҳами учун Қиёмат куни Аллоҳ таолонинг ҳузурида жавоб беришдан даҳшатга тушиб титрар эди. Аммо биз яшаётган замонавий даврга келиб, бутун бир миллатнинг беҳисоб бойликлари, ер ости ва ер усти захиралари бир ҳовуч кимсаларнинг шахсий лойиҳалари, яширин ҳисоб-рақамлари ҳамда тор доирадаги имтиёзларига айланиб кетди. Энг ачинарлиси, бундай тизимда халқдан фақат жим туриш талаб этилади. Ҳукмдордан ҳисоб сўраш — давлатга исён, олий ҳокимиятни холис танқид қилиш — оғир жиноят деб баҳоланади. Давлат маблағларига эса ҳокимият тепасига ким келган бўлса, худди ўша шахснинг отасидан қолган меросдек муомала қилинмоқда.

Биргина дирҳамни ҳам ноҳақ сарфлашдан титрайдиган одил Халифа билан бутун бошли мамлакатни, унинг ерлари, бойликлари, муассасалари ҳамда ресурсларини ўзи ва яқинларининг шахсий мулки деб биладиган золим ҳукмдор ўртасидаги фарқ ер билан осмончадир. Масала баландпарвоз шиорларда эмас. Асл гап ҳалоллик, адолат ва Аллоҳнинг қонунларига мувофиқ ҳукмронлик қилишдадир.

Оғир бадал тўлаган халқлар қисмати

Сўнгги ўн йилликларда биз халқларнинг зулмга қарши исён кўтарганига, қонли тўқнашувлардан кейин режимларнинг қулаганига, шаҳарлар вайрон бўлиб, миллионлаб инсонларнинг ўз уйини ташлаб кетганига ва мисли кўрилмаган қурбонлар берилганига гувоҳ бўлдик. Айниқса, Сурия замини зулм ва қуролли можаролар оқибатида адолат йўқолиб, давлат институтлари қулаганда жамият қандай фожиаларга юз тутишининг оғриқли намунасидир.

Бироқ бундан олинадиган асл сабоқ шунчаки бир шахсни бошқасига, бир шиорни янгисига ёки бир сиёсий элитани бошқа гуруҳга алмаштиришдан иборат эмас. Бундан ҳам улканроқ савол шундаки: адолатсизлик ағдарилгандан кейин халқни қайси тизим бошқаради? Агар бир золим кетиб, унинг ўрнини бошқа бир мустабид эгалласа, нима ўзгарди? Агар ҳокимиятдаги чеҳралар

алмашса-ю, аммо зулмни туғдирадиган пойдевор ва қонунлар ўзгаришсиз қолса, муаммо барҳам топдими?

Халқлар талаб қилиши лозим бўлган асл мақсад — шунчаки ҳокимият тепасидаги шахсни ўзгартириш эмас, балки бошқарув тизимини тубдан янгилашдир. Токи янги ҳокимият Ислом шариати қонунларига қатъий боғланган бўлсин, мол-мулк ишончли ҳимоялансин, ҳақ-ҳуқуқлар тўлиқ сақлансин ва ҳукмдор Аллоҳ таоло ҳамда Уммат олдида ўз раъияти учун бевосита жавобгар бўлсин.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилганлар: **«Ҳар бирингиз роъий(бошлиқ)сиз ва ҳар бирингиз ўз раъияти (қўл остидагилари) ҳақида сўраласиз»**. Бу ҳадисдан аёнки, ҳукмдор халқнинг эгаси эмас, балки унинг омонатчисидир.

Келинг, атрофимиздаги вазиятни холис тафтиш қилиб кўрайлик. Эндиликда биз тўхтаб, нафақат «Бизни ким бошқаради?» эмас, балки қуйидаги фундаментал саволлар устида бош қотиришимиз шарт:

- У бизни қандай қонунлар билан бошқаради?
- У кимнинг манфаатларини кўзлаб сиёсат юритади?
- У салтанат(олий ҳокимият) ваколатини кимдан олади?
- Уммат бойлиги унинг қўлидаги муқаддас омонатми ёки беҳуда сарфланувчи ўлжами?
- Мазлумлар ушбу тузумда ўз ҳуқуқларини эркин қўлга кирита оладими?
- Халқ ўз золимларини Ислом шариатида белгиланган ҳуқуқий воситалар орқали жавобгарликка торта оладими?
- Ҳукмдор Умматнинг хизматкорими ёки унинг устидан ҳукм сурувчи мустабидми?

Мана шулар чин ақл ва идрокка эга бўлган ҳар бир мусулмоннинг онгини банд қилиши керак бўлган бош саволлардир.

Мусулмон уммати бир золимни бошқаси билан алмаштириши ёки янги номлар остида адолатсизликни қайта тиклаши асло жоиз эмас.

Унга ҳақиқий адолат, Ислом қонунлари, қатъий жавобгарлик ҳамда инсон ҳаёти, мулки ва шарафини ҳимоя қилишга асосланган мукаммал бошқарув тизими керак. Шу сабабли мусулмонлар зиммасида Аллоҳнинг шариатини ҳаққоний воситалар билан ҳаётга татбиқ этишни талаб қилиш ҳамда бетартиблик, шахсий қасос ва ноҳақ қон тўкишлардан узоқ бўлган, ҳақ-ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи одил ҳукуматни барпо этиш йўлида изчил ҳаракат қилиш мажбурияти бор. Зеро, мақсад – «Халифалик» байроғини қуруқ кўтаришда эмас, балки унинг асл мағзини — юксак масъулият, илоҳий адолат, ҳалоллик ва Аллоҳнинг қонунларига мувофиқ бошқарув сифатида англаш ва ҳаётга жорий этишдадир.

Келинг, мўминлар амири Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ўз-ўзига: «Мен подшоҳманми ёки халифами?» деб берган саволини ва мусулмонлар хазинасидан биргина дирҳамни ноҳақ олиб, ноўрин жойга сарфлаб қўйишдан қанчалик даҳшатга тушганини зинҳор унутмайлик!

Эй бугун ҳокимият тахтига интилаётганлар ва халқ бошқарувини қўлга олган кимсалар! Сизлар ҳам ҳазрати Умар каби ўз нафсингизни мана шундай қаттиқ тафтиш қилиб, ҳисоб-китобга торта оласизми?

Эй муаззам мусулмон Уммати!

Биз бугун мусулмон оламининг мустабидлик ва хорлик тизимларига маҳкум бўлиб қолишига жим қараб тураверамизми? Ёки ҳақиқий адолатни таъминлайдиган, Уммат шарафини ҳимоя қиладиган ва ҳукмдорни ўз фуқаролари учун Аллоҳ таолонинг ҳузурида бевосита жавобгар қиладиган мукаммал сиёсий тизимни барпо этиш йўлида фидокорона ҳаракат қиламизми?

Ҳаққоний ва шаръий йўл — бетартиблик, ноҳақ қон тўкиш ёки беайб инсонларга тажовуз қилиш орқали эмас, балки фақатгина соф исломий ўзгаришлар воситасида кечади. Аксинча, бу улуғ мақсадга юксак сиёсий хавфсизлик ва онг, илоҳий адолат мезонлари, уюшган ҳаракатлар ҳамда Умматни Ислом пойдевори асосида қайта қуриш орқали эришилади. Шундагина давлат бошқаруви кимларнингдир қўлидаги уруш ўлжаси эмас — муқаддас омонатга, зулм ва

зўравонлик эмас — юксак масъулиятга айланади. **«Ҳукм қилиш фақат Аллоҳга хосдир»**.

Эй Аллоҳим! Мусулмонларнинг аҳволини Ўзинг ислоҳ қилгин. Бизга ҳақиқатни ҳақ ўлароқ кўрсатиб, унга эргашишни насиб эт, ботилни ботил ўлароқ кўрсатиб, ундан узоқ бўлишимизни таъминла. Умматимиз орасида адолатни барқарор қил, бошимиздан зулм, истибдод ва хорлик занжирларини ечиб ташла. Заминимизда фақат Ўзингга итоат қилиш, мутлақ адолат ўрнатиш ҳамда инсонларнинг қони, моли ва номусини ҳимоя қилишга асосланган одил тизимнинг ҳукмрон бўлишини муяссар айла! Омийн.

ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШ ВА ИСЛОМ: КУЧ ИШЛАТИБ ҲОКИМИЯТНИ ЭГАЛЛАШ ШАРЪИЙ УСУЛМИ?(1)

Бассом Фараҳот – Тунис

Ҳизб ут-Таҳрир Макка даврида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратлари ва у зот ислом давлатини барпо этгунга қадар босиб ўтган босқичларини атрофлича ўрганди. Натижада ушбу сиёсий партия ўз фаолият йўлини — босқичлари ва ҳаракатларини — худди шарафли суннат томонидан белгиланган бошқа барча ҳукмлар сингари, амал қилиниши мажбурий бўлган шаръий ҳукмлар сифатида қабул қилди.

Шунга асосланиб, партия ўз ҳаракат тариқат(йўналиш)ини уч асосий босқичга ажратди. **Биринчи босқич: тасқиф (сақофат, таълим-тарбия)** босқичи бўлиб, бу босқич ҳизбнинг фират ва тариқати ҳамда дастурига чин дилдан ишонган, партиянинг негизини ташкил этувчи шахсларни шакллантиришдан иборат. **Иккинчи босқич — тафоъул (уммат билан ўзаро таъсирлашув)** бўлиб, Уммат Исломни ҳаётининг бош мақсади сифатида қабул қилиши ва уни амалда қўллашни талаб қилиши учун унинг зиммасига Ислом масъулиятини юклашдир. **Учинчи босқич — ҳокимиятни қабул қилиб олиш** ҳамда Ислом шариатини ҳаётнинг барча жабҳаларида умумжаҳон миқёсида тўлиқ қўллаш ва унинг даъватини бутун дунёга ёйишни ўз ичига олади.

Тариқат ва услуб ўртасидаги фарқ

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг сийратларини илмий ўрганиш натижасида маълум бўлдики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада мушриклар томонидан шафқатсиз таъқиб ва тўсиқларга учраган пайтларида, даъватни янги бир стратегик босқичга олиб чиқдилар. У зот жамиятдаги куч-қудрат ва таъсир доирасига эга бўлган кишилардан (нусрат аҳлидан) ёрдам сўраш ҳаракатини бошладилар. Дуч келинган кўплаб рад этишлар ва қийинчиликларга қарамай, у зот бу фаолиятни изчил давом эттириб, уни давлат тепасига келишнинг шаръий тариқати (методи)

даражасига кўтардилар ва бу жараён Мадиналик ансорлар у зотнинг даъватларини қабул қилгунга қадар давом этди.

Ислом давлатининг ташкил этилишига оид шаръий далиллар шуни кўрсатадики, тарихда илк бор бундай тизим фақат бир марта — иккинчи босқичнинг (ўзаро таъсирлашувнинг) охирида, айнан нусрат (ёрдам) сўраш орқали барпо этилган. Эътиборли жиҳати шундаки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам куч-қудрат ва таъсирга эга бўлган бу етакчилардан, худди ўз аёллари ва фарзандларини ҳимоя қилгандек, у зотни ва исломий даъватни ҳимоя қилишни шарт қилиб қўйган эдилар. Гарчи бу масъулият керак бўлса уруш олиб боришни тақозо этса-да ва ансорлар Исломни ҳимоя қилиш учун 500 отлиқдан иборат қўшин шайлаб қўйган бўлсалар-да, Мадинада ҳокимият у зотга ҳеч қандай қон тўкишларсиз, буткул тинч йўл билан топширилди.

Шундай қилиб, қуролли ҳаракат умумий даъват йўлида муқаррар бир мажбурият эмас, балки вазият тақозо этгандагина ишлатиладиган вақтинчалик восита эканлиги аён бўлади. Агар бундай бўлмаганида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуролли тўқнашувсиз ҳокимиятни қабул қилиб олишдан бош тортган бўлар эдилар.

Шу боис, биз жамиятдаги таъсир ва куч-қудрат аҳлига таяниб, исломий давлатни барпо этиш учун улардан шаръий ёрдам (нусрат) излаш тариқати билан, куч ишлатиб ҳокимиятни зўрлик билан тортиб олишга қаратилган ҳарбий тўнтаришларни ўзаро қатъий фарқлашимиз лозим. Зеро, давлатни қабул қилиб олишда ҳеч қандай куч ишлатишга ҳожат қолмаслиги ҳам мумкин. Баъзан кучдан фойдаланиш фақатгина эски тузумнинг қаршилиги ёки бўйсунмаслигини тўхтатиб қолиш учун шунчаки ҳарбий куч намойиши ёхуд таҳдид билан чекланади.

Шунга кўра, Ҳизб ҳокимиятни услуб сифатида баҳолаб эгаллаш билан, давлатни тариқат сифатида баҳолаб барпо этиш ўртасидаги нозик фарқни аниқлаб олди. Ҳокимиятни қўлга киритишнинг амалий воситалари сиёсий шароит, замон ва макон контекстига қараб очиқ ва хилма-хил бўлиши мумкин бўлса-да, аммо исломий

давлатни барпо этишнинг шаръий тариқати ягона бўлиб, у фақат талаби нусрат (аҳли қувватдан ёрдам сўраш) билан чеклангандир. Бу — аниқ шаръий ҳукм бўлиб, ўзимизча ундан тажовуз қилишимизга рухсат ҳам ва бу масалада бошқа муқобилни қолдиришимизга йўл ҳам йўқдир.

Шундан келиб чиқиб, 1961 йилдан буён Ҳизб ут-Таҳрир ўз фаолият майдонларида талаби нусрат билан бир қаторда, мусулмон жамиятида Ислом ҳақида умумий хабардорликни ва унга таянган кучли жамоатчилик фикрини шакллантириш устида изчил ишлаб келмоқда. Ҳизб бу ёрдам-нусратни амалдаги ҳукмдорлардан, давлат жиловини ушлаб турганлардан, шунингдек, ҳокимият тизимига бевосита таъсир ўтказа оладиган кучлардан талаб қилди ва бу ҳаракатни 1965 йилгача бор кучи билан давом эттирди. Ушбу даврга келиб партия жамиятда янги давлат пойдевори мусулмон уммати бағрида аллақачон шаклланиб бўлганини, унинг қурилишини якунлаш учун фақатгина ҳокимиятни расман топшириш жараёни қолганини ҳис қилди. Бироқ бу табиий туғилиш жараёнига кофир Ғарб малайларига имкон берган ва исломий давлатнинг барпо бўлишига тўсқинлик қилган ташқи ғайритабиий кучлар ва сунъий тўсиқлар халақит берди.

«Кесарево» (жарроҳлик йўли билан туғдириш) амалиёти

Вазиятнинг чўзилиши исломий давлатнинг туғилишини янада мураккаблаштиргани ҳамда кутилаётган қимматли натижани (ҳомилани) буткул барбод қилиш хавфини туғдиргани сабабли, Ҳизб ҳокимиятни қабул қилиб олиш учун «Кесарево амалиёти» деб номланган фавқулодда стратегик қадамни амалга оширишга қарор қилди. Ўз ҳаракатлари доирасида партия ушбу нозик операцияни барча зарур моддий воситалар, ҳарбий куч ва жанговар маҳорат билан ҳаётга татбиқ эта оладиган аҳлларни (армия таркибидаги содиқ кучларни) изчил қўллаб-қувватлашга киришди.

Масофалар босиб ўтилиб, жараёнларга амалий равишда киришилгани сари, мавжуд геосиёсий вазиятга мос келувчи чораларни излаш йўлида ҳокимиятни эгаллаш воситаларининг доираси торайиб борди. Хусусан, оммавий фуқаролик вариантлари

(фуқаролик итоатсизлиги, умумий иш ташлашлар ва намойишлар) — гарчи улар сиёсий босим ўтказиш ва халқ дастагини намойиш этишда ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлса-да — бу босқичда асосий кун тартибидан чиқарилди. Бор эътибор тўғридан-тўғри «Кесарево амалиёти»ни муваффақиятли бажаришга қодир бўлган ҳарбий ва моддий куч эгаларини мақсадли йўналтиришга қаратилди.

Назарий жиҳатдан воситаларнинг кўплиги ва хилма-хиллигига қарамай, ҳокимиятни тинч ва хавфсиз ўтказиш усули минтақавий ҳамда халқаро алоқалар ва мавжуд хавфсизлик воқелиги нуқтаи назаридан марказий нуқтага — исломий ўлчовга тўла мувофиқ келиши шарт. Бунда жамият хавфсизлиги кимнинг қўлида экани, олий ҳокимиятнинг асл табиати (у мустақил тизимми ёки мустамлакачи кучларнинг оддий қўғирчоғими) ҳамда қуролли кучларнинг салоҳияти, доктринаси, сиёсий тизимга муносабати ва халқ иродасига қай даражада жавоб бериши ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Амалдаги режимларнинг хорижий кучларга қарамлиги, мустақил сиёсат юрита олмаслиги, мамлакат бойликлари устида кечаётган шиддатли халқаро курашлар ҳамда ҳарбий тузилмаларнинг мавжуд тизим билан моддий манфаатлар ва имтиёзлар орқали боғланиб қолгани инобатга олинса, ҳокимиятни оддийгина топширишларини кутиш бефойда экани аён бўлади. Бундай шароитда ҳокимиятни «Кесарево амалиёти» воситасида қабул қилиб олиш стратегияси ягона тўғри йўл сифатида тасдиқланади. Натижада, ушбу тарихий операцияни муваффақиятли амалга оширишга қодир бўлган реал моддий куч ва ҳарбий қудрат эгаларидан (нусрат аҳлидан) стратегик ёрдам сўраш ҳаётий заруратга айланади.

Бизнинг давримизда ушбу кучларнинг энг кўзга кўринган вакили ҳарбий муассаса (армия) бўлганлиги сабабли, у орқали ҳокимиятни қабул қилиб олиш жараёни кўпинча оддий ҳарбий тўнтариш билан адаштирилади. Хўш, «Кесарево амалиёти» атамаси тўғридан-тўғри ҳарбий тўнтаришни англатадими? Ёки тўнтариш шунчаки ушбу амалиётнинг мумкин бўлган ва методологик жиҳатларидан бирими? Ёхуд улар бир-бирига буткул зид бўлган икки алоҳида тушунчами?

Ушбу марказий саволга тўғри жавоб бериш учун биринчи қадамимиз ҳарбий тўнтаришнинг техник-илмий маъносини аниқлаш, унинг таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш ҳамда уни мантиқий жиҳатдан ўхшаш бўлган бошқа сиёсий атамалардан фарқлаш билан бошланиши лозим. Бу таҳлил илоҳий нусрат (ғалаба) ва «Кесарево амалиёти» воқелигини тўғри англаш учун жуда муҳимдир. Мазкур тадқиқот доирасида чалкашликларга чек қўйиш мақсадида асос тушунчаларни аниқ мезонлар орқали белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳарбий тўнтариш нима?

Илмий мулоқот ва соғлом ахборот алмашинувининг энг муҳим талабларидан бири шундаки, биз маълум бир атама устида уни ишлаб чиққан мутахассислар томонидан дастлаб берилган асл маънога тўлиқ риоя қилишимиз шарт. Бунда бизнинг шахсий позициямиз ёки қарашларимиздан қатъи назар, илмий терминлар устида баҳслашиш мантиқсиздир. Бундан ташқари, фикрларнинг равшанлигини таъминлаш ва тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатишга алоҳида эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур.

Бу нозик талаб, айниқса, сиёсат шариъат(исломий фиқҳ) билан ўзаро кесишадиган ушбу ҳассос(ўта нозик)соҳада сўзларнинг семантик (маъновий) фарқларини чуқур билишни тақозо этади. Ҳарбий тўнтариш феноменига келсак, у замонавий академик, ижтимоий ва сиёсий доираларда бир нечта мезонлар асосида таърифланган. Қуйида биз ушбу илмий таърифларнинг энг муҳимларини кўриб чиқишга ҳамда уларнинг негизидаги умумийликни тизимлаштиришга ҳаракат қиламиз.

«Қисқа Оксфорд социология луғати»га (Short Oxford Dictionary of Sociology) кўра, ҳарбий тўнтариш — «**қуролли кучлар томонидан давлат ҳокимиятини нодемократик ва конституцияга зид равишда, зўравонлик воситасида тезкорлик билан эгаллаб олиниши**»дир. «Британника» (Britannica) энциклопедияси эса бу ҳодисани **«ҳарбий раҳбарият ёки унинг муайян бир қисми томонидан, чекланган зўравонлик ёрдамида, бир шахс ёки**

кичик гуруҳ томонидан мавжуд ҳукуматнинг тўсатдан ағдарилиши» деб таърифлайди. «Википедия» очиқ энциклопедиясида эса бу тушунчага **«давлат аппарати ичидаги кичик бир гуруҳ — кўпинча ҳарбийлар — томонидан сиёсий иерархия раҳбарини алмаштириш мақсадида амалдаги ҳукуматнинг тўсатдан ҳокимиятдан четлатилиши»** дея академик баҳо берилади. Ҳарбий тўнтариш тушунчаси сиёсий доираларда ҳам бир-бирига яқин бўлган тавсифий маъноларда ишлатилади.

Хусусан, у **ҳарбий куч ишлатиш ёки уни қўллаш таҳдиди остида амалдаги ҳукуматни ноқонуний равишда ағдариш** сифатида таърифланади. Шунингдек, унга **ҳарбий ҳокимият ёки унинг ичидаги қудратли бир фракция томонидан бошланиб, мавжуд режимнинг қулашига олиб келувчи қуролли қўзғолон** деб ҳам баҳо берилади. Бундан ташқари, тўнтариш — **амалдаги ҳукуматнинг хоҳиш-иродасига қарши ўлароқ, ҳарбий куч воситасида бошқарувни ўзгартириш ва муқобил ҳокимиятни ўрнатиш** жараёнидир.

Мазкур муаммонинг асл моҳияти замонавий ҳаётий мисоллар ёрдамида янада ойдинлашади. Саҳрои Кабир жануби Ғарбий Африкада жойлашган «тўнтаришлар камари» (Нигер, Мали, Буркина-Фасо ва бошқалар) тажрибасини чуқур ўрганиш натижасида ҳарбий тўнтариш ҳодисасини тавсифловчи бир қатор тизимли сабаблар ва қонуниятлар аниқланди. Бу эса бизнинг ушбу мавзуга бўлган қарашимизни кенгайтириб, ҳарбий тўнтаришни қуйидагича ҳар томонлама ва аниқ белгилашга ёрдам беради:

Ҳарбий тўнтариш — **ҳарбийлар томонидан амалга ошириладиган, конституциявий меъёрларга зид ва ноқонуний бўлган, бевосита амалдаги ҳукумат ва унинг мулозимларини нишонга олувчи ҳамда гуруҳбозлик, махфийлик, муайян талаблар қўйиш, тўсатданлик ва тезкорлик билан тавсифланувчи сиёсий-ҳарбий ҳаракатдир.** Бу жараён амалда ҳарбий раҳбариятнинг ёки унинг бир қисмининг қуролли зўравонлик ёхуд куч ишлатиш таҳдиди ёрдамида мавжуд ҳокимиятга қарши исён кўтариши билан ифодаланади. Натижада амалдаги ҳукумат ағдарилиб, унинг ўрнига фуқаролик ёки ҳарбий,

вақтинчалик ёхуд доимий бўлишидан қатъи назар, мутлақо бошқа янги бошқарув тизими ўрнатилади.

Биринчи элемент: Конституцияга зид ва нодемократик ҳаракат

Ҳарбий тўнтаришнинг энг биринчи хусусияти — унинг амалдаги конституциявий меъёрларга зид, ноқонуний ва нодемократик характерга эга эканлигидир. Бу иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан ўз-ўзидан равшан: замонавий давлатчилик тизимида ҳеч бир конституция ёки ундан келиб чиқадиган қонун ҳужжатлари армияга сиёсий бошқарув жараёнига аралашиш, мавжуд ҳукмдорларни ағдариш, ҳукуматларни ишдан бўшатиш ёки янгиларини тайинлаш учун ҳарбий куч ишлатиш ваколатини бермайди.

Глобал миқёсда қабул қилинган умумжаҳон тамойили ҳарбий институтнинг сайланган фуқаролик ҳокимиятига сўзсиз бўйсунишини тасдиқлайди. Замонавий конституцияларда армия давлат ва амалдаги сиёсий тузумни ҳимоя қилувчи миллий муассаса сифатида муҳрланган бўлса-да, унинг ҳар қандай аралашуви фақат қонун доирасида ва фуқаролик ҳокимияти бошқаруви остида бўлиши шарт, ундан юқори эмас. Бинобарин, қуролли кучларга ҳукуматни куч билан ағдаришга имкон берувчи бирор бир қоида мавжуд бўлса, бу барқарор конституциявий тамойил эмас, балки тўғридан-тўғри ҳарбий режимнинг истисно ҳолати ёки унинг яққол далилидир.

Жаҳон амалиётида ҳукуматларни ағдариш учун содир этиладиган ҳарбий аралашувлар фуқаролик ҳокимиятига қарши қурол ишлатишга рухсат берувчи бирор-бир конституциявий моддага асосланмайди. Улар ҳамиша мавжуд конституциявий қонунийлик доирасидан буткул ташқарида амалга оширилади.

Демократик нуқтаи назардан ёндашилса, демократия тизими ҳокимиятни фақат тинч йўл билан ўтказишнинг муқаддаслигини ҳимоя қилади, кўпчиликнинг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилади ва сайловларни ҳокимиятга эришишнинг ягона қонуний воситаси мақомига кўтаради. Буларнинг барчаси тизим ичида кесиб ўтиб бўлмайдиган қизил чизиқ ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу

тартибларни бузиб, амалга ошириш учун ҳарбий куч талаб қилган ҳар қандай ҳаракатнинг «тўнтариш» деб таърифланиши табиийдир.

Мазкур ҳаракат тўнтариш раҳбарларини халқаро ҳамжамиятнинг қатъий талабларига ҳамда халқаро нормалар ва қонунларнинг жиддий босимларига рўбарў қилади. Шу боис, тўнтариш уюштирувчилар ўз қилмишларининг конституцияга зид ва ноқонуний эканлигини ҳеч қачон очиқ тан олмайдилар. Аксинча, улар бу ҳаракатга гўёки қонуний, рухсат берувчи ва конституциявий тус бериш учун баландпарвоз демократик шиорлар ортига яширинишга уринадилар. Шунингдек, улар сиёсий изоляциядан чиқиш ва ўзларига нисбатан жорий этилган иқтисодий блокадани бекор қилиш мақсадида халқаро майдонда турли иттифоқлар тузишга, дипломатик алоқалар ўрнатишга ва сиёсий маневрлар қилишга шошилишади. Бу ҳаракатлар кўпинча уларни давлат суверенитети, мустақил ҳокимият, миллий бойликлар ва ҳатто халқнинг ўзлигига путур етказувчи ҳалокатли имтиёзлар беришга мажбур қилади. Саҳел ва Саҳрои Кабир минтақасида сўнгги йилларда юз берган ҳарбий ҳаракатлар бунга яққол мисолдир.

Нақлий-фиқҳий ёндашув (ақлий-демократик эмас, балки аниқ ҳуқуқий мезон)

«Кесарево амалиёти»(исломий давлатни барпо этиш учун аҳли қувватдан ёрдам олиш)га келсак, бу — мавжуд сиёсий воқелик томонидан белгиланадиган ва зарур бўлгандагина қўлланиладиган қонуний усулдир. У шариатдаги **«Вожибни адо этиш учун зарур бўлган нарса ҳам вожибдир»** деган фундаментал фиқҳий тамойилга асосланади.

«Кесарево амалиёти» ҳарбий воситага эга бўлган соф сиёсий ҳаракатдир. У куч, ҳокимият, хавфсизлик, ички уйғунлик, садоқат ва халқаро алоқалар нуқтаи назаридан Ислом шариати белгилаган мезонлар воқелиги билан буткул бир хил хусусиятга эга. Чунки бу усул мусулмонлар устидаги мустамлакачилик ва золимлик занжирларини узиш ҳамда динни ҳаётга қайтариш (нусрат) талабига қарши турган тўсиқларнинг табиатига кўра шаклланадиган муқобил шаръий ечимдир.

Араб ва Ислом оламидаги мавжуд сиёсий вазият ҳамда шарт-шароитларни холис ўрганиш орқали бу минтақанинг буткул Ғарб таъсири остида эканлигини осонгина англаш мумкин. Бу заминдаги ҳокимият ва бошқарув тизимлари ўз халқининг иродасига таянган мустақил куч бўлмай, балки кофир мустамлакачиларнинг манфаатларига хизмат қилувчи оддий вакиллик (қўғирчоқ) вазифасини бажармоқда. Бундан ташқари, минтақадаги ички хавфсизлик тизими ҳам мусулмон аҳолининг осойишталигини кафолатлашга эмас, балки мавжуд тузумларни ҳимоя қилишга қаратилган.

Шу билан бирга, давлатларнинг ҳарбий тузилмаси амалдаги ҳукмрон доираларга кўр-кўрона содиқлик руҳида шакллантирилган ва унда чуқур илдиз отган. Армиянинг раҳбарлик таркиби пухта сараланиб, ўз халқидан буткул ажратилган ҳолда, ғарбпараст кучларнинг бевосита ва ҳушёр назорати остида тарбияланган. Мустамлакачилар ушбу ҳарбийларнинг жанговар доктринасини ўз талабларига мослаштириб, уларни ўз миллатига қарши қайраган ва фикрий жиҳатдан ўзларига маҳкам боғлаб олган. Ҳарбий элитанинг моддий манфаатлари ва чексиз имтиёзлари сиёсий ҳокимият билан шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, уларнинг мавжудлиги ва истиқболи тўғридан-тўғри ушбу тизимнинг омон қолишига боғлиқдир. Бу эса уларнинг ўз шахсий манфаатларидан воз кечиб, халқ оммаси билан бир сафда бирлашишини деярли имконсиз қилиб қўяди.

Ташқи кучларга мутлақ қарамлик, мустақил ҳокимиятнинг йўқлиги, ички ишончсизлик ва чет элликларга сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ҳамда маданий жиҳатдан тўлиқ бўйсуниш билан тавсифланган мана шундай аччиқ воқеликни инобатга олиш зарур. Мамлакат ва унинг беҳисоб ресурслари устида халқаро миқёсда шиддатли кураш кечаётган бир пайтда, ҳокимиятни оддий йўллар билан топширилишини кутиш пуч хомхаёлдир. Шунга кўра, исломий бошқарувни тиклаш учун ҳокимиятни «Кесарево амалиёти» воситасида қабул қилиб олиш стратегияси ягона тўғри чора эканлиги яққол тасдиқланади. Бу жараёнда мазкур операцияни тўлиқ амалга оширишга қодир бўлган реал моддий куч ва ҳарбий

қудрат эгаларини мақсадли йўналтириш ҳаётий аҳамиятга эга. Чунки айнан ушбу кучлар янги барпо этиладиган одил ҳокимият учун табиий мудофаа таянчи ҳамда хоин ҳукмдорларни ҳокимиятда ушлаб турган ташқи ҳарбий-сиёсий дастакни батамом йўқ қилишнинг энг самарали ва қонуний воситасидир.

Нусрат (стратегик ёрдам) сўраш пойдеворларини чуқур ўрганиш ушбу ёндашувнинг нечоғли тўғри эканини яққол тасдиқлайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз даъватлари йўлида дуч келган барча оғир қийинчиликлар ва қавмларнинг рад этишларига қарамай, нусрат излашда давом этдилар ва бу ишда қатъият кўрсатдилар. Бу ҳолат, принципиал жиҳатдан, мазкур фаолиятни исломий давлатни барпо этишнинг қонуний ва ўзгармас шаръий тариқати (методи) даражасига кўтаради.

Аллоҳнинг Расули алайҳиссалом реал куч, қудрат ва ҳимояни айнан нусрат сўралган томонлардан қидирдилар ва уларга: *«Сизларнинг куч-қувватингиз қай даражада? Хавфсизлигингиз нечоғли таъминланган? Жанг майдонида қандайсизлар?»* каби аниқ саволлар билан мурожаат қилдилар. У зот бу кучни тўғридан-тўғри унинг асл манбаларидан (бақувват, жанговар қабилалар ёки мустаҳкам қалъа-шаҳарлардан) ёхуд ушбу ҳарбий кучни ҳаракатга келтира оладиган шахслардан (қабила бошлиқлари, нуфузли амирлар ёки сиёсий ва маънавий вазнга эга етакчилардан) изладилар. Ҳарбий куч ва хавфсизлик омилига бўлган бундай юксак эътибор Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинада олий бошқарувни ўз зиммаларига олганларида ҳам яққол намоён бўлди. У зот ҳокимиятни қабул қилишда қарши кучлар томонидан қурол ишлатилиши эҳтимолини жуда яхши билардилар ва бу тўсиқни енгиш учун ҳарбий кучдан фойдаланишни асло истисно қилмадилар. Бу эса у зотни олдиндан барча эҳтиёт чораларини кўришга ва шунга мувофиқ пухта тайёргарлик кўришга ундади.

У зот ўз шахслари ва исломий лойиҳанинг хавфсизлигини қатъий таъминладилар. Иккинчи Ақаба байъатида Авс ва Хазраж қабилалари, ҳатто бу жараён шиддатли жанг ва қон тўкилишини англатса-да, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни худди ўз зодагонлари, аёллари ва фарзандларини ҳимоя қилгандек мудофаа

қилишни шарт ўлароқ ўз зиммаларига олдилар. Ансорлар у зотнинг ҳокимият тепасига келишларини амалда қўллаб-қувватлашларини намойиш этиб, ҳар қандай кутилмаган ташқи таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда давлатни ташкил этишда юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларни парчалаш учун 500 отлиқ аскардан иборат махсус батальон шайладилар. Шу сабабли, исломий бошқарув тизимини тиклаш усули — инсоний конституциялар ва дунёвий қонунларга ишониб топширилган ёки демократик тамойилларга бўйсунадиган оддий соф ақлий изланиш масаласи эмас. Балки у — тўғридан-тўғри Исломнинг қатъий ҳуқуқий далиллари (насс) билан тартибга солинган илоҳий ваҳий ва фиқҳ масаласидир.

«Кесарево амалиёти» ўзининг қонунийлигини динни ҳаётдан ажратувчи дунёвий (секуляр) тизимлардан олмайди. Шу боис ушбу шаръий ҳаракатни Ғарб сиёсий мезонлари билан ўлчаб, уни «қонундан ташқари, демократияга зид ёки конституция бузилиши» деб таърифлаш мутлақо нотўғридир. Исломий шариат нуқтаи назаридан, Ғарб ўйлаб топган бу сохта ҳуқуқий учликнинг ҳеч қандай қиймати ва аҳамияти йўқ. Аксинча, бу амалиёт — Ислом давлатини қуришдаги ҳал қилувчи стратегик ҳаракат ҳамда сиёсий воқелик томонидан белгиланган муқаррар усулдир. У бошқа тинч вариантлар хорижий мустамлакачилар томонидан бўғиб қўйилган шароитда, вожиб ва мажбурият сифатида қабул қилинади. Бу жараён шариатнинг **«Усиз вожиб тўлиқ адо бўлмайдиган восита ҳам вожибдир»** деган олий қоидага асосланади.

Иккинчи компонент: Ҳукумат ва унинг мулозимларини нишонга олиш

Ҳарбий тўнтаришнинг иккинчи ўзига хос элементи шундаки, у бевосита амалдаги ҳукумат ва унинг юқори мартабали мулозимларини нишонга олади. Унинг бош мақсади — амалдаги ҳукмдорларни ҳибсга олиш, қамоққа ташлаш ва суд қилиш, ёхуд суиқасд уюштириш, қувғин ва сургун қилиш воситасида уларни буткул зарарсизлантириб, олий ҳокимиятни қўлга олишдир. Зеро, давлат раҳбари ва унинг ҳукмрон жамоасининг озодликда қолиши тўнтаришнинг муваффақиятига, вазият барқарорлигига ва инқилобчиларнинг шахсий хавфсизлигига жиддий таҳдид солади.

Ҳарбий тўнтариш муайян куллий фикратга асосланган муқобил ҳукуматни ўрнатишни мақсад қилмайди. Шунингдек, инқилобчилар мусулмон умматига юкламоқчи бўлган бирор-бир соф ғоявий даъво ёки принципиал асосга эга бўлмайдилар, шунингдек ҳокимиятни ўзлари қабул қилган қарашларни амалга ошириш тариқати сифатида қўллаш учун ҳам эгалламайдилар. Улар олий ҳокимиятни чинакам суверен ва мустаҳкам қиладиган асл кучга — кенг халқ оммасига ёки ҳеч бўлмаганда жамиятнинг энг қудратли, онгли қатламларига таянмасдан, фақатгина ҳокимиятнинг ташқи қиёфасини (яъни ҳукумат биноси ва ҳукмрон амалдорларни) нишонга оладилар.

Халқ иродаси кафолатланмагани, жамият бундай тўсатдан бўлган ўзгаришларни қабул қилишга тайёр эмаслиги ҳамда вазият исталган вақтда ички урушга айланиб кетиши мумкинлиги сабабли, тўнтариш қонуниятларидан бири — тезкорлик билан умумий фавқулодда ҳолат эълон қилиш ва комендантлик соати жорий этишдир. Инқилобчилар мамлакат ва халқ устидан назоратни қаттиқ кучайтириш мақсадида армия бўлинмаларини нозик нуқталарга жойлаштирадилар. Айниқса пойтахтдаги аэропортлар, портлар, марказий радио ва телевидение станциялари, давлат қўмондонлик марказлари ҳамда хорижий элчихоналар каби стратегик объектларни ҳимоя қилиш орқали ташаббусни ўз қўлларида сақлаб қолишга уринадилар. Шу билан бирга, тўнтариш баёнотларини кетма-кет эълон қилиш орқали жамоатчилик фикрини жиловлаш, халқ норозилигини тийиш, оммани ўз томонларига оғдириш ва уларни янги ҳарбий воқеликни сўзсиз қабул қилишга мажбурлаш учун олдиндан пухта ўйланган ташвиқот қадамларини ташлайдилар.

Қарор қабул қилиш ва ҳокимиятга эришиш ўз-ўзидан мақсад эмас

«Кесарево амалиёти» шунчаки ҳокимиятни куч билан тортиб олиш ёки унинг табиий ижтимоий пойдеворидан узилган қуруқ моддий қиёфасини (ҳукумат биноларини) нишонга олиш эмас. Исломда сиёсий бошқарувни қўлга киритиш ўз-ўзидан бош мақсад ҳисобланмайди ва унга шахсий ёки гуруҳий манфаатлар йўлида интилиш жоиз эмас. Аксинча, бундан кўзланган олий мақсад —

мусулмонлар ҳаётида Ислом шариатини қайта тиклаш ҳамда Ислом даъватини бутун дунёга кенг ёйишдир.

Ҳизб ут-Таҳрир олий ҳокимият тизимини фақат ва фақат Ислом тамойиллари асосида қайта қуриш учун қабул қилиб олишга интилади. Мазкур ҳаракат жамиятда шариат аҳкомлари ва исломий концепцияларни ҳаётга жорий этишнинг қонуний воситасидир. Шу сабабли, масала шунчаки ҳукмрон элитани жисмоний куч ёки қурол воситасида ағдаришдан кўра чандон чуқуррокдир. Асл вазифа — жамиятда исломий тафаккурни ҳукмрон қилиш орқали кенг халқ оммасини ушбу олий ғоя атрофида бирлаштиришдир. Бу жараён мавжуд хоин элитанинг сиёсий ва маънавий жиҳатдан ўз-ўзидан парчаланишига олиб келади ва уларнинг сиёсий саҳнадан йўқолишини табиий оқибатга айлантиради.

Дарҳақиқат, агар амалдаги ҳукмдорлар ўз уммати билан бирлашсалар, унинг исломий давлатчилик лойиҳасини қўллаб-қувватласалар ва ҳақ ғояларни қабул қилсалар, инсонлар қалбини ислоҳ қилиш ва бирдамликни сақлаш воситаси сифатида уларнинг ўз лавозимларида қолишларига шарьан рухсат берилиши мумкин. Худди Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Исломни қабул қилган, Расулуллоҳга садоқат байъатини берган ҳамда Ислом давлатига сўзсиз бўйсунишни ихтиёр этган Яманнинг собиқ форс ноиби Бозонни ўз лавозимида қолдирганларидек.

Бироқ, ўз ҳокимиятини буткул хорижий мустамлакачи кучларга суянган ҳолда ушлаб турган қўғирчоқ режимларга нисбатан асосий шарьий тамойил — уларни дастаклаётган ташқи куч манбаларини нишонга олиш ва уларга қатъий зарба беришдир. Шу билан бир пайтда, ўз суверенитетини тиклаши лозим бўлган халқ оммаси хоин режимдан буткул ажратилиб, уларни ташқи тажовузкорларга қарши фаол кураш қуролига айлантириш лозим. Мазкур стратегик ёндашув оддий ҳарбий тўнтариш чегарасидан буткул чиқиб кетади. У тўғридан-тўғри халқ ичида, халқ билан бирга ва халқнинг ўз иродаси орқали фаолият юритадиган, шиддатли сиёсий кураш олиб борадиган, жамоавий онгга асосланган кучли жамоатчилик фикрини шакллантирадиган ҳамда мустаҳкам халқ базасини яратиб, умумий

интеграция жараёнида фаол иштирок этадиган қудратли сиёсий блокни (партияни) тақозо этади.

...давоми бор

ТРАМП ОҚ УЙНИНГ АСЛ МУСТАМЛАКАЧИЛИК БАШАРАСИНИ ОЧДИ

АҚШ президенти Дональд Трамп ўз мамлакатининг Венесуэлага тегишли **65 миллиард баррелдан ортиқ нефть захираларини** эгаллаб олишдаги «муваффақиятини» эълон қилишдан уялмади ва ҳатто бу билан мақтанди. У ўз баёнотида: *«Давлат котиби Рубио ва Мудофаа вазири Хегсет менинг кўрсатмаларимга асосланиб, АҚШнинг Венесуэла тасдиқланган нефть захираларининг катта қисми, яъни 65 миллиард баррелдан ортиқ бойлик устидан назоратини америкалик солиқ тўловчилар учун ҳеч қандай харажатсиз таъминлай олдилар»*, — деб таъкидлади.

Бу иқрор Оқ уйнинг йиллар давомида сохта ва чалғитувчи тарзда кўтариб келган «эркинликлар, мустақиллик, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва инсон ҳуқуқлари» каби баландпарвоз шиорларга аслида ҳеч қачон аҳамият бермаганини, балки у мустамлакачи давлат эканлигини яққол намоён этди. Мазкур шиорлар мустамлакачи Америкадаги пул баронлари ва капитализм китлари манфаати йўлида заиф халқларни қулликка маҳкум этиш ва инсонларнинг қонини сўриш учун ишлатиладиган ниқоб ҳамда баҳоналардан бошқа нарса эмаслигини яна бир бор тасдиқлади.

Ҳа, бу — Америка ва куфр юртларининг асл башарасидир: улар ожиз халқларни талаш ва уларнинг миллий бойликларини мусодара қилишдан завқланадиган йиртқич мустамлакачилардир. Венесуэла воқелиги бунга яққол мисол бўла олади. Трамп лавозимга киришганидан бери Панама, Гренландия, Канада, Куба, Ҳурмуз бўғози, Ғазо ва Украинанинг табиий ва стратегик ресурсларини назорат қилиш истагини бир неча бор очиқ билдирган ва бу қора рўйхат ҳануз давом этмоқда. Шу сабабли бутун дунё бугунги кунда барча халқларга ҳақиқий адолат ва раҳм-шафқатни тиклайдиган, Трамп каби мустамлакачилар, мустабидлар ва золимларнинг таъсирини Ер юзидан супуриб ташлайдиган одил Халифалик тизимига ўта муҳтождир. Ислом инсонларни юксалтиради, уларни зулмат, қашшоқлик ва сурункали инқирозлардан қутқариб, илоҳий нур, раҳмат ва мўл-кўлчиликка олиб чиқади. Бу ҳақиқатга

мусулмонлар ва уларнинг улуғвор давлатчилик тарихи тўлиқ гувоҳлик беради. Ислом оламида оқ ва қора, араб ва ажам, камбағал ва бойлар ўртасида мутлақ тенглик ўрнатилган. Унинг давлати бирор заминни фатҳ этганида, у ерни талончилик, мустамлакачилик ва тажовузкорлик билан эмас, балки юксак эҳтиёткорлик, хизмат ва мукаммал адолат билан қабул қилган ҳамда Қодир Аллоҳнинг Анбиё сураси, 107-оятини амалда кўрсатган: ***«Эй Муҳаммад, Биз сизни фақат барча оламларга раҳмат қилиб юбордик»***.

Пайғамбарлик минҳожидаги иккинчи рошид Халифаликка дунё бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтождир! Чунки у бутун инсониятнинг ягона умид чироғи ва зулм остида инграётган мазлумларнинг асл нажот қалъасидир.

Бугунги кунда дунёвий капиталистик тизимлар, Трамп каби мустамлакачи раҳбарлар ва уларнинг қўғирчоқ тузумлари инсониятни тубсизлик ва вайронкорлик сари етакламоқда. Халқларнинг миллий бойликлари талон-тарож қилинаётган, қонлар тўкилаётган ва адолатсизлик авж олган бир паллада, Ер юзи чин маънода илоҳий адолатга ташна бўлиб турибди.

Пайғамбарлик минҳожидаги Халифалик давлати шунчаки бир сиёсий тузум эмас, балки инсон қадр-қимматини юксалтирадиган, ирқи ва бойлигидан қатъи назар барчани қонун олдида тенг қиладиган одил тизимдир. У мазлумларнинг ҳақ-ҳуқуқларини золимлардан мусодара қилиб, ўз эгаларига қайтаради. Давлат маблағларини бир ҳовуч бойлар ўртасида айланиб юрадиган ўлжага эмас, балки камбағал ва муҳтожларнинг эҳтиёжларини қондирадиган умумий хазинага айлантиради.

Инсоният бошига тушган бугунги хорлик, қашшоқлик ва сурункали инқирозлардан қутулишнинг ягона йўли — оламларга раҳмат бўлган Ислом шариатини ҳаётга қайтаришдир. Фақатгина мана шу адолатли Давлат соясида инсонлар зулматлардан нурга, зулмкорлар истибдодидан Аллоҳ таолонинг чексиз раҳмати ва адолатига чиқишга муваффақ бўладилар.

СЎНГИ СЎЗ: ФАЛАСТИНДА ИФФАТ УЧУН ҚАТАҒОН

Иордан дарёсининг Ғарбий соҳилида Фаластин маъмурияти хавфсизлик кучлари бир қатор жамоатчилик фаоллари ва сиёсий мухолифларни, хусусан, Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари ва раҳбарларини нишонга олган ҳолда кенг қамровли ҳибсга олиш кампаниясини давом эттирмоқда. Сиёсий маҳбуслар оилалари қўмитаси берган баёнотга кўра, мазкур қатағон кампанияси тунги рейдлар, уйларни тинтув қилиш пайтидаги қўпол қонунбузарликлар ҳамда жисмоний ҳужумлар билан кузатилмоқда. Қўмита Иордан дарёсининг Ғарбий соҳилида Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари ва етакчиларига қарши олиб борилаётган ушбу «ваҳший ҳибсга олиш кампанияси»ни кескин қоралади. Таъкидланишича, ушбу ҳибсга олишлар фақатгина фаолларнинг «ўз сиёсий позициялари ва шаръий қарашлари (аралаш жинсдаги зиёфатларни тақиқлаш чақириқлари) туфайли» содир бўлмоқда. Бу эса Фаластин маъмурияти томонидан сиёсий эркинликларни бостириш ва мухолиф овозларни ўчириш сиёсатининг бевосита давомидир.

Қўмитанинг қўшимча қилишича, хавфсизлик кучларининг уйларга бостириб кириши оқибатида аёллар ва ёш болалар қаттиқ қўрқув остида қолмоқда, хонадонлардаги мол-мулклар вайрон қилинмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар ва миллий кучлар ўз фикри ва диний-сиёсий позицияси учун ҳибсга олинган барча сиёсий маҳбусларни зудлик билан озод қилишни ҳамда ушбу сиёсий таъқиб сиёсатига чек қўйишни талаб қилмоқда. Ўз навбатида, сиёсий маҳбусларнинг оилалари ўз фарзандларини озод қилишни сўраб, норозилик намойишлари ва пикетларни ташкил этишда давом этмоқдалар.

Ал-Ваъй: Ҳизб ут-Таҳрир муборак Фаластин заминида **2026 йил 8 август** (ҳижрий 1448 йил 25 сафар) санасида **«Аллоҳ ва Унинг Расулига хиёнат қилган Фаластин маъмурияти Эпштейннинг Фаластин халқини обрўсизлантириш йўлидан бормоқда»** номли махсус баёнот (бюллетень) эълон қилди. Ушбу ҳужжатда шундай дейилган:

«Эй муборак юртдаги азиз халқимиз! Ислом иффат, ҳаё ва аёлларимизнинг ҳижоби кофирлар ҳамда уларнинг малайларини доимий равишда ғазабга келтирмоқда. Улар аёлларимизни номус либосидан маҳрум этиш ва ёшларимиз (йигит-қизларимиз) ўртасида беҳаё, аралаш муҳитни шакллантириш учун бор имкониятларини ишга солдилар. Ғарбпараст кучлар бундан ҳам мудҳишроқ нарсани — ўғил-қизларимизни исломий туйғу ва диний хавфсизлик онгидан буткул маҳрум қилишни мақсад қилганлар. Аллоҳнинг лаънатига учраган яҳудлар қонларимизни тўкаётган, Масжидул Ақсони булғаётган ва уйларимиз муқаддаслигини топтаётган бир паллада, фарзандларимизнинг Ислом душманларини мамнун қилувчи аралаш (эркаклар ва аёллар биргаликдаги) концертларда, фестивал саҳналарида тебраниб юриши ачинарлидир».

Баёнотда яна шундай қўшимча қилинади: «Яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш (амру маъруф ва наҳйи мункар) — Исломнинг бош устуни ва мўминларнинг энг олий фазилатидир. Аллоҳ таоло Тавба сураси, 71-оятида айтганидек: ***«Мўмин эркаклар ва мўмина аёллар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрурлар, ёмонликдан қайтарурлар, намозни тўкис адо этурлар, закотни берурлар ҳамда Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат этурлар. Ана ўшаларга Аллоҳ раҳм қилур. Албатта, Аллоҳ қудратли ва ҳикматли зотдир»***.

Фаластин маъмуриятининг бундай жирканч зулмига сукут сақлаш — Аллоҳ таолонинг ғазабини қўзғатади ва икки дунёда ҳалокатга олиб келади. Амалдаги ҳокимият ва унинг хавфсизлик органлари уйларимизни, аёлларимиз ва фарзандларимизни иймон ва тақво либосидан маҳрум этиш учун нишонга олдилар. Агар сиз уларни ўз ҳолига ташлаб қўйсангиз, улар уйларимизни, оилаларимизни барбод қилади, фарзандларимизни маъсият саҳроларида ҳалок қилади. Шундай экан, бу жиноятчиларни қатъий тўхтатинг ва қораланг, токи бу дунёда ҳам, охиратда ҳам улуғ ғалабага (нажотга) эришасиз!»